

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 37.091.33:398**

ШАХЛО ОБЛОБЕРДИЕВНА ДЖАМАЛДИНОВА

**МАКТАБ АДАБИЙ ТАЪЛИМИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ
НАМУНАЛАРИНИ МУАММОЛИ МЕТОД АСОСИДА ЎРГАНИШ
ЙЎЛЛАРИ (5-9 синфлар мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (ўзбек адабиёти)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Хусанбоева Қундузхон,
педагогика фанлари доктори, доцент**

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. МУАММОЛИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА МАКТАБ АДАБИЙ ТАЪЛИМИДА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРАТИ	13
1.1-§. Муаммоли таълимнинг ўзига хос хусусиятлари. Унга хос бўлган метод ва усуллар. Муаммоли ўқитишнинг адабий таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамияти	13
1.2-§. Умумий ўрта таълим мактаблари «Адабиёт» дастур ва дарсликларидан ўрин олган халқ оғзаки ижоди намуналари таҳлили. Муаммоли таълимдан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволи.....	40
Боб юзасидан хулосалар	66
II БОБ. АДАБИЁТ ДАРСЛАРИНИ МУАММОЛИ ТАЪЛИМ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ	67
2.1-§. 5-, 6-синф ўқувчилари учун яратилган “Адабиёт” дарсликларидаги халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли метод асосида ўрганиш йўллари	67
2.2-§. 7-синфларда халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли метод асосида ўрганишдаги ўзига хосликлар	89
2.3-§. 8-, 9-синфларда халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда муаммоли вазиятларни яратиш методикаси ва бунинг ўзига хос хусусиятлари.....	106
Боб юзасидан хулосалар	122
III БОБ. ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИ МУАММОЛИ МЕТОДДА ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРИМЕНТ ИШЛАРИ ТАЛҚИНИ	123
3.1-§. Халқ оғзаки ижоди намуналарини мактабда муаммоли методда ўрганиш жараёни таҳлили	123
3.2-§. Ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларининг математик- статистик таҳлили	144
Боб юзасидан хулосалар	162
УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР	163
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	166

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда илм-фан ва техниканинг ривожланиши ҳамда рақобатбардош, мустақил фикрлайдиган кадрларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши таълим жараёнини самарали ташкил этишни талаб қилмоқда. Бу, ўз навбатида, ўқитиш тизими олдига таълим соҳаси билан меҳнат бозори ўртасидаги номуносибликни қисқартириш ва бунинг учун замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш амалий вазифасини қўяди. Таълим самарадорлигини ошириш эса мустақил фикрлайдиган, ташаббускор, ҳар жабҳада жаҳон стандартлари талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош Шахслар тарбиялашни таъминлайди.

Дунёнинг Ғарбий Европа, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея каби давлатларида таълим самарадорлигини оширишда муаммоли таълимдан кенг фойдаланиш билан боғлиқ илмий изланишлар натижаларининг юқори самарадорлиги соҳа олимлари томонидан алоҳида эътироф этилган. Жумладан, таълим муассасалари фаолияти жараёнига замонавий педагогик технологияларни, хусусан, муаммоли таълимни олиб киришга қаратилган ҳаракатлар бир қатор, хусусан: AXEL, IREX, JICA, KOICA ҳамда UNESCO каби етакчи ташкилотлар томонидан олиб борилаётган илмий фаолиятларда ўзининг самарадорлиги билан алоҳидалик касб этмоқда.

Мамлакатимизда янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши, миллий таълимнинг дунё таълим тизимига интеграциялашуви, таълим-тарбия сифатини таъминлаш, таълимни инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришдаги ислохотлар жамият таълим жараёнига янгича ёндашув зарурлигини тақозо этади. Бугунги кунда таълим тизими олдида *“...узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг*

замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш”¹ каби вазифалар қўйилган бўлиб, бу жараёнга муаммоли таълимни олиб кириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. *“Мактабда ўқитиш методикаси ўзгармаса, таълим сифати ҳам, мазмуни ҳам, муҳит ҳам ўзгармайди*”² миллий тарбияшуносликни такомиллаштириш, ўқувчиларни фақат ёдлашга эмас, балки фикрлашга чорлайдиган методикани яратиш зарурлиги назарда тутилган. Бу йўлда муаммоли таълимнинг аҳамияти бекиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон *“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”*, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон *“Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”*ги фармонлари, *“Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”* ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади. 2018 йил 14 августдаги *“Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПҚ-3907-сон Қарори³. *“Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”*⁴ масаласи Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг *“2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси”*нинг 4-йўналишида илгари сурилган бўлиб, бу

¹ Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида (ПФ-4947)ги Фармон. – Т.: ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 6-сон. 70-модда.

² <https://aniq.uz/yangiliklar/mirziyoyev>.

³ <https://lex.uz/docs/3864155> (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.08.2018 й., 07/18/3907/1706-сон; 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон)

⁴ 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. strategy.gov.uz

карашлар ўқитиш амалиётига муаммоли таълимни олиб киришга ҳам катта асос бўлади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё миқёсида муаммоли таълимга биринчи бўлиб 1894 йилда америкалик психолог, философ, педагог Жон Дьюи ўзининг Чикагодаги тажриба мактабида асос солган. У таълим жараёнини ўқув режаси асосида эмас, балки ўйинлар ва меҳнат фаолияти шаклида ташкил қилишни илгари сурган. Дунё таълим тизимида муаммоли таълимдан психология, психиатрия, медицина, олий ва умумий ўрта таълим йўналишларида: тарих ва жамиятшунослик, математика, физика, чет тилларни ўқитиш амалиётида изчил фойдаланилади.

Масалан, Буюк Британияда Шмидт Н.Г., Mc. Parland M., Noble L.M., Livingston G. каби олимлар⁵ фаолият олиб борган. Америка Қўшма Штатларида ўқитишнинг муаммоли тури бўйича у ёки бу йўналишда: Vinsent J.P., Lohman M.C. ва Finkelstein M. сингари мутахассислар Stepien W.J., Gallagher, S.A. ва Barrows H.⁶лар ҳам изланишлар қилишган.

Шарқ мамлакатлари, хусусан, Сингапур давлатида Tan O.S., Little P., Hee S.Y. ва Conway J.⁷лар илмий-тадқиқот ишларини олиб борган бўлишса,

5 Шмидт Н.Г. (1993). «Основы проблемного обучения: некоторые пояснительные примечания». Медицинское образование. 27(5): 422–32. DOI: 10.1111/j.1365-2923.1993.tb00296.x. PMID 8208146. S2CID 29515. Проблемное обучение - https://ru.qaz.wiki/wiki/Problem-based_learning; Mc. Parland M., Noble L. M. & Livingston G. Эффективность проблемного обучения по сравнению с традиционным обучением в бакалавриате психиатрии. Медицинское образование (Англия, Лондон) 2004. №38. С. 859–867. HUdoi:10.1023/A:1003927228005U.

6 Stepien W.J. Problem-based Learning: As Authentic as it Gets / Stepien, W.J. Gallagher, S.A // Educational Leadership. – № 50(7). – 1993. – P. 25–33. 27.; Barrows H. How to Design a Problem Based Curriculum for the PreClinical Years / H. Barrows // Educational Leadership, 1985. – P. 76–79.

7 Tan O.S., Little P., Hee S.Y. & Conway J. Навыки мышления, креативность и проблемное обучение. // Проблемное обучение: образовательные инновации в разных дисциплинах (Сингапур: Центр

Японияда Tiwari A., Lai P., So M. ва Yuen K.⁸ лар ўз мамлакати миллий тарбияшунослигини такомиллаштиришда муаммоли ўқитиш усулларида фойдаланишнинг амалий намуналари билан шуғулланганлар.

Таниқли польшалик олим В.Оконь⁹ ва россиялик бир қатор мутахассислар: О.Е.Бабанский, Н.Г.Дайри, И.А.Ильницкая, М.И.Махмутов, Е.Л.Мельникова, Т.В.Кудрявцев, И.Я.Лернер, А.В.Брушлинский, Л.Г.Вяткин, Н.М.Мочалова, Д.В.Вилькеев, В.И.Прусова¹⁰ лар муаммоли таълим билан умумий тарзда шуғулланишган. Л.Н.Лесохина, В.Г.Маранцман, М.И.Коржева, Н.М.Мочалова, А.М.Матюшкин, Д.А.Сладкова, О.А.Позняк, Т.А.Харчева, Т.В.Чирковская, М.А.Цейтлин¹¹ лар эса бевосита адабий таълимда муаммоли ўқитишдан фойдаланиш йўлида илмий изланишлар олиб боришган.

проблемного обучения) 2017. №4. С. 233–245. <https://www.semanticscholar.org/paper/Problem-Based-Learning-Hung/864284970bebcd0d62bf0d31a26a1a67ba0e7883>.

8 Tiwari A., Lai P., So M., & Yuen K. Сравнение влияния проблемного обучения и лекций на развитие критического мышления студентов. Медицинское образование (Япония, Осака). 2006, №40. С. 547–554. <http://dx.doi.org/10.1111/j.13652929.02481>.

9 Оконь В. Основы проблемного обучения. – Москва: Просвещение, 1998.

10 Бабанский О. Е. Проблемное обучение: обоснование и реализация. //Наука и школа. – 2000. – №1 – С. 19–25.; Брушлинский А. В. Психология мышления и проблемное обучение. –Москва: Флинта, 1983.; Вилькеев Д. В. Познавательная деятельность учащихся при проблемном характере обучения основам наук в школе. – Казань: Изд-во КГУ, 1967.; Вяткин Л.Г. Методика проблемного обучения. – Саратов: Университет, 1971.; Дайри Н. Г. Об уроке с проблемным изложением и логическим заданием. //Преподавание истории в школе. – 1995. – № 1. – С. 47–56.; Ильницкая И. А. Проблемные ситуации и пути их создания на уроке. – Москва: Знание, 1995.; Махмутов М. И. Теория и практика проблемного обучения. – Казань: Татарское книжное издательство, 1992.; Махмутов М. И. Организация проблемного обучения. – Москва: Просвещение, 1997.; Мельникова Е. Л. Технология проблемного обучения. //Образовательная программа. – Москва, 1999. – С. 85–93.; Прусова В. И. Использование методов и приёмов проблемного обучения на уроках русского языка и литературы. –http://www.dpo-smolensk.ru/biblioteka/inform_obespech/kaf-guman-cikl/3-1.pdf.; Кудрявцев В. Т. Внедрение причина проблемности в обучении. –Москва: Выс. школа, 1998.; Кудрявцев В. Т. Проблемное обучение: истоки, сущность, перспективы. –Москва: Знание, 1991.; Лернер И. Я. Проблемное обучение. – Москва: Просвещение, 1974.

11 Лесохина Л. Н. О проблемности урока литературы. //Литература в школе. –1995. –№ 6. –С. 3–11.; Маранцман В. Г., Чирковская Т. В. Проблемное изучение литературного произведения в школе. – Москва: Просвещение, 1997.; Матюшкин А.М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. –Москва: Педагогика, 1992.; Матюшкин А. М. Теоретические вопросы проблемного обучения. //Педагогика. 1991. – № 7. – С. 38–48.; Мочалова Н. М. Методы проблемного обучения и границы их применения. – Казань: Университет, 1999.; Сладкова Д. А. Проблемное преподавание литературы в старших классах средней школы. –Казань, Университет, 1997.; Коржева М. И.Технология проблемного обучения на уроках русского языка и литературы как средство развития мыслительных способностей учащихся. http://podolsoucoz.ru/teacher/Korgeva/tehnologija_problennogo_obucheniya_na_urokakh_rus.pdf; Позняк О. А. Проблемное обучение на уроках литературы. https://infourok.ru/praktikoznachimaya-rabota-tema-problennoe-obuchenie-na_urokah-literaturi-2387450.html; Харчева Т. А. Проблемное обучение на уроках литературы в старших классах. – https://multiurok.ru/files/problennoe-obuchenie-na_urokakh-literatury-v-starshikh-klassakh.html; Цейтлин М. А. О проблемном изучении романа Л.Толстого «Война и мир». //Литература в школе. –1968. –1. –С. 11–19.

Миллий мактабларда адабиёт ўқитиш методикаси фанида Қ.Хусанбоева, И.Раҳимова, Р.Ибрагимов, Л.Узоқова, Қ.Олимов ва А.Тўраев¹² лар маълум йўналишларда муаммоли таълимдан фойдаланиш борасида алоҳида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган. С.Матжонов, М.Мирқосимова, Қ.Йўлдошев, Р.Ниёзметова¹³ каби олимларнинг тадқиқотларида ҳам муаммоли таълимдан фойдаланиш борасида у ёки бу даражада, билвосита карашлар мавжуд.

Масалан, Қ.Хусанбоева докторлик ишида бевосита муаммоли таълимдан адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш мақсадида фойдаланган бўлса, И.Раҳимова бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланиш методикасини яратган. Ҳар иккала тадқиқот иши мазкур диссертация мавзусига маълум даражада дахлдорлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Лекин мактаб адабий таълимида халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли метод асосида ўрганиш йўллари хусусида изланишлар олиб борилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот режасининг №SPed-01 “Узлуксиз таълимни ривожлантиришнинг замонавий стратегиялари” (2018-2020 йй.) банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади 5-9 синфлар адабиёт дарсларида халқ оғзаки

12 Хусанбоева Қ. П. Адабий таълим жараёнларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ...дисс. – Т., 2007.; Раҳимова И. Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-амалий хусусиятлари. Педагогика бўйича (PhD) ...дисс. – Т., 2020.; Ибрагимов Р. Бошланғич синф ўқувчилари билиш фаолиятини шакллантиришнинг дидактик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2005.; Узоқова Л. П. Махсус фанларни муаммоли ўқитиш технологияси. – Т.: Фан, 2013.; Тўраев А. Б. Муаммоли вазият методи орқали ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш. //Ўрта махсус касб-хунар таълими тизими учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини таъминлашнинг илмий-услубий асослари. /Респ. ил.-амал. конф.материаллари. –Т., 2006. –176–177-б.; Олимов Қ. Т., Узоқова Л. П. Муаммоли вазиятни бошқариш йўллари. //Фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини жадаллаштириш муаммолари: Респ. ил.-амалий анжуман материаллари. – Бухоро, 2007. – 316–317-б.

13 Матчанов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 1998.; Мирқосимова М. М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари. Пед. фан. докт. ...дисс. – Т., 1995.; Йўлдошев Қ. Янгиланган педагогик тафакур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед.фан.докт. ... дисс. – Т., 1997.; Ниёзметова Р.Х. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси (рус гуруҳларида). – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 2007. – 207 б.

ижоди намуналарини муаммоли таълимдан фойдаланган ҳолда ўрганиш методикасини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

5-9 синфлар адабиёт дарсларини ташкил этишда муаммоли таълимдан фойдаланишнинг ҳозирги аҳолини ўрганиш;

5-9 синфлар адабиёт дарслари жараёнида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда муаммоли таълимдан фойдаланишнинг педагогик-психологик жиҳатларини белгилаш;

5-9 синфлар адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-методик асосларини белгилаш;

адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда муаммоли вазият ҳосил қилишнинг илмий-амалий йўллари ишлаб чиқиш;

адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда амалга оширилган тажриба-синов ишларини таҳлил қилиш ва шу асосда назарий қарашларни далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 5-9 синфлар адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш жараёни асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг предметини 5-9 синфлар адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш жараёнининг мазмуни, методик шарт-шароитлари, шакллари, воситалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида анализ-синтез, муаммоли таълим, муаммоли вазият яратиш, суҳбат, педагогик кузатиш, анкета, педагогик тажриба, математик-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналари муаммоли методдан фойдаланган ҳолда ташкил этилса, барча ўқувчиларнинг маънавий камолоти,

билим олишга бўлган қизиқишлари, ижодий тасавури, мустақил ва мантиқий тафаккур даражаси ошиши мумкинлиги исботланган;

“Адабиёт” дарсликларида берилган мақоллар, топишмоқлар, эртак ва дostonлар каби халқ оғзаки ижоди намуналари мисолида дарс машғулотлари жараёнида муаммоли вазиятларни ташкил этиш методикаси яратилган;

5-синфда топишмоқлар ва эртаклар, 6-синфда мақоллар ва қўшиқлар, 7-синфда “Равшан” достони, 8-синфда “Кунтуғмиш” достони ва 9-синфда “Алпомиш” достони мисолида ўқувчилар олдида муаммоли савол ва топшириқлар қўйиш, муаммоли вазиятлар яратиш ва қўйилган муаммонинг ечимини топиш методикаси яратилган;

адабиёт дарсларида муаммоли таълимдан самарали фойдаланиш учун 5-9 синфлар ёшидаги ўсмирлар рухий ҳолати ва интеллектуал имкониятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

5-9 синфлар адабий таълимида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишни муаммоли ташкил этиш ўқувчилар маънавий камолотини таъминлаш омили эканлиги асосланган, муаммоли таълим методдан фойдаланиш йўллари кўрсатилган;

5-9 синфлар адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишни муаммоли тарзда ташкил этишда ўсмирларни муаммоли вазиятга солиш билан уларни ўрганилаётган асар бўйича ташкил этилган муаммоларнинг ечимини топиш орқали мустақил фикр юритиш, муносабат билдириш, хулосалар чиқариш, ўз қарашларини асослаш ва далиллашга ўргатиш йўллари тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация муаммосига психологик-педагогик, илмий-назарий жиҳатдан ёндашилганлиги; белгиланган мақсад ва вазифаларига мос келадиган методлардан фойдаланилганлиги; тажриба-синов ишларининг кенг миқёсда изчил олиб борилганлиги; педагогик тажриба натижаларининг математик-статистик усул билан аниқланганлигидан иборат бўлиб, натижалар эълон қилинган илмий

мақолаларда, республика, қўшни ва хорижий давлатлар илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани ҳамда хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани билан белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда “Адабиёт” дарсликларида тақдим этилган халқ оғзаки ижоди намуналари мазмуни юзасидан ташкил этилган муаммоларни ҳал этишга қаратилган методик ёндашувлар, қарашлар, илмий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги, шунингдек, ўсмирлар адабий тафаккурини шакллантиришга йўналтирилган методик вазиятлар мазмуни, принциплари, шакллари, воситалари, усуллари ва имкониятлари такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосалари ва тавсияларидан олий таълим тизимида педагогика факултетлари талабалари учун ишлаб чиқилган илмий-методик ёндашувлар ва методик тавсиялардан умумтаълим мактабларида бошқа ўқув фанларини ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорийланиши. 5-9 синф ўқувчиларини адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли методдан фойдаланишнинг, назарий-амалий хусусиятлари тадқиқи натижалари асосида:

адабиёт дарсларида муаммоли таълимдан самарали фойдаланиш учун 5-9 синфлар ёшидаги ўсмирлар руҳий ҳолати ва интеллектуал имкониятлари ҳақидаги, “Адабиёт” дарсликларида берилган халқ оғзаки ижоди намуналари: мақоллар, топишмоқлар, эртақ ва дostonлар мисолида муаммоли вазиятларни ташкил этиш методикасидан тажриба ишларини олиб боришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 20 апрелдаги 02-02/3-1178-сон маълумотномаси). Тажриба ишларини олиб бориш жараёнида ўқувчилардаги муаммоли савол ва топшириқларнинг ечимини топишга бўлган қизиқиш, ўз-ўзини ривожлантиришга интилиш, ўз

нуқтаи назарига эга бўлиш ва ўз фикрини ҳимоя қила олиш, ҳамда ихтисослик фанларини ўқитиш, малака ошириш курслари, юқори синф ўқитувчиларининг дарс самарадорлигини оширишга эришилган;

5-синфда топишмоқлар ва эртаклар; 6-синфда мақоллар ва қўшиқлар; 7-синфда “Равшан” достони; 8-синфда “Кунтуғмиш” достони ва 9-синфларда “Алпомиш” достони мисолида ўқувчилар олдида муаммоли савол ва топшириқлар қўйиш орқали муаммоли вазиятлар яратиш ва қўйилган муаммонинг ечимини топиш методикаси юзасидан келинган хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институти инновацион лойиҳалар маркази томонидан амалга оширилган И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 12 августдаги 1696/30.02.04-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа юқори синф ўқувчиларнинг фикрлаш, мантиқий тафаккур, муаммоли саволлар ҳамда муаммоли вазиятлар ечимини топиш даражасининг ўсиш ҳолати, ўқувчиларнинг муаммоли вазиятлар ечимини топишга бўлган қизиқишлари, уларнинг ижодий тасаввур ва тафаккурининг ривожланиш даражасини илмий тасниф асосида ўрганилгани ўзбек ва инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этишда етакчи омиллардан бири эканлиги ҳақидаги назарий маълумотлар билан бойиган;

муаммоли савол ва топшириқлар, қўйилган муаммоли масалалар ўқувчиларнинг мустақил, тафаккури ва фаолиятини ривожлантириш омили эканлиги асосланган хулосалардан Халқ таълими вазирлиги фаолиятида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 20 апрелдаги 02-02/3-1178-сон маълумотномаси). Натижада юқори синфлар адабиёт таълимида муаммоли ўқитиш технологиясига таяниб иш олиб бориш ижобий самара бериши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий, услубий ишлар нашр этилган, шулардан 1 та монография, 1 та дарслик, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 3 таси республика ҳамда 5 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб ва умумий хулосалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 180 саҳифани ташкил этади. Тадқиқот ишида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳам тақдим этилган.

I БОБ. МУАММОЛИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА МАКТАБ АДАБИЙ ТАЪЛИМИДА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРАТИ

1.1-§. Муаммоли таълимнинг ўзига хос хусусиятлари. Унга хос бўлган метод ва усуллар. Муаммоли ўқитишнинг адабий таълим самарадорлигини оширишдаги аҳамияти

Маълумки, таълим умуминсоний қадриятлар, миллий ва жаҳон маданиятига йўналтирилган маънавий асосидир. Ҳозирги кунда бизнинг бозор иқтисодиётига ўтаётган жамиятимиз профессионал фаолиятда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам мустақил равишда конструктив (асосланиб, таяниб иш юритиш мумкин бўлган) қарорлар қабул қилишга қодир бўлган ижтимоий фаол, ижодий шахсга бўлган эҳтиёжни бошдан кечирмоқда. Бундай инсонни тарбиялашда замонавий таълим-тарбия жараёни муҳим рол ўйнайди. Ушбу муаммони таълим жараёнига мантиқий фикрлаш, ижодкорликни ривожлантириш ва билишга қизиқишни шакллантиришга кенг имкониятлар яратувчи муаммоли таълимни олиб кириш орқали максимал даражада ҳал қилиш мумкин.

Ривожланаётган жамиятга замонавий таълим олган, маънавияти юксак, ташаббускор, мустақил қарорлар қабул қила оладиган, ҳамкорликка ўқуви бор, ҳаракатчанлиги, амалиётчилиги, халқаро алоқалар ўрнатишга тайёрлиги ва ватан тақдирига масъулиятни ҳис қилиши билан ажралиб турадиган кишилар зарур. Бу нарса мактаб таълими олдида ўз фаолиятига ижодий, муаммоли-йўналтирилган ёндашувдан иборат аниқ ижтимоий буюртмани қўяди.

Айни дамда, замонавий педагогикада болани билимлар билан қуроллантириш эмас, балки уни ўқув муаммолари билан шуғулланиш асносида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий муаммоларни ҳал қилишга ўргатиб бориш масаласи долзарб бўлиб турибди. Ўқувчиларни таълим мазмунини ўзлаштириш ва мустақил фаолиятга қизиқишини

оширишнинг муҳим ва зарур шарти – бу ақлий мустақилликни ва ўрганишда ташаббускорликни намоён этиш қобилиятидир. Ўқишга барқарор қизиқишни тарбиялашнинг асосий воситаси бу муаммоли савол, торширик ва вазифалардан фойдаланиш бўлиб, уларнинг ечими тарбияланувчилардан фаол изланишни талаб қилади.

Шу муносабат билан, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида таълимда анъанавий, тушунтирувчи-иллюстратив (кўрсатмалилик) ўқитишдан узоқлашилмоқда ва ўқитишга янги ёндашувлар изланмоқда. Ўқитувчилар ўз фаолиятларида ҳар хил янги интерфаол методларни қўлламоқдалар. Шундай фаолият турларидан бири муаммоли машғулотлардир. Чунки ўқитишнинг бу тури ўз мазмун-моҳияти билан замонавий таълимнинг мақсад ва вазифаларига тўлиқ мос келади.

Бугунги кунда миллий мактаб ва замонавий тарбияшуносликнинг вазифаси – баркамол шахсни шакллантириш. Шу вазифани тўлиқ амалга ошириш йўлида миллий педагогика илмида ўқув жараёнида тарбияланувчиларнинг ахборотлар оқими вазиятидаги умумий ривожланиши масаласи алоҳида ўрганилмоқда. Ҳар томонлама ривожланган шахснинг энг муҳим кўрсаткичи бу унда юқори даражада фикрлаш қобилиятининг мавжудлигидир. Тарбияланувчи мустақил фаолиятининг даражаси унинг фикрлаш даражаси қанчалик ривожланганлиги билан боғлиқ.

Аксарият ҳозирги замон ўқувчиларида ўқишга, билим олиш фаолиятига рағбат, қизиқиш йўқ, ижод ва ахборотни идрок қилиш билан боғлиқ фикрий механизмлар шаклланмаган, дунёвий маданият асосида ётувчи кадриятлар ҳақида тасаввурлар етарли эмас.

XXI аср бошида мактаб олдида нафақат таълимий, балки тарбиявий аҳамиятга эга муаммолар кўндаланг бўлди. Инсон маънавиятининг асоси таълимга бориб тақалиши ҳақиқат, бироқ у фалсафа, этика, эстетика, тарих ва эътиқодга бириккан ҳолда умуминсоний кадриятлар, дунёвий ва миллий маънавий маданиятга йўналтирилган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Яъни

ўқувчиларни турли хил – шахсийдан тортиб глобал ҳолатдаги муаммоларга бефарқ бўлмасликка ўргатиш, уларни бартараф этишга йўналтириш давр талабидир.

Таълимга муаммоли ёндашув ўсиб келаётган бола шахсиятига жамият ҳаётига кириш, ўз ҳаёт йўлини аниқлаштириш, ижтимоий-руҳий мослашиш имкониятини беради. Адабиёт дарсларида муаммоли таълим маданият билан мулоқот, дунёнинг яхлит манзарасида билимлар интеграцияси, маданий рефлексия, танлаш вазиятида мақбул қарорлар қабул қилиш, ижодий ҳаёт ва ўзини ривожлантириш асосида амалга оширилади.

Педагогика илмида бир қатор мутахассислар муаммоли таълим билан алоҳида шуғулланишган, унинг афзалликларини ўрганишган, унга хос ва мос таъриф бериш борасида бир-бирини тўлдирадиган қатор қарашлар мавжуд. Муаммоли таълим масаласи билан шуғулланган польшалик олимлардан бири В.Оконьнинг фикрича, **муаммоли таълим**: *«муаммоли вазиятларни ташкил этиш, муаммонинг шаклланиши, бу жараёнда ўқувчиларга кўрсатиладиган ёрдам, муаммо ечимининг текширилиши, бу жараёнда ўзлаштирилган билимларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш сингари фаолиятлар йиғиндисидир»*¹⁴.

Психолог олим И.Я.Лернер **муаммоли таълимнинг** моҳиятини: *«ўқувчи учун янги бўлган назарий ва амалий билимларни таълимнинг мақсад ва вазифаларига монанд равишда ўзлаштиришида ўқитувчи раҳбарлигидаги изчил фаолияти»*¹⁵ деб ҳисоблайди.

Дунё миқёсида таниқли рус педагоги Т.В.Кудрявцев: **муаммоли таълим** жараёнининг мазмуни: *«ўқувчиларнинг муаммоли масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ билимларга йўналтирилиши ва муаммо ечими билан боғлиқ тамойилларни ўзлаштиришлари»*¹⁶ деган фикрни айтган.

¹⁴ Оконь В. Основы проблемного обучения. – Москва: Просвещение, 1998. – С. 28.

¹⁵ Лернер И. Я. Проблемное обучение. – Москва: Просвещение, 1974. – С. 67.

¹⁶ Кудрявцев В. Т. Проблемное обучение: истоки, сущность, перспективы. – Москва: Знание, 1991. – С. 9.

Умумтаълим мактаблари фаолияти билан боғлиқ муаммоли таълимнинг нисбатан мукамал таърифини М.И.Махмутов: «**муаммоли таълим** – ривожлантирувчи таълим турларидан бири бўлиб, унда ўқувчининг илмда қатъий белгилаб қўйилган билимларни ўзлаштириши билан мунтазам изланишга йўналтирилган фаолияти, қўйилган топширқнинг муаммолилик даражасидан келиб чиқиб унинг мақсади ва ечими тамойилларини белгилашдаги методлар тизимини аниқлаши; таълим-тарбия жараёнининг билимларни мустақил ўзлаштиришга йўналтирилганлиги, бунда фикрий қобилиятларнинг қатъий мотивлари ва фаолият турларини билишини англади»¹⁷ тарзида белгилаб берган.

Ўқув фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш йўллари излаган И.А.Ильницкая **муаммоли таълимни** ўқувчиларнинг мактаб таълим-тарбия мақсадларига мос муаммоларни ўқитувчи раҳбарлигида ўзлари учун янги бўлган илмий-амалий бир тизимда ҳал этишда иштирок қилишидан иборат фаолияти, деб ҳисоблайди¹⁸.

Т.Кудрявцев **муаммоли таълимнинг** моҳиятини ўқувчининг олдида дидактик муаммо қўйиш, ўқувчилар уларни ечиш асносида билимларини умумлаштириши ва муаммоли масалаларни ҳал қилиш тамойилларини ўзлаштиришида кўради¹⁹.

А.М.Матюшкиннинг фикрича, эса **муаммоли таълим** – ўқитишнинг билимларни қизиқарли йўллар билан беришга таянадиган тури²⁰.

Миллий тарбияшуносликда муаммоли таълим билан алоҳида шуғулланган мутахассислардан бири Қ.П.Хусанбоева адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш борасида **муаммоли таълимдан** фойдаланишга алоҳида эътибор қаратган ва унга: «...ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган билимларни ўзларининг иштирокида, уларнинг кучи, тафаккури, билими ва меҳнати билан ўзлаштирилишини таъминлаш

¹⁷ Махмутов М. И. Теория и практика проблемного обучения. – Казань: ТКИ, 1992. – С. 55.

¹⁸ Ильницкая И. А. Проблемные ситуации и пути их создания на уроке. – Москва: Знание, 1985.

¹⁹ Кудрявцев В. Т. Внедрение принципа проблемности в обучении. – Москва: Высшая школа, 1968.

²⁰ Матюшкин А. М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. – Москва: Педагогика, 1972.

мақсадида болалар олдига муаммо шаклида қўйиши йўли билан амалга ошириладиган ўқитиш жараёнини муаммоли таълим деб аташ мумкин»²¹ тарзида таъриф берган.

Муаммоли ўқитиш технологиясидан бошланғич синфлар адабий таълими – ўқиш дарсларида қўллаш мақсадида фойдаланган И.Раҳимова ҳам унга ўз муаллифлик таърифини берган: *“Таълим жараёнининг ҳар бир ўқувчи ўзлаштириши лозим деб топилган билимларни, ҳаётий ва бадиий ҳақиқатларни унинг ёши, иқтидори, мавжуд билимлари, қизиқиши ва интеллектуал имкониятларини инобатга олган ҳолда муаммо шаклида қўйилиши назарда тутилган ўқитиш тизими – муаммоли таълим дейилади”*²².

Касб-ҳунар таълими методикаси соҳасида изланишлар олиб борган Л.П.Узоқова эса: *“Муаммоли таълим – бу ўқитувчининг ўқувчиларни кетма-кет муаммоли вазиятлар тизимини олдиндан ўйлаб қўйилган яратиш йўли билан муаммоли ўргатиш шартларини таъминлаш ва уларни ўқувчилар томонидан ечиш жараёнини бошқариш бўйича фаолиятидир”*,²³ - дея таъриф берган.

Кўринадикки, муаммоли таълим масаласи таниқли психологлар, педагоглар ва методист олимлар томонидан яхшигина ўрганилган. Шу ўринда айтиш мумкинки, муаммоли таълим билан адабиёт ўқитиш методикаси тизимида тадқиқот ишларини олиб борган Қ.Хусанбоева ва И.Раҳимоваларнинг таърифлари умумлаштирилган ҳолда бизнинг фаолиятимизга мос келади. Юқоридаги таърифларларнинг барчасига таянган ҳолда биз ҳам ўз тадқиқотимиз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда унга хусусий муаллифлик таърифини беришимиз кераклигини англадик: *“Муаммоли ўқитиш – бу ўқитувчи томонидан тарбияланувчилар*

²¹ Хусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2007. –214-б.

²² Раҳимова И. Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-амалий хусусиятлари. Педагогика фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Т., 2020. –51-б.

²³ Узоқова Л.П. Махсус фанларни муаммоли ўқитиш технологияси. – Т.: Фан, 2013. – 46-б.

фаолиятини ташкил этиш усули бўлиб, унда мавзу ва таълимнинг муаммоли мазмуни ўртасидаги ўзаро фаол таъсир ўтказиш, бу йўлда билимларнинг объектив қарама-қаршиликлари ва уларни ҳал қилиш йўллари билан таништириш, фикрлашни, билимларни ижодий ўзлаштириш жараёнидир". Бу жараёнда юзага келадиган муаммоли вазиятлар назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилиш орқали маълумот олишга асосланадиган ўқитиш тизимидир.

Маълумки, ҳар қандай ўқитиш тизимининг ўзига хос мақсад ва вазифалари бўлади. Мақсадсиз ҳар қандай фаолият кутилган самарани бермайди. Шу маънода, муаммоли таълимнинг ҳам қайси соҳада, таълимнинг қайси босқичида қўлланилишидан келиб чиқадиган маълум мақсадлари мавжуд. Узлуксиз таълим тизимида муаммоли таълимнинг **мақсади** нафақат илмий англаш ёки билимлар тизими натижаларини эгаллашдан, балки бу натижаларга эришиш жараёни, йўллари, ўқувчи билим олиш фаолиятининг шаклланиши ва муаммоли топшириқларни бажариш орқали ижодий қобилиятларининг шаклланиши йўлида муаммоли-ижодий вазиятларни яратишдан иборатдир.

Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда бир қатор махсус **вазифалар** белгиланган:

- мустақил, мантиқий, илмий, ижодий фикрлашга ўргатиш;
- ўқув материалларини далилларга асосланган ҳолда ўқувчилар учун ишончли қилиш;
- билим-эътиқодларни шакллантириш, мустаҳкам билимларни шакллантиришга ҳисса қўшиш, излаш ва тадқиқот ишларининг бошланғич кўникмаларини шакллантириш, мавзуга қизиқишни шакллантириш;
- билимлар тизими, ақлий ҳамда амалий фаолиятларни самарали ўзлаштиришга ҳамкорлик қилиш;
- янги вазиятда олинган билимларни ижодий қўллаш малакасини ҳосил қилиш;

- билиш мустақиллиги ҳамда ўқув-тарбиявий муаммоларни ҳал қилиш;

- ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини мустақил ва ижодий йўналишга чиқариш;

- ўқувчининг янги билим ва фаолият усуллари ўзлаштиришини таъминлаш; тарбияланувчиларнинг билим олишдаги мустақиллиги ва ижодий қобилиятларини ўстириш;

- шаклланаётган шахсда билимларни ўзлаштиришнинг илмийлиги даражасини ошириш;

- ўқувчида илмий дунёқараш шаклланишини таъминлаш;

- шаклланиб келаётган шахсда ҳиссий-иродавий сифатларни ривожлантириш, унинг кўнглида одам ва олам сирларини билишга ички иштиёқни уйғотиш;

- мантиқий усуллар ёки ижодий фаолиятнинг махсус йўлларида фойдаланиб ўқувчиларда билимларни ижодий ўзлаштириш кўникмасини тарбиялаш;

- ҳаётий вазиятга кўра, мавжуд билимларни ижодий равишда қўллаш кўникмасини тарбиялаш;

- ижодий фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш ва ҳ.к.²⁴

Муаммоли вазиятлар ёрдамида муаммоли таълим амалга оширилади.

Муаммоли таълимдаги етакчи хусусиятлардан бири муаммоли савол, муаммоли топшириқ ва муаммоли вазифалар кўмагида ўқувчини муаммоли вазиятга сола билишдир. Бу борада ҳам мутахассисларнинг фикрлари мавжуд: **муаммоли вазият** – бу субъект (ўқувчи) олдида қўйилган ўзи учун қийин бўлган муаммоларни ечишни хоҳлайдиган ҳолат бўлиб етарли

²⁴ Хусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2007.; Раҳимова И. Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-амалий хусусиятлари. Педагогика фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Т., 2020.; Узоқова Л.П. Махсус фанларни муаммоли ўқитиш технологияси. – Т.: Фан, 2013.; Ильницкая И. А. Проблемные ситуации и пути их создания на уроке. – Москва: Знание, 1985.; Кудрявцев В. Т. Внедрение принципа проблемности в обучении. – Москва: Высшая школа, 1968.; Матюшкин А. М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. – Москва: Педагогика, 1972.

маълумотга, билимга эга бўлмаса, ўқувчи изланишга тутинади. Муаммоли вазиятнинг асосий элементи – номаълум, янги, белгиланган вазифани тўғри бажариш учун, зарур бўлган хатти-ҳаракатни тўғри белгилай олишидир.

Муаммоли таълимдаги етакчи хусусиятлардан яна бири бирор муаммоли масаланинг ечимига бағишланган ҳолат ёки вазиятни ташкил қила билишдир. Бу ҳақда ҳам мутахассисларнинг фикрларига таяниш мақсадга мувофиқ бўлади: *“Дарсларда анъанавий методлар билан ўзлаштирилиши қийин бўлган ёки моҳиятига чуқурроқ кириш лозим деб топилган бирор мавзу юзасидан ўқитувчи томонидан атайлаб ташкил қилинадиган дидактик вазият муаммоли вазиятдир”*.²⁵

Мутахассис В.Оконь ҳам муаммоли вазиятни муаммони бирор масала юзасидан ташкил қилиш, уни шакллантириш ва ҳал этиш жараёнида ўқувчиларга зарур кўмак бериш, бу жараённинг изчиллигини таъминлаш ва уни бошқариш, олинган натижаларни текшириш ҳамда билимларни мустаҳкамлаш каби фаолиятларнинг йиғиндиси сифатида баҳолайди.²⁶

Муаммоли вазият – объект (муаммо)нинг субъект (ўқувчи) томонидан ҳал этилиши лозим бўлган жиҳатларини очиб усуллари, унинг аниқ (эксплицит) ёки яширин (имплицит) хусусиятларини фарқлашдаги руҳий ва интеллектуал қийинчиликлари ҳамда муаммо ечимининг ташкил этилиши жараёнидир²⁷.

Мутахассисларнинг фикрларидан кўринадики, муаммоли вазият тарбияланувчига бирон бир ҳақиқатни англаш ёки баъзи бир зарурий фаолиятни амалга ошириш учун мавжуд билим ёки маълум ҳаракат усуллари етишмаганда, яъни билиш ва билмаслик ўртасидаги зиддиятли ҳолатларда вужудга келади. Ўқитишдаги муаммоли вазият ўқувчиларда шу вазиятдан тўғри чиқиш истагини уйғотиши, пайдо бўлган ва юзага келган қарама-

²⁵ Ҳусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2007. –214-б.

²⁶ Оконь В. Основы проблемного обучения. – Москва: Просвещение, 1968.

²⁷ Раҳимова И. Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-амалий хусусиятлари. Педагогика фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Т., 2020. –51-б.

қаршиликларни бартараф эта билгандагина ўз самарасини бериши мумкин. Тарбияланувчиларда уйғотилиши керак бўлган бундай истак ҳар қандай муаммоли вазиятда ҳам юз беравермайди. Бундай истакнинг пайдо бўлиши: вазиятнинг мазмуни талабалар учун муайян қизиқиш уйғотиши керак ва улар муаммони умуман ҳал қила олишларини ҳис қилишлари зарурлиги билан белгиланади.

Шунингдек, муаммоли вазиятларнинг муҳим элементи муаммоларни мақсадга мувофиқ равишда туза билишдан иборат. Бу ўқитувчининг қобилияти, шу жумладан, интеллектуал қобилияти ва у эгаллаган билим, ўзида шакллантирган кўникма ва малакалар даражасига боғлиқ. Муаммоли вазиятни келтириб чиқарадиган вазифани кўйишда талаба мазкур белгиланган муаммоли вазифани бажара оладими, унга вазифа мазмуни ва шартларини мустақил таҳлил қилиш (тушуниш)га эриша оладими сингари масалалар бу имкониятларнинг асосий характеристикаси ҳисобланади. Муаммоли вазиятлар номаълум табиати, қизиқарли таркиби, муаммолилиги даражаси, маълумотларнинг номувофиқлиги, тури ва бошқа услубий хусусиятлари билан ҳар хил бўлиши мумкин.

Муаммоли вазиятларни яратишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Тарбияланувчиларни ҳодисалар, фактлар, улар орасидаги ташқи ва ички қарама-қаршиликларни назарий тушунтиришга ундаш. Бу ўқувчиларнинг изланиш фаоллигини келтириб чиқаради ва янги билимларни фаол ўзлаштиришга олиб келади.

2. Ўқувчилар синфда, уйда ёки бошқа фаолиятларида, табиатни кузатиш пайтида амалий топшириқларни бажарганда пайдо бўладиган таълим ва ҳаётий вазиятлардан фойдаланиш. Бундай ҳолда муаммоли вазиятлар ўқувчилар ўзларининг амалий мақсадларига мустақил равишда эришишга ҳаракат қилганда пайдо бўлади.

3. Ҳодисани тушунтириш ёки уни амалда қўллаш усулларини излаш учун ўқув амалий вазифаларини белгилаш. Ўқув ва тажриба майдончаларида,

устахонада, лаборатория ва ҳоказоларда ўқувчиларнинг ҳар қандай тадқиқот ишлари мисол бўла олади.

4. Тарбияланувчиларни кундалик ғоялар ва ушбу фактлар ҳақидаги илмий тушунчалар ўртасида зиддиятларни вужудга келтирадиган ҳақиқат ва ҳодисаларни таҳлил қилишга ундаш.

5. Тахмин (гипотеза)лар тузиш, хулосаларни шакллантириш ва уларни экспериментал равишда синаб кўриш.

6. Ўқувчиларни далиллар, ҳодисалар, қоидалар, ҳаракатларни таққослашга ундаш натижасида муаммоли вазият юзага келади.

7. Ўқувчиларни янги фактларни олдиндан умумлаштиришга ундаш. Бундай ҳолатларда ҳам муаммоли вазият юзага келади, чунки таққослаш янги фактларнинг хусусиятларини, уларнинг тушунарсиз белгиларини очиб беради.

8. Тарбияланувчиларни тушунарсиз бўлиб туюладиган ва фан тарихида илмий муаммони шакллантиришга олиб келган фактлар билан таништириш. Одатда, аввал бундай факт ва ҳодисалар ўқувчилар ўртасида шаклланган ғоялар ва тушунчаларга зид бўлиб туюлади, бу уларнинг аввалги билимларининг тўлиқ эмаслиги, номувофиқлиги билан изоҳланади.

9. Фанлараро алоқаларни ташкил этиш. Ҳар қандай фанни ўқитиш билан боғлиқ назарий маълумотлар, тарих, фалсафа ва ҳ.к.

10. Турли хил вазифалар ва саволларни муаммоли шаклда қайта тузиш, бу жараёнда уларнинг муаммолилиқ даражасини ошириш.

Белгиланган ушбу таснифнинг дидактик қиймати ўқитувчига муаммоли вазиятларни яратишнинг аниқ усулларини танлашда ёрдам беришига боғлиқ.

Мақтаб амалий фаолиятида яратиладиган муаммоли вазиятларнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- ўқитувчи ўқувчиларни фикрлар қарама-қаршилигига олиб боради ва уларни ўзлари ҳал қилиш йўлини топишга йўналтиради;
- амалий фаолиятда зиддиятлар билан тўқнашилади;

- битта масала бўйича турли хил фикрлар билдирилади;
- ўқувчиларга ҳодисани турли лавозимларда кўриб чиқишга таклиф қилинади (масалан, судья, адвокат, кўмондон, молиячи, ўқитувчи ва ҳк.);
- тингловчилар вазиятдан чиқиш учун таққослаш, умумлаштириш, хулоса чиқариш, далилларни асослашга ундалади (рағбатлантирувчи суҳбат);
- ўзига хос ёрдамчи саволлар туғдиради (умумлаштириш, асослаш, аниқлаштириш, мантикий фикрлаш билан боғлиқ);
- муаммоли назарий ва амалий вазифаларни белгилайди (масалан, тадқиқот);
- муаммоли вазифаларни (масалан, етарли бўлмаган ёки ортиқча дастлабки маълумотлар, саволни шакллантиришдаги ноаниқликлар, қарама-қарши маълумотлар, қасддан қилинган хатолар, ечиш учун чекланган вақт билан «психологик ҳаракатсизлик»ни енгиш ва ҳк.).

Муаммоли таълимнинг, у ўқитишнинг қайси босқичида бўлишидан қатъи назар асосий дидактик ашёси **муаммо** ҳисобланади. Бу ҳақда мустаҳкам тушунчага эга бўлиш бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, **муаммо**: *«муаммоли таълим асосида ўрганиладиган, муаммоли масала тарзида фойдаланса бўладиган, муаммоли вазият ҳосил қилишга асос бўладиган, фикрлар хилма-хиллигини келтириб чиқара оладиган тушунча»*дир.²⁸

«Муаммо – *қарама-қаршиликлар тизими, моддий ва зоявий ҳаракатларни ўзида мужассамлаштирган, инсон ва жамият тараққиёти ривожини билан боғлиқ бўлган мазмун ва жараён бирлиги»*.²⁹

Адабиётлардаги қарашлар таҳлилидан маълум бўладики, муаммо уч таркибий қисмдан иборат: маълум (берилган вазифа асосида), номаълум (уларни топиш янги билимларни шакллантиришга олиб келади) ва аввалги билимлар (ўқувчиларнинг тажрибаси). Улар номаълумни топишга йўналган

²⁸ Ҳусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2007. –214-б.

²⁹ Раҳимова И. Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-амалий хусусиятлари. Педагогика фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Т., 2020. –51-б.

кидирув ишларини амалга ошириш учун зарурдир. Аввало, ўқувчига номаълум бўлган ўқув муаммоси белгиланади ва бунда унинг бажарилиш усуллари ҳамда натижаси ҳам номаълум бўлади, шунда ўқувчилар ўзларидаги аввал эгалланган билим ва кўникмаларга асосланиб кутилган натижа ёки ечим йўллари излашга тушадилар.

“Муаммоли масала” тушунчасига ҳам адабиётларда мутахассислар томонидан бир қатор таърифлар берилган: «...муаммо тарзида ўзлаштирилиши лозим деб топилган, ўқувчи олдида муаммо шаклида қўйса бўладиган масала (муаммоли савол ёки муаммоли топшириқ) умумий ҳолда муаммоли масала саналади».³⁰

Муаммоли масала – муаммоли вазият яратиш маҳсули – махсус шаклга солинган воқеа ёки ҳодиса бўлиб, субъект (ўқувчи)нинг имкониятлари ва эҳтиёжига таянадиган материал.³¹

Ўқув материални муаммолаштирилиш, яъни савол, топшириқ ва вазифа шаклида муаммога айлантириш маълум муаммоли масалага айлантирилган, субъект томонидан очилишига асосланилган механизмдир.

Тадқиқотчи О.А. Позняк қуйидаги методларни муаммоли таълимда қўл келадиган асосий методлар деб ҳисоблайди:

1. Муаммоларни баён қилиш;
2. Эвристик (қисман излаш) метод;
3. Тадқиқот методи;
4. Лойиҳалаштириш методи;
5. Ўқув семинари.³²

Тадқиқотчи Қ. П. Ҳусанбоева ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтиришда юқоридагиларга қўшимча равишда қуйидаги бир қатор интерфаол ва умумпедагогик методлардан фойдаланиш йўллари тақдим

³⁰ Ҳусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2007. –214-б.

³¹ Раҳимова И. Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-амалий хусусиятлари. Педагогика фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Т., 2020. –51-б.

³² Позняк О. А. Проблемное обучение на уроках литературы. <https://infourok.ru/praktikoznachimaya-rabota-tema-problemnoe-obuchenie-na-urokah-literaturi-2387450.html>

этган: суҳбат, фикрий хужум, бхбхб, индуктив ва дедуктив методлар, таққослаш методи ва ҳк.³³

«Адабиёт» дарсликлариди тақдим этилган бадиий асарлар ва улардан олинган парчаларни, хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли ўрганишда ўқувчиларни ақлий фаолликка йўналтирувчи барча методлардан самарали фойдаланиш мумкин. Яъни ўқувчининг билиш фаолияти даражасини оширадиган, уларнинг фикрлашини ривожлантирадиган ва мустақил равишда билим олишга, мустақил фаолиятга йўналтирадиган методларнинг барчасидан муаммоли таълимда фойдаланиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, муаммоли таълимда, яъни муаммоли таълим технологиясида етакчилик қилувчи асосий метод – бу муаммоли метод. Таълимнинг муаммоли методи ўқувчилар олдига муаммоли саволлар, муаммоли топшириқлар, муаммоли вазифалар қўйиш билан муаммоли вазият яратиш, ўқув фаразларини шакллантириш, уларни исботлаш, ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтирувчи, ўрганилаётган ўқув материалдан муҳимини ажратиш, ўрганилаётган ҳодисанинг умумий ёки хусусий жиҳатларини топиб тасниф қилиш, тизимга солиш, аниқликлар киритиш, исботлаш сингари усулларни ўзида қамраб оладиган методдир.

Шу маънода муаммоли метод – мустақил, мантиқий, илмий, ижодий фикрлашга ўргатиш, бу йўлда учраган тўсиқларни мустақил равишда, унга ижодий ёндашган ҳолда бартараф этиш гаровидир. У ўқув материали ўзлаштирилганлигининг исботини таъминлайди, уни мустаҳкам қилади, билимларни қатъийлаштиради. Ўқувчида ўқишга ижобий ҳиссий муносабат уйғотади, билим олишга ички эҳтиёж шакллантиради. Муаммоли таълимнинг асоси бўлган муаммоли методда бугунги тарбияшуносликнинг етакчи вазифаси – ўқувчида шахслик сифатлар шаклланиши, ривожланиши муваффақиятли амалга ошади.

³³ Хусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2007. –111-б.

Муаммоли методга хос бўлган усулларидан яна бири бу **тушунтириш усулидир**. Тушунтиришнинг одатий шакллари – ўқитувчининг муаммо тарихи билан боғлиқ маърузаси, маъруза-суҳбати, илмий ёки танқидий мақола ва дарслик ўқитишнинг юқори даражадаги ақлий фаолиятни таъминлаши билан боғлиқ. Тушунтириш усули муаммоли саволлар, тавсия этилган материалларда талабалар топиши керак бўлган ҳаётий ва бадиий ҳақиқатлар, ҳақиқатни излаш йўлини кўрсатадиган муаммоли баёнот, фикрлаш чизиғининг ўқувчилар фикрларини фаоллаштиришга ва мавзудан четлаб кетмасликларига ёрдам берадиган энг самарали усуллардан биридир.

Ўқитувчи, шунингдек, ҳажми жиҳатидан ўқувчилар учун кўп вақт талаб қиладиган катта материаллар билан танишиш зарур бўлганда ҳам тушунтириш услубига мурожаат қилади. Бу, масалан, ёзувчи ижод йўлининг ўзига хос хусусияти ва бу ҳолда ўқувчиларнинг билиш фаолияти яхши ташкил этилган бўлиши керак: илгари тайёрланган материалдан фойдаланиб (масалан, индивидуал, алоҳида масалалар бўйича кичик хабарлар) режа ёки ўқитувчи маърузасининг конспектини ёзиб олиш, материални тушуниш даражаси ва чуқурлигини очиб берадиган саволлар бериш ва ҳ.к. Барча олдингилар сингари, бу нафақат материални ўзлаштиришни, балки у билан ишлаш усулини ҳам ўз ичига олади.

Ўқитувчидан адабий асарни дидактик таҳлил қилишда, тарихий ва адабий обзорларда тушунтириш усули элементларини маълум қилиш талаб этилади. Материалнинг муаммоли тақдимотида ўқитувчи нафақат материални етказди, балки йўл-йўлакай ушбу материални қандай ўрганиш, қандай қилиб бадиий асарни ёки эпизодларни, ёхуд қаҳрамонлар образларини, ёки асарнинг тили ва услубини таҳлил қилишни ҳам тушунтириб ўтади.

Дафтарларда ўқувчилар ўқитувчининг маърузалари, ўқиган мақолалари, ўрганилган асарлари тўғрисида ўзларининг эскизларини – режалари, аннотациялари ёки эслатмаларини ёзиб борадилар.

Кўпчилик «муаммоли таълим (ёки муаммоли таълим технологияси)»ни

«муаммоли метод» тушунчаси билан адаштиради. Гап шундаки, «муаммоли таълим» ёки «муаммоли таълим технологияси» тушунчалари битта ҳодиса. Ҳар иккаласи бошқа-бошқа шаклда ифодалангани билан битта тушунчани англатади ва уларнинг замирида: а) **муаммоли метод** ҳамда, б) муаммонинг ечими билан боғлиқ бир қанча **усуллар**дан фойдаланилади. Муаммоли метод замирида эса ҳеч қандай метод йўқ. Унинг мазмунида фақат муаммонинг ечимини таъминлашга хизмат қиладиган **усуллар** мавжуд бўлади.

Қ.Ҳусанбоевнинг тадқиқот ишида муаммоли таълимга хос бўлган бир қатор методлар ҳақида батафсил тўхталинган. Шу боис биз муаммоли таълимда ўқувчилар олдига қўйилган муаммонинг ечимини топишда қўл келадиган методлар борасида қисман умумий қарашлар билан чекланишни маъқул топдик.

Масалан, ўқитишнинг **эвристик методининг** мазмуни, шакли ва мақсади ўқувчиларнинг аввалги билимларига таянишга имкон берадиган савол ва топшириқлардан иборат бўлиб, эвристик суҳбат давомида олинган қўшимча маълумотлар жавобни мустақил равишда шакллантиришга ёрдам беради. Бу жараёнда ўқувчиларнинг мустақил фаолияти бир-бирига боғланган қатор қисмларга бўлинади. Бу эса ҳамиша қўйилган муаммонинг ечимига олиб келади. Кейинги, ёрдамчи саволларнинг жавоби, мустақиллик даражаси бошқача бўлиши мумкин, аммо жавоб излаш зарурати ўқувчиларни мавжуд билимларидан максимал даражада фойдаланишга йўналтиради.

Эвристик метод чуқур таҳлил билан боғлиқ (адабиёт назарияси, тарих сингари фанлар элементларини ўз ичига олади, асарларни ўрганиш, одатда, бадиий ижтимоий-фалсафий муаммоларнинг ечими билан алоқада) бўлади. Эвристик методни қўллаганда ўз-ўзидан қуйидаги усуллардан фойдаланилади: мантиқан аниқ саволлар тизимини ишлаб чиқиш; матн учун вазифалар тизими; индивидуал, гуруҳли топшириқлар; муаммони шакллантириш; эпизодлар асосида биргаликда ишланадиган саволларни таҳлил қилиш.

Ушбу метод, агар ўқувчиларни олиб бориши керак бўлган мақсад аниқ белгиланган бўлса, адабиёт дарсликларида берилган саволлар ва топшириқлар тизимида ўз ифодасини топади. Бу ерда ўқувчилар таҳлил қилиш, таққослаш, мулоҳаза юритиш усулларида ҳам фойдаланадилар, нафақат хулосалар чиқарадилар, айтилишига асосланадилар ҳам. Ушбу метод тарбияланувчилардан бадиий адабиётлар матни устида, балки танқидий мақолалар, хотиралар, биографик эскиз ва энциклопедия каби материаллар устида ишлашни талаб қиладиган муаммоли вазифалар тизимига ҳам бевосита боғлиқдир.

Эвристик суҳбат – қисман изланишли суҳбатлар ҳам бирор мавзу ёки эпизодни муаммоли ўрганишни амалга оширишнинг ўзига хос усули ҳисобланади. Унинг моҳияти шундан иборатки, муаммони тақдим этган ҳолда, ўқитувчи талабалар билан биргаликда унинг ечимини ташкил қилади. Яъни муаммонинг ечилишида бевосита иштирок этади. Тарбияланувчилар масаланинг ечими жараёнида қисман иштирок этадилар. Асосий иш ўқитувчининг зиммасида бўлади. Кўпинча бу эвристик суҳбат давомида содир бўлади. Эвристик суҳбат шундан иборатки, ўқитувчи ўқувчиларга бирон бир муаммони таклиф қилганидан сўнг, бу муаммони талабалар билан қисмларга бўлиб олади, катта муаммоли масалани кичикроқ қисмларга ажратади, мантиқан бирин-кетин эргашади ва бу саволларда мантиқий бўшлиқлардан қочилади.

Муаммоли таълим ғояларини амалга оширишнинг навбатдаги методи бу **мустақил тадқиқот** методидир. Мустақил изланишлар деганда ўқувчилар томонидан синфда ўрганилмаган материал бўйича тайёрланган маърузалар, ўқув семинарлари, рефератлар, шарҳлар назарда тутилади. Ушбу фаолият турларининг барчаси талабаларнинг мустақил билим фаолиятига асосланган. Бундай ҳолларда ўқитувчи маслаҳатчи ва йўналтирувчи вазифасини бажаради, аммо шунга қарамай, тадқиқотларнинг катта қисмини ўқувчилар ўзлари бажарадилар.

Муаммоли ўқитишда фойдаланиш мумкин бўлган методлардан яна бири бу **ўқув семинари**дир. Ўқув семинари – ўқувчиларнинг мустақил билим фаолияти асосида қурилган назарий тадқиқотларнинг етакчи шаклларида бири. Бу ўқув материални чуқур ўрганиш, уни умумлаштириш ва тизимлаштириш учун хизмат қилади. Семинарларнинг самарадорлиги муаммоли вазифалар тизимини ҳал қилишга бағишланган мунозарани ташкил этиш билан таъминланади.

Семинар режаси ўқувчиларга олдиндан эълон қилинади. Иш учун маълумот манбаларини синчковлик билан танлаш, семинарда муҳокама қилинадиган муаммоларни ечиш воситаси сифатида назарий муносабат шакллантирилади. Режанинг асосий бандларини ҳисобга олган ҳолда, ижодий мунозара жараёнида ўқувчилар фаолиятини йўналтириш мақсадида кўшимча саволлар ҳам тайёрланади. Муаммоли семинар давомида ўқув фаолиятини ташкил этишнинг асосий шакли «кичик гуруҳларда» ишлашдир. Бунда микро гуруҳ аъзолари нафақат ўзаро назорат иштирокчилари, балки ҳар бир ўқувчининг билиш фаолияти самарадорлигини сезиларли даражада оширишни таъминлайдиган ўзаро интеллектуал фаолиятни рағбатлантирувчи омил сифатида ҳам ҳаракат қилишади.

Семинар ўқувчилар илмий конференциясидан олдин бўлиши мумкин. Шунингдек, муаммоли семинарлар ўрганилаётган муаммо бўйича билимларни тизимлаштириш, чуқурлаштириш ва кенгайтиришни таъминлайди, индивидуал тадқиқот лойиҳаси мавзусини онгли равишда танлаш учун шароит яратади, талабаларнинг биргаликдаги ижодий фаолияти тажрибасини шакллантиришга ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг мустақил фаолият қобилиятлари ривожланиб дидактик таҳлил методи элементларини ўзлаштиришнинг навбатдаги босқичига – ўқувчиларнинг тўлиқ мустақиллиги билан ажралиб турадиган **тадқиқот методи** асосида ишлашга йўналтирилади.

Муаммоли масалаларни ҳал этиш жараёнида тадқиқот методдан фойдаланилганда қуйидаги усуллар: адабий манбалардан илҳомланиб

китоблар иллюстрациясини расм ва ҳайкалтарошлик тасвирлари билан таққослаш; пьесалар, романлар, шеърлар асосида яратилган мусиқий асарлар билан кўшиқлар ва романсларни таққослаш, спектакллар ва бошқа сахна томошаларини, бадий асарлар билан таққослаш; ўхшаш мавзулардаги ёки бир мавзуга бағишлаб яратилган икки ёки ундан ортиқ асарларни ўзаро таққослаш; ўхшаш муаммолар бўйича турли хил асарларнинг икки ёки учта қаҳрамонларини таққослаш учун топшириқлар, яъни танқидий адабиётлар билан танишишни талаб қиладиган топшириқлар бериш сингарилардан фойдаланилади. Ушбу вазифалар назарий машғулотлар билан, ҳеч бўлмаганда жуда кичик ҳажмдаги тегишли адабиётларни ўқиш билан боғлиқ бўлади. Шу каби таққослашлар асосида тадқиқот олиб борилади. Тадқиқот натижалари асосида эса муаммонинг ечими топилади.

Тадқиқот дарси, яъни тадқиқот методидан фойдаланган ҳолда ташкил этиладиган муаммоли дарсларда когнитив вазифалар билан ҳам муаммоли вазиятлар яратилади. Мустақил изланишлар жараёнида талабалар томонидан тўпланган мавжуд материаллар унинг муаммоли, диалектик жиҳатдан зиддиятли томонига айланади.

Лойиҳалаштириш методи ҳам таълим амалиётида кенг тарқалган.

Лойиҳалаштириш таълимнинг ижтимоий, педагогик мақсадларга таянган ҳолда педагогик жараёнига акс эттирувчи умумий стратегия ҳисобланади.

Лойиҳалаштиришда ўқув режаси, дастур, дарслик, методик тавсия ва бошқа ўқув қўлланмалар муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Дарс жараёнини лойиҳалаш – *лойиҳа* → *мазмун* → *фаолият* учлиги асосида ташкил этилувчи, умумий моҳиятни яхлит ифодалашга хизмат қилувчи фаолиятдир. Таълимни лойиҳалаштиришда ўқитувчининг фаолияти:

- мазмунни таҳлил қилиш;
- натижаларни олдиндан кўра билиш;
- режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш каби вазифалардан иборат бўлади.

Лойиҳалар предмет ва унинг йўналишига кўра бир-биридан фарқланади. Лойиҳаларда педагогнинг кетма-кет амалга оширилувчи ва ташхиснинг қўйилиши билан яқунланувчи таҳлилий ҳамда олдиндан кўра билиш каби ижодий фаолияти намоён бўлади. Ташхис, олдиндан кўра билиш ва лойиҳалаш ҳар қандай педагогик вазифани ҳал этишнинг ажралмас учлиги ҳисобланади. Лойиҳанинг мақсади олдиндан қоғозда тақвим-режа, қисқача ёзма баён сифатида акс эттирилади. Стратегик, тактик ва оператив вазифаларнинг самарали ҳал этилиши лойиҳалаш технологиясининг сифатига боғлиқ.

Муаммоли ўқитиш кечимида ҳам лойиҳаловчи ўқитувчи саналади. У фақат фаолият усуллари ҳақидаги билими, тажрибаси, фикрлаш тарзи, воқеликка ҳиссий-қадриятли муносабати орқали ижобий натижага эришиши мумкин. Аёнки, лойиҳалаш фаолияти тузилмасида фаолиятнинг икки даражаси кузатилади: а) лойиҳалашнинг лойиҳа кўринишидаги янги билимларни яратишни кўзда тутадиган ижодий характери; б) илғор педагоглар тажрибасини ўрганиш асосида яратилган лойиҳада педагог шахсини акс эттирадиган лойиҳалашнинг индивидуал характери. Лойиҳалаш фаолиятини педагогнинг касбий компетенциясининг педагогик фаолиятни амалга оширишга назарий ва амалий тайёргарлиги бирлигини ифодалайдиган ва касбий сифатни тавсифлайдиган қисми сифатида қараш зарур.

Муаммоли таълимда ўқувчилар фаолиятини лойиҳалаштириш тўғрисида фикр юритилганда унинг икки хили фарқланади:

1. Таълим мазмуни билан билим, кўникма, малака ва компетенциялар тизими.

2. Муаммоли таълимда муаммоли ўқув топшириқларини лойиҳалаштириш жараёни.

Бундай лойиҳалаштиришда ўқувчилар муаммоли ўқув топшириқлари мақсадини ажрата олишлари, қўйилган муаммонинг таълим жараёни дидактик мақсадларига мослиги, муаммоли ўқув топшириқлари билан ўқув материалининг ўқитиш мақсадига мувофиқлиги, муаммоли топшириқда

таълимнинг ривожлантирувчи ва тарбиявий мақсадларини қамраб олиши каби элементлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифа ва воситаларга эгадир. Лойиҳалаш педагогик жараёни ташкил этиш ва унинг муваффақиятли кечишини таъминловчи муҳим шартларидан биридир.

Муаммоли таълимни самарали ташкил этишда интернет имкониятларидан фойдаланиш ҳам бадий асарлар билан боғлиқ муаммоли вазифаларнинг бажарилишида ўқув материалга қизиқишни орттиришга ёрдам беради. Қўйилган муаммони ҳал қилишда ўқувчилар интернет орқали олган билимлари асосида ишлайдилар, ундан ўз қарашларини исботлаш учун фойдаланадилар, бир-бирларининг жавобларини тўлдирадилар ва чуқурлаштирадилар. Кўп материаллар амалда мустақил равишда ўрганилади. Ўқувчиларнинг интернет материалларидан фойдаланган ҳолда олган билимлари жуда мустаҳкам, чуқур ўйланган, бундан ташқари, тадқиқотнинг жамоавий табиати катта аҳамиятга эга – бу умумий ақлий ишда масъулият ва қувонч ҳиссини оширади.

Демак, ўқув жараёнини ташкил қилишдаги муаммоли ёндашувлар ўқитувчининг ўзи ўқувчилар томонидан дастурий материални ўзлаштириш даражасини оддийгина ошириш мақсади эмас, балки, аввало, ўқув жараёнида ўқувчилар томонидан ахборотни идрок этиш ва қайта ишлашнинг индивидуал хусусиятларини ривожлантиришдир. Муаммоли таълим билим ҳажмидан иборат эмас, балки ўқувчи билган нарсаларини англаши ва уларни амалда моҳирона қўллай билишидан иборат фаолиятидир.

Муаммоли таълим технологиясининг қуйидаги афзалликлари ҳақида гапиришимиз мумкин.

1. Тарбияланувчиларнинг дарсдаги эркин фаолияти.
2. Қўшимча адабиётлар билан ишлаш.
3. Дарсларга тизимли тайёргарлик.
4. Талабаларнинг билим сифатини ошириш.

Ўқув жараёнини такомиллаштириш ўқитувчиларнинг ўқувчилар билим ва қизиқишларини фаоллаштириш истаги билан белгиланади. Когнитив

қизиқишларни фаоллаштиришнинг моҳияти ўқувчи билимларни эгаллашининг асосий кўникмаларини эгаллайдиган ва шу асосда мустақил равишда билимларни эгаллашни ўрганадиган таълим фаолиятини ташкил этишдан иборат.

Муаммоли вазият ва таълим муаммоси ўқитиш ҳамда ўрганиш фаолиятининг механик қўшилиши сифатида эмас, балки ушбу икки фаолиятнинг диалектик ўзаро таъсири сифатида қараладиган муаммоли ўрганишнинг асосий тушунчаларидир.

Муаммоли ўқитиш – бу ўқитувчининг муаммоли вазиятлар тизимини яратиш, уни (тўлиқ ёки қисман) тушунтириш ва ўқувчиларнинг янги билимларни ўзлаштиришга йўналтирилган фаолиятини бошқариш (анъанавий ёки ноанъанавий тарзда) ҳамда ўқув муаммоларини мустақил тайёрлаш ва уларни ҳал қилиш орқали бошқариш билан таъминлашдаги фаолиятидир.

Муаммоли таълимнинг асосини ўқитувчи томонидан муаммоли саволлар, топшириқлар бериш орқали тизимли ва махсус яратилган муаммоли вазиятлар ташкил этади.

Барча муаммоларнинг асосий хусусияти шундаки, биринчидан, улар зиддиятни ўз ичига олади, иккинчидан, бу қарама-қаршилиқлар инсонга боғлиқ эмас, объективдир. Таълим муаммоси – бу ўқитишда муаммолилиқ принципини амалга ошириш шаклидир. Таълим муаммоси субъектив ҳодисадир ва ўқувчи онгида идеал шаклда, фикрлар мантиқий тугамагунча ҳар қандай ҳукм сингари мавжуд бўлади. Вазифа объектив ҳодисадир, талаба учун у бошиданок моддий шаклда мавжуд бўлиб, топшириқ идрок этилгандан кейингина субъектив ҳодисага айланади.

Таълим муаммосининг асосий элементлари «маълум» ва «номаълум» (маълум ва номаълум ўртасидаги «алоқа»)ни топиш. Вазифа шартлари «берилган» ва «талаблар» каби элементларни ўз ичига олади.

Таълим муаммоси – бу ақлий изланиш йўналишини белгилайдиган, номаълум моҳиятни ўрганишга (тушунтиришга) қизиқиш уйғотадиган ва

янги концепция ёки янги ҳаракат услубини ўзлаштиришга олиб келадиган ассимиляция жараёнининг мантиқий ва психологик қарама-қаршилигининг намоён бўлиш шаклидир. Таълим муаммосининг психологик моҳияти шундан иборатки, у талабанинг ўқув фаолияти жараёнида юзага келадиган муаммоли вазиятнинг мазмунини ташкил этади. У ўзида янги билимларни ва ушбу билимларни ўзлаштириш усуллари мужассамлаштиради ҳамда фикрлаш жараёнининг тузилишини белгилайди.

Муаммоли таълимнинг асосий функциялари: ақлий изланиш йўналишини аниқлаш, яъни ўқувчининг муаммони ҳал қилиш йўлини топиш билан боғлиқ фаолияти; ўқувчининг янги билимларни ўзлаштиришга доир қобилияти, қизиқиши ва мотивларини шакллантиришдир.

Муаммонинг ечимига бир нечта талаб – шартлар қўйилиши керак. Агар улардан бирортаси бажарилмаса ҳам, муаммоли вазият яратилмайди:

1. Муаммо ўқувчилар учун тушунарли бўлиши керак. Агар ўқувчилар муаммонинг маъносини тушунмасалар, унинг устида ишлаш фойдасиз. Бинобарин, муаммо ўқувчиларга маълум бўлган маънода шакллантирилганда ҳамма ёки ҳеч бўлмаганда кўпчилик болалар қўйилган муаммонинг моҳиятини ва уни ҳал қилиш воситаларини тушунишади.

2. Иккинчи талаб – таклиф қилинаётган муаммонинг таълим мақсадига мувофиқлиги. Агар ўқувчиларнинг аксарияти томонидан қўйилган муаммо ҳал қилинмаса, ўқитувчи жуда кўп вақт сарф қилиши ёки уни ўзи ҳал қилиши керак бўладигани, бу кераксиз фаолиятдир, у ҳеч қандай самара бермайди.

3. Муаммони шакллантириш ўқувчиларларни қизиқтириши керак. Қизиқарли муаммолар уларни ҳал қилишнинг муваффақиятига ёрдам беради.

4. Муаммоларнинг табиийлиги ҳам муҳим рол ўйнайди. Агар ўқувчилар муаммоли масаланинг ҳал этилиши тўғрисида алоҳида огоҳлантирилса, бу уларнинг қийинроқ муаммога ўтиш бор деган фикрида уларнинг қизиқишини уйғотмаслиги мумкин ва ҳ.к.

5-9 синфлар адабий таълими жараёнига муаммоли таълим технологиясини мунтазам равишда қўллаш ўзини юқори даражада

англайдиган, мустақил фикрли, толерантлик ҳиссига эга, маънавий қадриятлар оламида ўз йўналишини аниқлай оладиган, ривожланган ижодий қобилиятга эга бўлган «маданият кишиси»нинг шаклланишига асос бўлади.

Замонавий дидактика нуқтаи назаридан муаммоли таълим «пастдан юқорига» тамойили, муаммонинг ечимини излашга ва ундан келиб чиқадиган топшириқларни бажаришга асосланган, ўқувчилар қизиқишлари ва тафаккурини фаоллаштирадиган таълим саналади. Мактабда адабиётни ўрганиш жараёнида муаммоли таълимдан фойдаланишда, аввало, унинг баҳс-мунозара, ўқувчининг ижодий қобилиятини ўстириш, бадий асарлар қаҳрамонлари хатти-ҳаракати, туйғулари муҳокамаси, тадқиқотчилик ва адабиётшунослик характеридаги топшириқларга эътибор қаратиш асосида амалга оширилади.

Бундай инсонни тарбиялашда анъанавий таълим шакллари билан бир қаторда муаммоли таълимга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. «Ўқитувчи билим беради, ўқувчи уни ортиқча зўриқишларсиз эгаллайди» тамойилига асосланган дарс айти дамба жамият тараққиётининг замонавий талабларига жавоб бера олмай қолди.

Ўқувчиларнинг дидактик таҳлил нима экани ва унинг нима учун кераклигини тушунмасликлари натижасида асарнинг адабий таҳлили кўп ҳолларда муваффақиятсизликка учрайди.

Мактаб «Адабиёт» дарсликларидан ўрин олган халқ оғзаки ижоди намуналаридан «Равшан», «Кунтуғмиш», «Алпомиш» сингари дostonлардаги миллий қадриятларни англаш учун ўқувчиларга қанча вақт, қанча ҳаётий ва эстетик тажриба зарурлиги кишини ўйлантиради. Ахир асарни ўқиш фақат уни англаш дегани эмас. Адабий асарни англаш, унда акс этирилган даврни тасаввур қилиш, асар қаҳрамонлари тимсолида одамни англаш, умуминсоний ва миллий қадриятларни фарқлаш, уларни ўзлаштириш ва шу аснода ўзини ўзи тарбиялаш бу – бошқа ўқув фанлари билан қиёслаганда ўта шахсий жараён бўлиб, у адабиёт ўқитишда муаммоли таълимдан фойдаланиш асносида чуқур ва муваффақиятли шаклда амалга оширилади.

Муаммоли таълимда дидактик таҳлилга, баҳс-мунозарага ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришда тадқиқотчилик ва адабиётшунослик характеридаги топшириқларни бажаришда ўрни билан муурожаат қилинади. Булар ҳам муаммоли таълимга хос хусусиятлардан бўлиб, улар адабиётни муаммоли ўқитишда билимларни фаол эгаллашга, ўқувчиларнинг маънавий камолотини таъминлашга ёрдам беради.

Адабиёт дарсларидаги муаммоли таълимнинг асосини ҳам муаммоли савол ёки муаммоли топшириқ ташкил этади. Муаммоли савол ёки муаммоли топшириқ ўқувчиларни мустақил фикрлашга ва мустақил ишлашга ундовчи, мустақил изланишларга йўналтирувчи фаолият туридир. Бунда муаммоли вазият яратиш муҳим ҳисобланади. Муаммоли савол баъзан алтернатив шаклни талаб қилади.

Катта ҳажмдаги бадиий асарларни ўрганишда муаммоли вазият битта дарс ҳажмига сиғмаслиги ҳам мумкин. У мавзунини бир бутунлигича қамраб олиши ҳам мумкин.

Бу дарснинг мақсади асарни тўлалигича таҳлил қилиш, олдига қўйилган муаммони ҳал қилиш асносида қўйилган масаланинг ўзига хослигини аниқлашдан иборат бўлади. Дарс жараёнида асарнинг муаммоли таҳлилинини амалга оширишда «қисмлардан умумийликка» – асарнинг бир қанча қисмларидан умумийлик, яъни яхлит бир бутунликни ифодалайдиган хулосага келиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугун миллий мактаб олдида турган асосий вазифалардан бири сифатли таълимни таъминлаш, яъни эгалланган билим даражасининг жамият (битирувчиларнинг ижтимоийлашуви), давлат (Давлат таълим стандарти), таълим хизматлари истеъмолчиси (таълим мазмуни) талаблари билан мос келишидан иборатдир. Яъни давлат стандартлари ва меъёрлари, истеъмолчи талаблари асносида билим олиш шароитларининг ўзаро мувофиқ келиши саналади.

Ўқувчи таълим жараёнида сушт тингловчидан фаол қатнашчига, яъни таълим субъектига айланиши керак. Дарснинг дидактик асоси ўқувчиларнинг

мустақил равишда кузатишлари, қиёслаш ва таснифлашлари, қонуниятларни аниқлашлари бўйича фаолиятида намоён бўлади. Бошқача айтганда, ўқув материали устида олиб борилган ҳаракатлар шахсиятни камраб оладиган фаолиятга, амалий-лойиҳаловчи характер касб этиши мақсадга мувофиқдир.

Муаммоли таълим шунчаки инновацион жараён эмас, балки таълим олувчиларнинг ижодий қобилиятини шакллантирадиган, маҳсулдор фикрлаш, мушоҳада юритишини ўстирадиган ва билим орттириш фаоллигини оширадиган ҳаётий заруриятдир.

Муаммоли таълимни амалиётга татбиқ қилишда ўқитувчи ахборотни тайёр ҳолда бермайди, балки дарсни шундай ташкил этадики, натижада янги билимларни ўқувчилар ўзлари учун қайта кашф этадилар, ўзлари қоидалар яратадилар, иш фаолиятини ўзлари мустақил равишда режалаштирадилар. Муаммонинг ечилиши дарсда кўпроқ самара бериши учун ўқув материалини босқичма-босқич ўрганиш билан бирга турли хил усуллардан унумли тарзда фойдалана билиш мақсадга мувофиқдир.

Муаммоли вазиятларда ўқувчиларнинг фаолияти: **муаммоли вазият → муаммо → муаммони ечиш усулларини излаш → муаммонинг ечилиши** шаклида амалга оширилади.

Адабиёт дарсларида муаммоли вазиятларни яратишнинг қуйидаги босқичларини санаб кўрсатиш мумкин:

1. Бадиий асардаги етакчи ғояларни аниқлаш, умумлаштириш ва асослаш асносида мустақил мулоҳаза юритишга йўналтирувчи муаммоли савол ёки топшириқни шакллантириш.

2. Ўқувчиларни зиддиятли вазиятга олиб келиш ва ушбу муаммонинг ечимини ўқувчиларнинг ўзларига қўйиб бериш.

3. Битта муаммоли саволга турли нуқтаи назардан, турфа ракурстан ёндашишни таклиф қилиш.

4. Ўқувчиларни вазиятдан келиб чиқадиган хулосаларни қиёслаш, умумлаштириш, далилларни таққослашга йўналтириш.

5. Етарли бўлмаган ёки ортиқча маълумотларни фарқлаш, муаммонинг ечими учун зарур бўлган муҳимни номуҳимдан фарқлаш, улардан ўрни билан фойдаланишга ундаш.

Адабиёт дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг **асосий мақсади** қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг тафаккур қобилияти ва ижодий малакаларини ўстириш;

- фаол изланиш ва муаммони мустақил ҳал қилиш баробарида ўқувчилар томонидан билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда натижаларнинг анъанавий таълимга қараганда самарали эканини исботлаш;

- ностандарт муаммоларни ҳам кўра олиш, қўйиш ва ҳал қилиш каби фаолиятни бажара оладиган шахсни тарбиялаш.

Адабиёт дарсларида ташкил этиладиган муаммоли таълим қуйидаги афзалликларга эга:

1. Ўқувчилар янги бадиий ва ҳаётий ҳақиқатларни назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилиш жараёнида ўзлаштирадилар.

2. Адабий ва ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш мобайнида барча қийинчиликларни ўқувчилар ўзлари ўқитувчиси кўмагида енгиб ўтадилар, натижада уларнинг фаолликлари ва мустақилликлари юқори даражага етишади.

3. Адабий-назарий ва бадиий маълумотларни ўзлаштириш суръати ўқувчиларнинг ўз фаолиятига боғлиқ бўлади.

4. Ўқувчиларнинг юқори фаоллиги ўқишга бўлган ижобий рағбатнинг ўсишига олиб келади.

5. Адабий таълим самарадорлиги нисбатан юқори ва барқарор бўлади. Ўқувчилар янги вазиятларда эгалланган билимларни энгил ўзлаштирадилар ва шу билан бир вақтда ўз малакалари ва ижодий қобилиятларини ўстира борадилар.

Адабиёт дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг ижобий жиҳатларини яна қуйидагича давом эттириш мумкин:

- адабий таълимнинг ривожланаётган имкониятларини фаоллаштириш;
- ўқувчиларнинг мустақил изланувчанлик фаолиятини ривожлантириш;
- тарбияланувчиларнинг билимларни ўзлаштириш даражасининг ортишини таъминлаш;
- субъектларнинг ўзаро субъектив муносабатларини йўлга қўйиш;
- адабий таълим жараёнида барча иштирокчиларнинг фаоллашуви;
- таълим жараёнининг амалий ва мустақил фаолиятга йўналтирилганлиги.

Адабиёт дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланилганда ўқувчилар фаолиятининг мустақиллиги қуйидагилар билан характерланади:

- муаммоларни очиқлаш;
- таърифлаш;
- ечимни излаш;
- ечим.

Бу жараёнда адабиёт ўқитувчисининг фаолияти ёрдамчи савол ва топшириқлар кўмагида ўқувчиларни муаммонинг ечими сари йўналтириб туришдан иборат бўлади.

Умумий ўрта таълим мактаблари адабиёт дарсларини ташкил этиш жараёнида муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш, аввало, баҳс-мунозара ва фикрлар тўқнашувига қурилади. Бунда ўқувчининг ижодий қобилияти ривожланади, таълим олувчиларнинг интеллектуал салоҳияти очилади (кашф қилинади), тадқиқотчилик, кашфиётчилик характеридаги топшириқларга асосий эътибор қаратилади.

Ўқитувчи муаммоли таълимда ўқувчиларнинг ўтилганларни такрорлаш, кўникмаларни қайта ишлаш ҳамда янги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги мустақил ишларини тизимли равишда ташкиллаштиради. Бунда ўқувчиларнинг ўзи янги билимга ўзлари эришадилар, уларнинг ақлий амалиёт ва ҳаракат кўникмалари шаклланади, диққати, ижодий тасавури,

идроки ривожланади, янги билимларни кашф қилиш қобилияти шаклланади, натижада улар ўз фарз ва тахминларини олға суриш ҳамда уларни асослаш йўли билан янги ҳаракат усулларини топадилар.

1.2-§. Умумий ўрта таълим мактаблари «Адабиёт» дастур ва дарсликларидан ўрин олган халқ оғзаки ижоди намуналари таҳлили.

Муаммоли таълимдан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволи

Умумий ўрта таълим мактабларида адабиёт ўқитиш, асосан, маънавий комиллик йўлига тушган фуқарони тарбиялаш мақсадига хизмат қилади ва у сўз санъати билан мулоқот эркинлигини, адабиёт турлари ҳамда жанрлари ҳақидаги тушунчаларни, хусусан, халқ оғзаки ижоди тараққиётининг асосий даврлари ҳақидаги билимларни шакллантиришга қаратилган. Мактаб адабий таълими ўқувчининг ҳис-туйғулари ва тасаввурларини ривожлантириш орқали адабий асарларнинг мазмунан чуқурлиги ва бадий шаклини тушуниш, ўқувчининг ватани, оиласи, динига бўлган муносабатини, ижтимоий бурчи, миллий санъати, табиати ва ўз шахсини шакллантиришга мўлжалланган. Мактаб адабий таълими мазмунини эса халқ оғзаки ижоди намуналарисиз тасаввур қилиш қийин.

Адабий ўқитишнинг барча босқичларида муаммоли таълим ўқувчи тафаккури ва фаолиятини фаоллаштиришнинг энг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Муаммоли таълим жараёнида эришилган муваффақиятнинг моҳияти шундаки, ўқувчи фактик материални таҳлил қилиши ва унинг устида ўзи янги маълумот оладиган тарзда ишлаши керак. Бошқача қилиб айтганда, бу илгари олинган билимларнинг янги шароитда қўлланилиши ёрдамида янги билимларни мустақил равишда ўзлаштириш, уларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдир. Ўқитувчи ҳам, китоб ҳам аввалги билимларнинг янги шарт-шароитларда қўлланилишини ўқувчига тайёр ҳолда бера олмайди. Айти муаммоли вазиятларда ўқувчи уни ўзи излайди ва топади, тегишли вазиятда қўллайди ва фойдаланади.

Муаммоли ўқитиш орқали ўқувчиларни фаоллаштиришдан мақсад уларнинг ақлий фаолияти даражасини кўтариш ва ақлини тасодифий, ўз-ўзидан ривожланиб боровчи тартибдаги индивидуал операцияларга эмас, балки ижодий фикрлаш фаолиятидан фойдаланишни талаб қиладиган стереотипик бўлмаган вазифаларни ҳал қилиш учун хос бўлган ақлий ҳаракатлар тизимига йўналтириш ва бунга ўргатишдир.

Бугунги кунда муаммоли таълим (муаммоли ўқитиш технологияси) ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчилар онгида муаммоли вазиятларни яратиш ва уларни ҳал қилиш орқали тарбияланувчиларнинг фаол мустақил фаолиятини ташкил қилишни назарда тутди. Бунинг натижасида билим, кўникма, малака ва қобилиятларнинг ижодий ўзлаштирилиши ва мустақил фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга эришилади.

Адабиёт дарсларида бадиий матнлар устида ишлашни муаммоли ўрганишнинг асосий хусусиятлари:

- назарий ва амалий масалаларни ечиш жараёнида тарбияланувчилар янги маълумотларни оладилар;
- муаммони ҳал қилиш жараёнида ўқувчи барча қийинчиликларни енгиб чиқади, унинг фаоллиги ва мустақиллиги юқори даражага етади;
- ахборотни узатиш даражаси ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳи фаолиятига боғлиқ бўлади;
- тарбияланувчиларнинг фаоллиги ижобий мотивларнинг ривожланишига ҳисса қўшади ва натижаларни расмий текшириш зарурлигини камайтиради;
- ўрганиш натижалари нисбатан юқори ва барқарор бўлади. Ўқувчилар олган билимларини янги вазиятларда осонроқ қўллайдилар, шу билан бирга, уларнинг бу борадаги кўникмалари ва ижодкорликлари ҳам ривожлантирилиши мумкин.

Адабиёт дарсларида ташкил этиладиган муаммоли таълим техникаси ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қуйидаги фаолиятларини ўз ичига қамраб олади:

- муаммоли вазиятни ташкил этиш;
- ҳар хил қийинчиликдаги муаммоларни шакллантириш;
- ўқувчилар томонидан муаммоларни индивидуал ёки жамоавий шаклда ҳал қилиш;

- топилган ечимларни текшириш, шунингдек, назарий ва амалий фаолиятда янги олинган билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш ва қўллаш.

Адабиёт дарсларида бадиий асарлар, хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналари матни бўйича ўқувчилар олдига қўйилган муаммоларни ўрганишнинг бир нечта ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- биринчи ва энг муҳим хусусият бу ўқувчининг билимларни онгли равишда чуқур, мустаҳкам, мантиқий-назарий ва интуитив фикрлашини шакллантиришни таъминлайдиган таълим муаммоларини ҳал қилиш орқали янги тушунчаларни мустақил ўзлаштириш бўйича ўзига хос интеллектуал фаолиятдир. Фақатгина мустаҳкам билим мактаб ўқувчиларининг ҳақиқий мулкига айланади, ўқувчилар уни кейинги назарий ва амалий фаолиятида онгли равишда қўллашлари мумкин;

- иккинчи хусусияти шундаки, муаммоли таълим дунёқарашни шакллантиришнинг энг самарали воситасидир. Чунки муаммоли таълим жараёнида ўқувчи онгида танқидий, мантиқий, мустақил, ижодий ва диалектик фикрлаш хусусиятлари шаклланади. Тарбияланувчиларнинг муаммоларни мустақил ҳал қилишлари билимларни эътиқодга айлантиришнинг асосий шартидир. Гап шундаки, барча жараёнлар ва ҳодисаларни таҳлил қилишда фақат диалектик ёндашиш кучли ва чуқур ишонч тизимини шакллантиради;

- учинчи хусусият назарий ва амалий муаммоларнинг ўзаро боғлиқлиги қонуниятларидан келиб чиқади ва таълим ҳамда ҳаёт ўртасидаги боғлиқликнинг дидактик принципи билан белгиланади. Ҳаёт билан алоқа муаммоли вазиятларни яратишнинг энг муҳим воситаси ва таълим

муаммоларини ҳал қилишнинг тўғрилигини баҳолаш мезонлари бўлиб хизмат қилади;

- муаммоли таълимнинг тўртинчи хусусияти – ўқитувчининг талабалар мустақил ишларининг ҳар хил турлари ва уларнинг энг самарали комбинациясидан мунтазам фойдаланиши. Кўрсатилган хусусият ўқитувчининг мустақил ишларнинг бажарилишини ташкил этишида, илгари олинган билимларни актуаллаштиришни ҳам, янги билимларни ва фаолият услубларини ўзлаштиришни ҳам талаб қила билишидадир;

- бешинчи хусусият индивидуал ёндашувнинг дидактик принципи билан белгиланади. Муаммоли ўқитишда индивидуализация, асосан, ҳар хил ўқувчилар томонидан турлича қабул қилинадиган турли хил мураккабликдаги ўқув муаммолари мавжудлигидан келиб чиқади. Муаммони индивидуал идрок этиш унинг шаклланишида фарқни келтириб чиқаради, ҳар хил фаразларни илгари суради ва уларни исботлашнинг бошқа усулларини топади;

- муаммоли таълимнинг олтинчи хусусияти унинг динамизмидир: моддий оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда бу боғлиқликнинг диалектик қонунларга асосланган ҳолда, табиий равишда ўзгариб боришидадир;

- еттинчи хусусият – талабанинг юқори эмоционал фаоллиги (биринчидан, муаммоли вазиятнинг ўзи унинг ҳаяжонланиш манбаи эканлиги, иккинчидан, ўқувчи ақлий фаолиятининг ҳиссий-эмоционал ҳолати билан узвий алоқадорлиги) билан боғлиқ. Таълим муаммосини индивидуал равишда «қабул қилиш» билан боғлиқ бўлган излаш характеридаги ҳар қандай мустақил фикрлаш ва фаолият ўқувчининг шахсий тажрибасини, унинг ҳиссий фаолиятини келтириб чиқаради;

- муаммоли ўқитишнинг саккизинчи хусусияти шундаки, у индукция ва дедукциянинг янги нисбатини (идрокнинг иккинчи йўли қийматини

мустаҳкамлаш), маҳсулдорликнинг янги нисбатини, шу жумладан, ижодий, билимларни ўзлаштириш, ижодий билим фаолияти ролини оширишдир.

Адабиёт дарслари самарадорлигини таъминлаш мақсадида фойдаланиладиган муаммоли таълимда ўқувчилар ижодкорлигининг кўйидаги уч турини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи тур – илмий ижодкорлик – назарий тадқиқотлар, яъни ўқувчилар учун янги қоида, қонун ва бошқаларни излаш ҳамда кашф этишдир. Муаммоли таълимнинг ушбу тури назарий билимлар муаммоларини шакллантириш ва ҳал қилишга асосланган.

Иккинчи тур – амалий ижодкорлик. Бу амалий ечимни излаш, яъни маълум бўлган билимларни янги вазиятда, дизайнда, ихтирода амалий фаолиятда қўллаш йўлини излашдир. Муаммоли таълимнинг ушбу тури амалий таълим муаммоларини шакллантириш ва ҳал қилишга асосланган.

Учинчи тур – бадиий ижод – бу ижодий тасаввурга асосланган воқеликни бадиий акс эттириш, шу жумладан, адабий композициялар, расм чизиш, мусиқа асарлари ёзиш, ўйнаш ва ҳк.

Адабиёт дарсларида бадиий асарларни муаммоли ўрганиш циклини кўйидаги тартибда тасаввур қилиш мумкин:

1-босқич – педагогик муаммоли вазиятни яратиш. Педагогик муаммоли вазият турли хил оғзаки ва техник воситалар ёрдамида яратилади.

2-босқич – педагогик жиҳатдан ташкил этилган муаммоли вазият психологик ҳолатга ўтказилади. Яъни саволнинг ҳолати – унга жавоб беришнинг бошланиши, зиддият моҳиятини англаш, номаълумни шакллантириш. Ушбу босқичда ўқитувчи ёрдамчи ва йўналтирувчи саволларни беради ва ҳоказо.

3-босқич – муаммонинг ечимини излаш, қарама-қаршиликларни бартараф этиш йўлидир. Ўқитувчи билан биргаликда ёки мустақил равишда ўқувчилар турли хил фаразларни илгари суришади, синаб кўришади, қўшимча маълумотларни жалб этишади.

4-босқич – ечим ғоясининг пайдо бўлиши, ечимга ўтиш, уни ривожлантириш, ўқувчилар онгида янги билимларни шакллантириш.

5-босқич – топилган ечимни моддий ёки маънавий маҳсулот шаклида амалга ошириш.

6-босқич – узоқ муддатли таълим натижаларини кузатиш (мониторинг қилиш).

Шундай қилиб, ишонч билан айтиш мумкинки, муаммоли ўрганиш, агар тўғри ташкил этилган бўлса, ҳақиқатан ҳам ўқувчилар ақлий фаолиятининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади (қарама-қаршиликлар уларни ўйлашга мажбур қилади, муаммоли вазиятдан, қийин вазиятдан чиқиш йўлини излайди); мустақиллик (муаммонинг мустақил кўриниши, муаммоли масалани шакллантириш, муаммоли вазият, ечим режасини танлашда мустақиллик ва бошқалар); ижодий фикрлашни ривожлантириш (билимларни мустақил равишда қўллаш, ҳаракат усуллари, мустақил ностандарт ечимни излаш).

Адабиёт дарсларида муаммоли ўқитишнинг етакчи усулларида бири бўлган материални муаммоли тақдим этиш масаласини И.Я.Лернер ва М.Н.Скаткинлар муаммоли маърузалар билан ўзаро боғлиқ бўлган икки турини ажратадилар. Биринчи тур фан тарихи асосида ҳар қандай муаммога ечим топиш мантиғини очиб бериш зарур бўлганда қўлланилади. Бундай кириш сўзи билан ўқувчиларини қизиқтира олган ўқитувчи материаллардан фойдаланган ҳолда ўзи бу саволларга жавоб беради, адабий тадқиқот мантиғини қисқача ёритиб беради ва шу билан талабаларни нафақат якуний натижа билан, балки адабий тадқиқот усуллари билан ҳам таништиради.

Муаммоларни баён қилишнинг иккинчи тури эса ҳар қандай замонавий билим учун далиллар тизими зарур бўлганда қўлланилади. Бундай муаммоли тақдимотнинг асосий мақсади чуқур билим бериш, шу билан бирга, болаларни ўз фикрларини қатъий ва мантиқий исботлашга ўргатиш. Ўқитувчининг бундай тақдими далилнинг намунаси бўлиши керак ва ҳ.к.

Умумий ўрта таълим мактаблари босқичида таҳсил олаётган ўқувчилар, хусусан, 5-6 синф тарбияланувчиларининг меъёрий ривожланишида уларга хос бўлган соддадил реализм, яъни бадий ва ҳаётий ходисаларни жўнгина қабул қилиш улар онгида санъат ва воқеликнинг бирлашувини вужудга келтиради. Бу ёшда табиий равишда ҳиссий фаоллик, тажриба кучи, таассурот яхлитлиги ва тасаввурнинг объективлиги билан таъминланган ўқувчилар бадий матндаги воқеалар мазмунига, асар ғоясига, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатига нисбатан анча холис ёндашадилар. Лекин уларда шаклга эътибор, муаллифнинг образга бўлган нуқтаи назарига қизиқиш етишмайди ва бу ўқиган ёки кўрган нарсалари ҳақида мантиқан баҳслашишни қийинлаштиради.

Ўқувчилар 7-9 синфларга ўтганда ахлоқий ўз-ўзини акс эттириш даври бошланади. Адабиёт дарсларида ўрганилаётган бадий асарга муносабат ҳам шахсий ва субъектив тус олади. Ўсмирнинг атрофдагилар диққатини ўзига қаратишга бўлган эҳтиёжи, кўпинча, асарнинг асл моҳиятини кўришга халақит беради. Ўқитувчи ёки асар муаллифи фикрини ўзининг шахсий қарашлари сифатида тақдим этишга мойиллик кучли бўлади. Бу ёшдаги ўқувчилар ижодий тасаввурларининг тез ўсиши уларни матнни мустақил талқин қилишга, воқеа-ҳодисага ўз муносабатини билдиришга ундайди. Бу ёшдаги ўқувчилар учун тарих ва адабиётдаги энг қизиқ нарса – қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларида инсоний сифатларнинг намоён бўлиши мотивларидир.

Мактаб адабий таълими адабиёт назарияси бўйича адабий жанрлар (эпик, лирик, драматик, роман, биография, ҳаёт, масал, насиҳат, иқро, қисса, рисола, насрий шеър, дoston, хайку, эпиграмма, ода, сонет, элегия, комедия, трагедия)ни, хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналари (халқ кўшиқлари, мақоллар, эртаклар, дostonлар ва ҳ.к.)ни ўрганишни ўз ичига олади. 5-6 синфларда ўрганиладиган назарий тушунчалар (сюжет, композиция, зиддият, образ ва бошқалар) тури ва жанрига қараб табақалаштирилади.

Адабий таълимнинг вазифалари ҳар бир босқичда ўқувчиларнинг ёши ва интеллектуал имкониятларига асосланган ҳолда такомиллаштирилиб,

мураккаблаштирилиб борилади, ўзгаради. Шу нуқтаи назардан мактаб «Адабиёт» дастурлари ва дарсликлари кузатилганда қуйидаги ҳолат кўзга ташланади. Умумий ўрта таълим мактаблари учун адабиётдан тузилган амалдаги дастур³⁴ да адабий материаллар, хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналари синфлар мисолида тақдим этилган. Мавзулар келтирилибгина қолмай, балки унда ўқувчи ва ўқитувчи фаолияти тизими, ўқув материалидаги етакчи хусусиятлар, асардаги ўқитувчи ва ўқувчи диққати қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар ва уларни ўзлаштириш йўллари баён этилган.

Масалан, 5-синф адабиёт курси жуда масъулиятли бўгин бўлиб, ўқувчилар муҳим назарий ва адабий тушунчаларни ўзлаштиришлари керак бўлади. Мазкур синфда халқ оғзаки ижодини ўрганиш учун етти соат ажратилган. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин (1.2.1-жадвалга қаранг).

1.2.1-жадвал

Халқ оғзаки ижоди намуналари (5-синф)

т/р	Мавзулар ва уларга ёндашув талқини	Соат
1	Мақоллар. Мақоллар халқ оғзаки адабиёти намунаси сифатида. Мақолларда халқ миллий тафаккури қаймоғининг акс этиши. Мақолларнинг шаклий тузилиши, уларга хос қисқалик, таъсирчанлик, теранлик каби хусусиятлар ҳақида маълумот. Мақолларнинг кишиларни эзгу инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш воситаси эканлиги. Мақолларнинг мавзу доираси. Ватанпарварлик, дўстлик, илм ва касб-ҳунар, оила, одоб, тарбия ҳақидаги мақоллар. Халқ оғзаки ижоди тушунчаси.	1

³⁴ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017.

2	<p>Топишмоқлар. Топишмоқлар халқ оғзаки ижодининг ўзига хос жанри сифатида. Топишмоқларда инсон ва уни ўраб олган оламнинг ўхшатишлар, таққослашлар, саволлар воситасида ифодаланганлиги. Топишмоқларининг шаклий тузилиши. Топишмоқларнинг савол ва жавоб қисмлари билан биргаликда бир бутун асарни ташкил этганлиги. Топишмоқ ва мақол.</p>	1
3	<p>«Уч оға-ини ботирлар» эртаги. Эртакнинг халқ оғзаки ижодининг қадимги ва кенг тарқалган жанри эканлиги. Ўзбек халқ эртаklarининг ўзига хос хусусиятлари. «Уч оға-ини ботирлар» эрагининг бетакрор бадиий олами. Унда халқ бадиий даҳоси, фантазиясининг ёрқин намоён бўлганлиги. Ботирларга хос эзгу маънавий сифатларнинг намоён бўлиши.</p>	3
4	<p>«Сусамбил» эртаги. Эртактаги жониворлар образининг моҳияти. Сусамбил адолат қарор топган ва ҳамма бахтли яшайдиган афсонавий юртнинг тимсоли сифатида. Эртактаги тил, рамз ва бадиий ифода хусусиятлари. Эртақ ҳақида тушунча.</p>	2

Дастурнинг «Ўқувчилар синфда ва мустақил ўқишлари, ёд олишлари лозим бўлган асарлар» рукнида: ўзбек халқ мақолларидан ўнтадан ёд олиш. «Уч оға-ини ботирлар» ва «Сусамбил» эртаklари мустақил ўқиш сифатида тақдим этилган. Кўринадикки, дастурни яратишда муаммоли таълимдан фойдаланиш назарда тутилмаган ва бу табиий ҳам. Чунки миллий тарбияшунослик илмида ҳам, амалиётида ҳам ҳамиша муаммоли таълим четлаб ўтилган. Бунинг ўзига хос тарихий ва миллий тарбияшунослик мақсад ва вазифаларидан келиб чиқадиган мантиқий асослари бўлган. Буни

тушуниш мумкин.

Лекин ажабланарлиси шуки, айнан синфда ўрганилган «Уч оға-ини ботирлар» ва «Сусамбил» эртаклари яна мустақил ўқишга тақдим этилган. Ўқувчиларда синфда юқоридаги талқин асосида ўрганилган бу икки эртакни қайта ўқишлари улар учун қизиқ эмас ва бу дастурий талаб бажарилмай қолиб кетаверади. Аслида, шу мавзуга хос ва мос бошқа эртаклар тақдим этилиши ва уларни мазмунан тақослаб таҳлилга тортиш топшириғи берилса, ўқувчилар учун ҳам фойдали, ҳам қизиқарли бўлиши аниқ эди.

Синфлар юқорилаб боргани сари халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш шаклан ҳам, мазмунан ҳам қисқариб борган. Буни яхлит шаклда синфлар мисолида қуйидаги жадвалда (1.2.2-жадвалга қаранг) кўриш мумкин.

1.2.2-жадвал

Халқ оғзаки ижоди намуналари (6- 9 синфлар)

Т/р	Мавзулар ва уларга ёндашув талқини	Соат
(6-с.)	Халқ кўшиқлари. Кўшиқ халқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган жанрларидан бири сифатида. Уларнинг турлари. Лирик кўшиқларда инсон ҳис-туйғуларининг ифодаланиши. Мавсум кўшиқларида халқимиз эътиқодий қарашларининг, шунингдек, болаларнинг йил фаслларига бўлган муносабатларининг қуйланиши («Бойчечак» ва бошқалар). Назарий маълумот. Халқ кўшиқлари	2
2 (7-с.)	«Равшан» достони. Ишқий-саргузашт достонларнинг ўзбек халқ достончилигида катта ўрин тутиши. Бу хил достонларда ишқий можароларнинг асосий мавзу эканлиги. «Гўрўғли» туркумидаги ишқий-саргузашт достонлар ва мазкур туркумда «Равшан» асарининг	4

	<p>тутган ўрни. Достон воқеаларининг туркий халқлар достончилигида кенг тарқалган мотив эканлиги. Достоннинг бизгача етиб келишида Эргаш Жуманбулбулнинг хизмати ҳақида. Достондаги Гўрўғли, Юнус пари, Авазхон, Равшан, Зулхумор, ака-укалар образларининг таҳлили.</p>	
3 (8-с.)	<p>«Кунтуғмиш» достони. Халқ достонларининг миллат руҳиятини акс эттиришдаги ўрни. Халқ эпик достонларининг турлари. Туркий достонларнинг дунё достончилиги ривожда тутган юксак мавқеи.</p> <p>«Кунтуғмиш» ишқий-саргузашт достонларининг гўзал намунаси сифатида. Достонда Эргаш Жуманбулбул маҳоратининг намоён бўлиши. Асар сюжетининг саргузаштларга бойлиги. Қаҳрамонлар тақдирини белгиловчи ҳодисаларнинг маиший турмушга яқинлиги. Кунтуғмиш образи. Унга хос жўмардлик, тантилик, жасурлик ва айни вақтда соддалик сифатлари.</p> <p>Кунтуғмишнинг жангчи, ошиқ, эр, ота сифатидаги хусусиятлари. Кунтуғмиш табиатидаги самимият ва ишонувчанлик хислатлари. Холбеканинг фавқулодда гўзал ва меҳрибонлиги. Холбека – ўзбек қизларига хос ўктамлик, эркалик, шаддодлик ва майинлик сифатларига эга шахс. Холбека – фарзандлари ва эрининг ҳаёти учун ўзини бахшида қилувчи аёл. Достонда аёлларга хос сершубҳалилик, инжиқлик, синчковлик сифатларининг ишонарли тасвирланганлиги. Холбеканинг оналик хусусиятлари тасвири. Достонда Гуркибой ва Моҳибой образларининг маҳорат билан тасвирланганлиги.</p> <p>Гуркибойга хос босиқлик, меҳрибонлик,</p>	4

	<p>мулоҳазакорлик ҳамда укаси Моҳибойнинг қув, тажанг, кайтмас йигитча эканлиги. Болалар табиатига хос хислатларнинг улар тақдирига таъсири. Достондаги Буврахон, Азбархўжа, Қосим, Холмўмин, чўпон образларининг ўзига хос шахслар сифатида акс эттирилганлиги. Достоннинг бадий хусусиятлари. Асар сюжет чизиқларида мантикий изчилликнинг кучлилиги. Назарий маълумот. Достон.</p>	
<p>4 (9-с.)</p>	<p>«Алпомиш» достони. Туркий халқлар маданияти ва маънавияти шаклланишида «Алпомиш» достонининг ўрни. Достон эпик кўламининг туркий эстетик тафаккур ва туркий салтанатчилик билан бевосита боғлиқлиги. «Алпомиш»да бадий йўсинда тасвирланган туркона ҳаёт тарзининг Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб «Қутадғу билиг» асарида дидактик йўналишда акс эттирилиши.</p> <p>Достонда ўзбек миллий руҳияти ва урф-одатлари тасвири. Мардлик, садоқат, эзгулик, иймонга эгалик фазилатларининг Алпомиш, Қоражон, Ойбарчин, Қалдирғоч образлари орқали ифодаланиши. Асарнинг тил хусусиятлари. Достонда қўлланилган тасвир унсурлари. Асардаги фавқулодда муболағалар катта мақсадлар йўлида кураш олиб борган туркий халқ табиатидан келиб чиқадиган хусусиятлар эканлиги. Достоннинг бизгача бадий юксак ҳолда етиб келишида Фозил Йўлдош ўғлининг хизматлари. Назарий маълумот. Халқ достонлари ва уларнинг турлари.</p>	<p>5</p>

Дастурнинг «Ўқувчилар синфда ва мустақил ўқишлари, ёд олишлари лозим бўлган асарлар» рукнида: «Халқ кўшиқлари» (6-синф) ёд олиш учун;

«Равшан» достони (7-синф); «Кунтуғмиш» достони (8-синф) ва “Алпомиш” достони (9-синф) эса мустақил ўқиш учун тавсия этилган. Бу синфларда халқ оғзаки ижоди намуналарини ёдлаш ва мустақил ўқиш учун қўйилган талаблар ўринли. Чунки дарсликларда ўрганиш учун достонлардан парчалар тақдим этилган. Бу достонларнинг тўлиқ матни билан мустақил шаклда танишиш талаби мантиқли ва мақсадга мувофиқ ҳам келади. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф ўқувчилари учун дастур бўйича 7 соат, 6–9-синфларда эса умумий тарзда 15 соат халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишга ажратилган.³⁵

5-синф ўқувчиларига мўлжалланган «Адабиёт» дарслигининг «Ҳикмат дурдоналари» рукнида мақоллар ҳақида шундай маълумот берилган: *«Мақол ибратли сўздир. Шундай сўзки, сўзга хусн беради, фикрни тушуниб олишни осонлаштиради, уни ёрқин, таъсирчан қилади. Шунинг учун ҳам мақол одамлар нутқида ҳар доим ҳамроҳ бўлади. Кимки уни кўп ишлатса, ўшанинг нутқини «ширали» дейдилар ва диққат билан эшитадилар. Шу сабабли, мақоллар бадиий адабиётда, яъни шеър ва достонларимизда, ҳикоя ва романларимизда ҳам кўп ишлатилади».*³⁶

Дарсликда мақолларнинг шаклий тузилиши, уларга хос қисқалик, таъсирчанлик, теранлик каби хусусиятлар ҳақида маълумот берилган. Мақолларнинг кишиларни эзгу инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш воситаси эканлиги акс эттирилган. Мақолларнинг мавзу доираси: ватанпарварлик, дўстлик, илм ва касб-ҳунар, оила, одоб, тарбия, саховат, адолат, ботирлик ва ҳ.к. ҳақида маълумот берилган.

Мақолларда халқнинг тарихи, урф-удуми, турмуш тарзи, феъл-атвори, руҳияти, қўйингки, бутун борлиғи акс этади. Шунга кўра мақолларнинг 5-синф дарслигида тақдим этилгани болаларнинг ёш хусусиятлари ва интеллектуал имкониятларига мос келади, дейиш мумкин.

³⁵ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017.

³⁶ Ahmedov S. va boshq. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. I qism. Uchinchi nashr. – T.: «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2015. –B.9.

Дарсликда «Халқ оғзаки ижоди ҳақида» назарий маълумот берилган бўлиб, унда ўзбек халқи оғзаки ижоди энг қадимий санъатлардан бири экани, халқ оғзаки ижоди жаҳон халқлари поэтик ижоди тараққиётида алоҳида ўрин эгаллаши таъкидлаб ўтилган.

Халқ оғзаки ижоди асрлар давомида мисқоллаб тўпланган, не-не синовлардан ўтган, инсонларга ҳамиша мадад бўлиб келган ноёб хазина эканлиги таъкидланиб: *«Халқ оғзаки ижоди – инсониятга тенгдош энг қадимий санъат. Ҳар бир халқнинг оғзаки ижоди ўша халқнинг феъл-атвори, эстетик диди, руҳияти, урф-одат ва анъаналари, орзу-интилишлари, географик шароити ва табиатини акс эттирувчи ўзига хос кўзгудир»*³⁷ дейилган.

Бешинчи синф ўқувчиларига мўлжалланган «Адабиёт» дарслигида халқ оғзаки ижоди намуналаридан топишмоқлар ҳам ўрганиш учун тақдим этилган. Топишмоқларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг мавзу доираси, тасвирнинг ўзига хослиги ҳақида маълумот берилган. Топишмоқларда яширилган предмет ва уни топиш усуллари борасида фикр юритилган.

Топишмоқлар халқ оғзаки ижодининг махсус бир тури, қизиқарли ва ўзига хос шакли ҳисобланади. Топишмоқ ҳаммабоп оммавий жанрдир. Уларда халқ ҳаётининг барча қирралари – турмуш маданияти, урф-одатлари, инсон ва уни ўраб олган олам таққослашлар, саволлар воситасида ифодаланади. Топишмоқда яширин маъно кўпинча мажозий шаклда келтирилади, аниқроғи, нарса номи бирон-бир қуш, ҳайвон, буюм, ўсимликка қиёсланган ҳолда берилган. Дарсликда бу қуйидагича тақдим этилган: *«Топишмоқ шундай ажойиб жанрки, унда гайритабиий туюлган нарса, аслида, сиз билан биз кундалик ҳаётда кўриб-билиб турган нарса бўлиб чиқади»*. Масалан, *«Тег деса тегмайди, тегма деса тегади»* (лаб) ёки *«Чин қушим, чинни қушим, Чин тепага қўнди қушим, Тумшугини ерга бериб, Халққа салом берди қушим»* (чойнак), ёки *«Кичкина декча, Ичи тўла михча»*

³⁷ Ahmedov S. va boshq. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. I qism. Uchinchi nashr. – T.: «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2015. – B.16.

(анор), «Ер тагида олтин қозик» (сабзи)³⁸ ва ҳк. Топишмоқлар ҳақида ҳам юқоридаги фикрларни айтиш мумкин.

Бешинчи синф «Адабиёт» дарслигидаги мазкур диссертациянинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб муносабат билдириш, таҳлилга тортиш керак бўлган асосий дидактик манба бу мақоллар ва топишмоқлар ҳақидаги савол-топшириқлардир. Ажабланарлиси шундаки, мақоллар ва топишмоқлар устида ишлаш учун савол ва топшириқлар умумий тарзда тақдим этилган: *«1. Мақол яна қандай белги-хусусиятларга эга бўлади? 2. Топишмоқларни яна қандай номлар билан аташади? 3. Топишмоқда яширинган маъно қандай шаклда ифодаланади? 4. Насрий ва шеърий топишмоқларга мисол келтиринг. 5. Мақол ҳақида нима биласиз? 6. Топишмоқ ва мақол ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни тушунтириб беринг. 7. Китобда келтирилган топишмоқлардан ўнтасини ёд олинг. 8. Уйингизда мустақил равишда дарсликда берилган мақоллардан ташқари уч-тўртта мақол ёзинг».*³⁹

Бешинчи синф ўқувчиларини мақоллар ва топишмоқлар устида ишлашга йўналтирувчи мазкур савол-топшириқлар мазмунидан кўриниб турганидек, улар орасида муаммоли таълимнинг хусусиятлари кўзга ташланмайди ва бунга эътироз билдириш ҳам мантиқан нотўғри бўлади. Чунки миллий таълим илмида ҳам, амалиётида ҳам, адабиёт ўқитиш методикаси илмида ҳам муаммоли ўқитиш масаласига бугунга қадар эътибор қаратилмаган. Тақдим этилган бу иш тури ўз мазмун-моҳияти билан ўқувчиларни мақол ва топишмоқларнинг моҳиятига қанчалик олиб кира олиши, улар ўқувчиларни ҳозиргина ўқиганларини такрорлашгагина қаратилганлиги – бу бошқа масала, албатта. Лекин бу дидактик иш турининг муаммоли таълимдан мутлақо йироқлиги ҳам ҳақиқат ва бу борада дарслик муаллифларига эътироз билдиришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, албатта. Фақат

³⁸ Ahmedov S. va boshq. Adabiyot. Umumiy o'rtta ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. I qism. Uchinchi nashr. – T.: «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2015. – 17-b.

³⁹ Ahmedov S. va boshq. Adabiyot. Umumiy o'rtta ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. I qism. Uchinchi nashr. – T.: «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2015. – 20-b.

бир фикр мавжудки, ўқувчиларни ўқув материалнинг, айниқса, мақолларнинг моҳиятига киришга ундайдиган, улардаги етакчи фикрларни ажратиб, уларни англаб, ўқувчилар руҳиятига сингдирилиши мумкин бўлган ахлоқий, бадий ва ҳаётий ҳақиқатлар мазкур савол ва топшириқлардан ўрин олмаган. Гап шундаки, мазкур савол ва топшириқларни тузишда адабий таълимнинг мақсадига мувофиқ иш тутилмаган.

Мазкур дарсликнинг «Эртақлар оламида» рукнида ҳам халқ оғзаки ижоди намуналаридан бўлмиш «Уч оға-ини ботирлар» ва «Сусамбил» эртақлари ўрганиш учун тақдим этилган.

Халқимизда «Эртақлар – яхшиликка етаклар» деган нақл бор. Улар шунчаки кўнгил очиш воситаси, эрмак эмас, балки ажойиб суҳбатдош, тингловчи ёки ўқувчини фақат эзгуликка ундовчи, завқ-шавқ бағишловчи маънавий манбадир.

Дарсликда тақдим этилган «Уч оға-ини ботирлар» эртагини ўрганиш учун дастурда 3 соат ажратилган. Эртақ халқ оғзаки ижодининг қадимги ва кенг тарқалган жанрларидан биридир. Ўзбек халқ эртақларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. «Уч оға-ини ботирлар» эртагининг бетакрор бадий олами, унда акс этган ўзбек халқининг бадий даҳоси, халқ фантазияси ёрқин намоён бўлган. Дарсликда бу ҳақда шундай маълумот бор: *«Ҳаёт ҳақиқати билан боғлиқ бўлиб, ҳаёлий ва ҳаётий уйдирмалар асосига қурилган, тарбиявий аҳамиятга эга оғзаки ҳикоялар эртақ дейилади. Эртақнинг баъзи бир вилоятларда бошқача атамаси ҳам учрайди. Масалан, Сурхондарё, Самарқанд, Фарғонада – матал, Бухоро атрофидаги баъзи қишлоқларда – ушук, Хоразмда – варсаки, Тошкент шаҳри ва унинг атрофида чўпчак атамаси ҳам ишлатилади».*⁴⁰

Бу назарий билимлар ўқувчиларнинг эртақ ҳақидаги тасаввурларини тиниқлаштиради, албатта. Лекин диққатга сазовор нарса шуки, мазкур эртақ мазмуни асосида тузилган савол ва топшириқлар ҳам юқоридагилардан фарқ

⁴⁰ Ahmedov S. va boshq. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. I qism. Uchinchi nashr. – T.: «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2015. – B.56.

килмайди. Уларда ҳам эртақдаги етакчи ғояларга, уларнинг таҳлили ва шу асосда бадиий ва ахлоқий ҳақиқатларнинг ўқувчилар маънавиятига сингдирилишига етарли даражада эътибор қилинмаган: «1. “Уч оға-ини ботирлар” эртаги қандай эртақлар сирасига киради? 2. Ота ва ўғилларнинг сафар олдидан суҳбати мазмунини гапириб беринг. 3. Отанинг гапи бўйича ҳаётда бежавотир, хижолат тортмай бахтли яшаиш учун нималарга амал қилиш керак? 4. Уч оға-ини хатти-ҳаракатини тасвирланг. Ўздан кўра бошқаларнинг ҳаловатини ўйлаш, фидойилик улардан қайсинисига кўпроқ хос? 5. Кенжа ботир ҳикоясидаги тўти ва подшоҳ ўртасидаги келишув нима ҳақида эди? 6. Хиёнаткор вазир нима мақсадда подшоҳни тўти олиб келган меваларни емай туришига кўндирди? 7. Уч оға-инининг подшоҳ зиёфатидаги суҳбатини ролларга бўлиб ўқинг». Мазкур савол ва топшириқлар билан эртақнинг дастурий талқини амалга оширилганлиги аниқ.

Дарсликда тақдим этилган «Сусамбил» эртагини ўрганиш учун эса дастурда 2 соат режалаштирилган. Эртақнинг дастурий талқини юқорида келтирилган. «Сусамбил» эртаги ҳақида» номли мақолада эртақдаги жониворлар образининг моҳияти ҳақида, «Сусамбил» эртагида адолат қарор топган ва ҳамма бахтли яшайдиган афсонавий юртнинг тимсоли сифатида намоён бўлгани ва эртақ тили, ундаги рамзлар ва бадиий ифода хусусиятлари ҳақида яхшигина маълумот берилган. Лекин ундаги аксарият фикрлар бутун мамлакат бешинчи синф ўқувчиларини бир хил қолипда фикрлашга, бир хил хулоса чиқаришга йўналтирилганлиги билан бир оз салбийлик касб этади. Аслида шу қарашларнинг кўпчилигини савол ёки топшириққа айлантириш, ўқувчиларни булар ҳақида ўйлаб кўриб, адабиётга қараб ўз ҳақиқатини ўзи кашф этишга йўналтирилганда адабий таълимнинг бугунги мақсадига мувофиқ келган бўларди.

«Эртақ ҳақида тушунча» номли назарий маълумот сифатида берилган мақолада ҳам юқоридаги мақоладаги айрим фикрлар такрорланган. Масалан: «Ҳайвонлар ҳақидаги эртақлардаги асосий мазмун мажозий, яъни кўчма маънога эга бўлади. Масалан, айёрлик ва мунофиқлик тулки, қонхўрлик,

лақмалик бўри орқали ифода этилади» ва ҳк. Бундай такрорлардан қочиш мақсадида ҳар икки мақолани бирлаштириш ва унда соф назарий маълумотни қисқагина шаклда, ўқувчилар ёшига мос тарзда ифодалаш мақсадга мувофиқ бўларди. Асосий эътибор асарнинг дидактик таҳлилини таъминловчи савол ва топшириқларга берилгани адабий таълимнинг бош мақсадига самарали хизмат қилган бўларди.

Эртак мазмуни юзасидан тақдим этилган савол ва топшириқлар ҳақида гапириб шуни айтиш мумкинки, уларни тузишда ўқувчи шахсига ҳурмат ҳиссини пайқаш мушкул: *«1. «Сусамбил» эртаги қайси эртаклар туркумига киради? 2. Эшак, хўроз, хўкизни хўжайинлари уйини ташлаб кетишга нима мажбур этди? 3. Сусамбил қандай юрт? Жониворлар нима учун унга интилдилар? 4. «Сусамбил» эртагидаги ҳазил-мутойиба, қочириқ маъносидаги сўзларни топиб адабиёт дафтарингизга кўчириб олинг (масалан, хўкизнинг хўжайини ҳақидаги, бўриларнинг ҳайвонларни қўлга олиш ҳақидаги баландпарвоз гаплари каби). 5. Эртакдаги жониворларнинг аҳиллигини нималарда кўрдингиз? 6. Эртани ролларга бўлиб ўқинг. 7. «Менинг сеvimли эртагим» мавзусида ишро ёзинг».*⁴¹ Уларни ўқиш асносида ўқувчилар худди сўроққа тутилаётгандек тасаввур пайдо бўлади кишида. Дунё таълим тизимида бундай дидактик ашёлар ўқувчини ҳурмат қилган ҳолда, уни фикрлашга, муносабат билдиришга ундаган тарзда, тарбияланувчини ўз мустақил фикри ва ўз шахсий хулосасини айтишга йўналтирилган тарзда тақдим этилади. Бизнинг миллий адабий таълимимизда бу нарсалар эътибордан четда қолганини ҳар бир дарсликдаги материаллар бўйича тақдим этилган дидактик ашёлар мисолида учратиш мумкин.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синф ўқувчиси бажара олиши керак бўлган бир қатор талаблар орасида бевосита халқ оғзаки ижоди намуналарини ўзлаштиришга дахлдор талаблар ҳам мавжуд. Масалан,

⁴¹ Ahmedov S. va boshq. Adabiyot. Umumiy o'рта ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. I qism. Uchinchi nashr. – T.: «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2015. – B.70.

«Миллий дастур» лойиҳасида адабиёт ўқув фани бўйича умумий ўрта таълим мактаблари битирувчилари, хусусан, 5-синфни якунлаган ўқувчиларга оид компетенциялар қуйидаги шаклда тақдим этилган: *«Асарнинг асосий ва иккиламчи зоясини (зояларини) аниқлайди ва муносабат билдиради, бунда адабиёт ва бошқа ўқув фанларидан олинган билимларига, шу жумладан, асар яратилган контекст (тарихий, ижтимоий, сиёсий, адабий) ҳақидаги билимларига ҳамда ўз ҳаётини тажрибасига таянади; асарнинг асосий зоясини аниқлайди; бошқа фанлардан олган билимлари ва ҳаётини тажрибасига таянган ҳолда асарнинг асосий зоясига ўз муносабатини билдиради».*⁴²

Адабий таълим бўйича «Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган мажбурий минимал талаблар»да бешинчи синфни тугатган ўқувчиларга қуйидагича талаблар қўйилган:

- асарнинг асосий ахлоқий масалаларини аниқлаш;
- бошланғич жанр (халқ ва адабий эртак, топишмоқ, масал, ҳикоя) курилиши ва уларнинг тил хусусиятларини ажрата билиш;
- асарларнинг жанрий (эртак, масал, ҳикоя) ўзига хослиги, берилган тавсифий, ҳикоя матнлари, монологлар, диалогларни ифодали ўқиш;
- фолклорнинг кичик асарлари, фолклор ҳикоялари ҳақида билиш.⁴³

Мазкур талаблар адабиёт ўқитиш амалиётида ўқувчилар олдида қўйилган давлат талаблари ҳисобланади ва бунга ҳамма битирувчилар жавоб беришлари шарт. Бунга эришиш йўллари айнан савол ва топшириқлар зиммасига юкланади.

Миллий ва хориж тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, умумий ўрта таълим мактабларининг «Адабиёт» дарсликларида ўқувчиларнинг мустақил ва мантиқли фикрлаши, дунёқарашининг ўстирилишига етарли даражада эътибор қаратилмаган. «Адабиёт» дарсликларида ўлкашунослик материаллари, тестлар, расмлар, иллюстрациялар, матндаги ҳар хил

⁴² Umumiy oʻrta taʼlimning milliy oʻquv dasturi loyihasi. – T.: RTM, 2020.

⁴³ <https://www.lex.uz/acts/316337>

вазиятлар, кроссвордлар, муҳокамали топшириқлар, грамматик ўйинлар, лингвостаёҳатлардан фойдаланилмаган. Дунё таълим тизимиغا хос бўлган аудио-видео, компьютер техникасидан ҳар бир ўқувчи дарс жараёнида мунтазам фойдаланишига йўналтирадиган вазифалар йўқ. Ўқитувчи дарсинг ягона «хўжайини» эмас, унинг механизмини ҳаракатга келтирувчи мулоқот марказига айланиши учун замин ҳозирланмаган. Шу маънода, 5-синф дарслигидаги ҳар бир дарс тубандаги тизим асосида қурилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Дарсликда амалиёт ва назариянинг узвий алоқадорлиги ҳисобга олиниб, амалдаги тажрибалар асосида даставвал мавзуга тегишли топшириқлар берилади. Уларнинг сони учтагачани ташкил қилади. Сўнгра содда ва тушунарли тарзда ўқувчиларни суҳбат, баҳс-мунозарага, фикрлар тўқнашувига тортувчи муаммоли вазиятлар яратишга асос бўладиган савол ва топшириқлар кўмагида асарларнинг дидактик таҳлили амалга оширилади.

2. Бешинчи синфларда ўтилиши лозим бўлган 68 соатлик дарсинг ҳар бири алоҳида дарс сифатида ажратиб чиқилади. Ўқувчиларнинг онгида билим ва кўникмаларни тўғри ҳосил қилиш мақсадида дарслар такрорлаш, мустаҳкамлаш, тестлар устида ишлаш каби шаклларга бўлинди.

3. Ҳар бир бўлим бўйича яқунловчи-умумлаштирувчи савол ва топшириқлар тақдим этилади ва улар мустаҳкамлаш дарсларига сингдириб юборилади.

4. Ҳар бир дарсинг мақсади уч йўналиш бўйича кўрсатиб ўтилади: а) илмий мақсад; б) тарбиявий мақсад; с) ривожлантирувчи мақсад. Дарсинг мақсади, режаси, жиҳози ҳақида ҳам керакли тавсиялар берилади.

5. Мавзулар бўйича ажратилган дидактик ашёларда халқимизнинг миллий қадриятларига, Ватан мафқурасининг тарғиботига, ўқувчиларда чинакам инсоний фазилатларни шакллантиришга алоҳида урғу берилади.

6. Иқтидорли талабалар учун юлдузчали савол ва топшириқлар ажратилгани, бундай фаолият туридан синфдаги уни ишлашга хоҳиши бўлган барча болалар фойдалана олишлари мумкинлиги ҳам эътиборга

олиниши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ўзлаштириши паст ўқувчилар учун ҳам алоҳида вазифалар берилиши адабий таълимнинг самарадорлиги учун хизмат қилади. «Ўқитувчи китоби»да ёзма ишларнинг матнлари ҳам берилиши, улардан ижодий равишда фойдаланиш, матнларни алмаштириш, янги матнлар тузиш ўқитувчининг зиммасида қолдирилгани ҳам адабий таълимнинг самарадорлиги ортишига хизмат қилиши мумкин ва ҳк.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфлари учун тузилган «Адабиёт» дастури ва дарсликларида халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида халқ кўшиқлари ўрганиш учун тақдим этилган ва унга бир соат ажратилган.

Олтинчи синфлар учун яратилган дарсликда тақдим этилган халқ кўшиқлари мазмуни юзасидан тақдим этилган савол ва топшириқларда ҳам муаммолиликнинг белгилари, ҳатто кичкинагина муаммога ўхшаш бирорта белги ҳам учрамайди.⁴⁴

Дарсликда «Бойчечак», «Читтигул» ва «Бошгинам оғрийди» сингари халқ кўшиқлари ўрганиш учун тақдим этилган. Лекин уларнинг бирортасининг моҳиятига кириш, бу кўшиқларда халқнинг қандай орзу-истаклари, дардлари ифодаланганлигини муҳокамага тортувчи дидактик ашёлар йўқ. Савол ва топшириқлар учала кўшиқ ҳамда улар ҳақидаги назарий мақола учун умумий тарзда, «қўл учи»да тузилган: «1. «Кўшиқ – жон озиги», «Кўшиқ – кўнгил мулки» деганда нимани тушунасиз? 2. Кўшиқлар яратилиш манбаи, мавзулари, кимларга мўлжалланганига қараб ҳар хил дедик. Буни тушунтириб беринг. 3. Халқ кўшиқлари қандай хусусиятларга эга? 4. Қайси кўшиқларни ўйин кўшиқлари дея оламиз? 5. Мавсум кўшиқлари сирасига қайси кўшиқлар киради? 6. «Бойчечак» кўшиғи нима ҳақида? Шарҳланг. 7. Китобингиздаги қайси кўшиқни савол-жавоб кўшиғи дея оламиз? 8. Бирор бир халқ кўшиғини ёд олинг ва уни куйлашга ҳаракат қилинг».⁴⁵ Савол ва топшириқлар, асосан, кўшиқлар ҳақида тақдим этилган назарий мақоланинг мазмунини такрорлашга қаратилган.

⁴⁴ Ahmedov S. va boshq. Adabiyot 6-sinf uchun darslik. – Toshkent: «Ma'naviyat», 2017.

⁴⁵ Ahmedov S. va boshq. Adabiyot 6-sinf uchun darslik. – Toshkent: «Ma'naviyat», 2017. – В.32.

7-синф адабий таълими ўқувчилар руҳиятида янги босқичнинг бошланиши сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Бу босқич бадиий асарларни, хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда асарнинг гоъвий ва бадиий позициясидаги ўзига хосликни англашга ўтишни назарда тутлади. Ҳар хил жанрда яратилган адабий асарларни таққослаш жараёнида шахснинг хусусиятлари намоён бўлади. Еттинчи синф дарслигида халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида «Равшан» достони қисқартирилган шаклда ўрганиш учун тақдим этилган. Дарсликда мазкур достоннинг моҳиятига киришга йўналтирилган қирққа яқин савол ва топшириқлар ўрин олган. Уларнинг кўпчилиги ўқувчиларни мантикий мулоҳаза юритишга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир. Масалан: *«Равшанни Ширвонга отлантирган нарса фақат Зулхуморга бўлган муҳаббатми ёки бошқа чуқурроқ сабаб ҳам борми? Бу ҳақдаги хулосангизни матнга таяниб билдиринг. Қаҳрамоннинг: “Ёр дейман-у номус-орга бораман”, деган иқрорини изоҳланг; Ҳасанхоннинг ўғлига насиҳатларини синчиклаб ўрганинг. Отанинг: “Кечсанг ёмон бўлар ота-онадан”, “Бир қиз учун унутмагин бизларни”, “Олдиндан ким чиқса, бесалом ўтма”, “Қўлингдан келганча чиқар яхши от, Яхшилик қил болам, ёмонликни от” сингари фикрларининг салмоғи ҳамда ифода тарзига муносабатингизни билдиринг; Достонда Зулхумор портрети тасвирланган ўринни топинг. Ўзбек халқининг гўзал қиз тўғрисидаги тасаввурларига ўз муносабатингизни билдиринг; Дор остидаги Равшаннинг: “Мен ўлмасам, ўз элимдан кечмайман!” шаклидаги қарори асосида унинг табиатини изоҳлашга урининг. Эли билан динини муқаддас ва дахлсиз, ҳатто ўз ҳаётидан азизроқ деб билган киши ҳақидаги мулоҳазаларингизни айтинг. Достон қаҳрамонининг: “Азиз бошинг оёғимга тенг эмас...” деган эътирофида манманлик туйғуси кучлими ёки миллий ифтихор ва ўзбеклик гуруримми? Фикрингизни матнга таяниб асосланг»⁴⁶*

⁴⁶ Yoʻldoshev Q. va boshq. Adabiyot. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. Qayta ishlangan 4-nashri – T.: «Sharq», 2017. – 160 b.

сингари савол ва топшириқлар кўмагида муаммоли вазиятлар яратиш ҳам мумкин.

8-синф «Адабиёт» дарслигида курснинг ўзаро боғлиқ доминант муаммолари “Қаҳрамон ва замон” (ижтимоий ва ахлоқий мазмун) ҳамда “Адабий жанрлар” (назарий маълумотлар)нинг хилма-хиллигидан иборат бўлиши ўринлидир. Дарсликдаги махсус мақолаларда ўқувчиларга тақдим этилган асарлар талқини маълум бир адабий материалда вақт ўзгаришини кўрсатадиган, уларни ҳар бир даврга хос бўлган адабий қаҳрамон билан таништирадиган, улар шахсига қўйилган ахлоқий-маънавий мезонлар устуворлиги тарзида яратилиши мақсадга мувофиқ бўлган филологик хулосалардир.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди намуналари минг-минг йиллик тарихга эга бўлгани ҳолда бугун ҳам ўз йўлида тараққий этиб бормоқда. Жамиятнинг тарихий тараққиёти билан боғлиқ ижтимоий идеалларнинг ўзгариши адабиётда кўриб чиқилган ахлоқий масалаларнинг ижтимоий ва тарихий моҳиятини таъкидлайди ҳамда муаллиф позициясига эътиборни кучайтиришга имкон беради. Шу маънода, 8-синф ёшидаги ўқувчилар ривожланишининг маълум бир босқичини яқунлаб, адабиёт эволюциясини англаш учун ҳам, ўспирин шахсини шакллантириш учун ҳам муҳим бўлган бир қатор асосий ахлоқий муаммоларни ҳал қилишга имкон беради. Бу синфда халқ оғзаки ижодидан «Кунтуғмиш» достони ўрганиш учун тақдим этилган.⁴⁷ Дарсликда дoston матнини ўрганиш учун 22 та савол ва топшириқ тақдим этилган бўлса, шундан ўнтаси бевосита дoston матни билан боғлиқ. Лекин уларнинг ҳам бир қисми ўқувчилардан бевосита матн мазмунини такрорлашни талаб қилса, қолган қисми эслашга, хотирлашга йўналтирилган: *Кунтуғмиш ўн тўрт ёшгача нималар билан шугулланди, ўн тўрт ёшдан сўнг қандай амалларни эгаллади? Холбека кимнинг фарзанди? Унинг камолга етгунча бўлган ҳаётини батафсил гапириб беринг. Зангар шахри подшохи*

⁴⁷ Olimov S. va boshq. Adabiyot. 8-sinf uchun darslik. – Toshkent: G. G`ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2019.

Холбекага ошиқ бўлиб, ўз ниятига эришиш учун қандай «чоралар» кўрди? Қосим Кунтуғмишни ҳалокатдан сақлаб қолиш учун қандай чора кўрди? Азбархўжа Кунтуғмишни ҳалок қилиш учун қандай ҳийла ишлатди? Кунтуғмиш ўғиллари исмларининг маъноси: Гуркибой ва Моҳибой сўзлари нимани англатади? Сабабини тушунтиринг. Кунтуғмиш ва Холбека зайритабий шароитда (тушда) танишадилар. Шунга ўхшаш ҳолатларни (туш, кўзгу, узук орқали танишиш) яна қайси достонларда учратгансиз? Кунтуғмиш асарда яна қайси ном билан эсланади?»⁴⁸ Қолганлари асар ҳақидаги филологик тушунчаларни эслашга ва мақоладаги филологик ҳақиқатларни такрорлашга йўналтирилган. Фақат битта савол: «Достондаги қаҳрамонларнинг қайси сифатларидан ибрат олиш мумкин, деб ўйлайсиз?»гина ўқувчилардан мустақил ва мантиқий мулоҳазани талаб қилади. Кўринадики, халқ оғзаки ижодига мансуб бўлган «Кунтуғмиш» достонини ўрганиш ўқувчилар маънавий камолотига ҳам, уларнинг мустақил ва мантиқий фикрлаш, мустақил фаолият билан боғлиқ компетенцияларни эгаллашга ҳеч қандай замин тайёрламайди, ёрдам бермайди, бунга йўналтирмайди ҳам. Хотира ҳисобидан ёки асар матнини қайта ҳикоялашни талаб қиладиган бундай дидактик савол ва топшириқлар дунё миқёсида юқори синфларнинг дастлабки икки босқичига тегишли ҳолос.

Тўққизинчи синф умумий ўрта таълимнинг бир босқичини тугатади ва бу адабиёт ўқитувчисининг педагогик фаолиятига алоҳида масъулият юклайди. Сўз санъатининг ривожланиш тарихи тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун қадимий даврдан то ҳозирги кунгача бўлган адабиётнинг ривожланиш даври панорамаси очилади. 5–8 синфларда таҳсил олган ўқувчининг таассуротлари ва ўқитишнинг бутун тажрибасига таяниб 9-синф ўқувчиларини адабий таълимнинг «очиқ денгизи»га чиқиш босқичига кўтарилганларини тасаввур қилиш мумкин. Адабий таълимнинг бу босқичи ўқувчиларнинг санъат ҳодисаларига тарихий-эстетик ёндашувга ўтишига

⁴⁸ Olimov S. va boshq. Adabiyot. 8-sinf uchun darslik. – Toshkent: Gʻ. Gʻulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2019. – B.43.

замин тайёрлайди. Бу даврнинг ўзига хос қийинчиликлари инкор этилмайди ва бу ўқувчи ва ўқитувчидан алоҳида масъулиятни талаб қилади.

Мазкур синф «Адабиёт» дарслигида халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида «Алпомиш» достони ўрганиш учун тақдим этилган.⁴⁹ Достонга ёндашувнинг дастурий талқини юқорида ўз аксини топган. Дарсликда достондан олинган парча мазмуни асосида: *«1. Отлар ва одамлар тасвиридаги ўхшашлик ва фарқларга эътибор қилинг. Қайси тасвирда бахшининг маҳорати яққол кўринган? 2. “Эгам раҳм айласин қонли ёшима, Сабаб бўлиб қўшгин тенг-у тўшима. Қурруё-қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти!” тарзида нола қилаётган Ойбарчин ҳолатини англатинг. 3. Қалмоқларнинг муболагали тасвирлари берилган ўринларни қайта ўқинг ва ҳаётийлик ҳамда бадиийлик жиҳатидан изоҳланг. 4. Кўкалдошни йиқитолмаётган Алпомиш ҳолати ва унинг аҳволидан изтиробга тушган Ойбарчин ҳолатини изоҳланг. 5. Барчинининг Алпомишга қарата айтган аччиқ сўзлари алга бу қадар қаттиқ таъсир қилганлиги сабабини изоҳланг. 6. “Алпомиш” достони яна қайси бахшилар томонидан айтилган? Достоннинг тўлиқ вариантини ўқиб чиқинг»⁵⁰* тарзидаги олти тагина савол ва топшириқ тақдим этилган. Бу савол ва топшириқлар билан достон мазмунининг моҳиятига кириш мумкин эмас. Юқоридаги дарсликлар мазмуни ҳақида айтилган фикрлар бу синф дарслигига ҳам дахлдор.

Умумий ўрта таълим мактаблари 5-9 синфлар «Адабиёт» дарсликларида тақдим этилган халқ оғзаки ижоди намуналарининг берилиши таҳлилидан хулоса чиқариб шуни айтиш мумкинки, миллий адабий таълим концепцияси, ДТС ва дастурларида адабий таълимни ташкил этиш билан боғлиқ мақсад ва вазифаларга дарсликлар яратиш жараёнида амал қилинмаган. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни муаммоли вазиятга солишдан нафақат ҳар хил метод ва усуллардан, балки дидактик ўйинлар жараёнидаги

⁴⁹ Yo'ldoshev Q. va boshq. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik-majmua. Qayta ishlangan 4-nashri – T.: O'zbekiston NMIU, 2019. –B. 8–46.

⁵⁰ Yo'ldoshev Q. va boshq. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik-majmua. Qayta ishlangan 4-nashri – T.: O'zbekiston NMIU, 2019. –B. 45.

фаолиятда ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, муаммоли вазият ҳосил қилишда қўл келадиган энг жўн ўйинлардан бири “**Мусаҳҳих**” дидактик ўйинидир. 5-синф «Адабиёт» дарслигидан ўрин олган “Мақоллар” мавзусини ўтишда ўқитувчи хаттахтага қўйидаги бирикмалар ёзилган карточкаларни қўяди: *«Қунт билан ўрган ҳунар, Тикансиз гул бўлмас, ҳунардан ризқинг унар, Бирни сочсанг ерга, Бугунги ишни, машаққатсиз ҳунар, эртага қўйма, оталар сўзи, она юртнинг омонлиги, мингни берар элга, ўзга юрт султонлиги, аниқ фикр, тугал хулоса, лўнда ифода»*. Кичкинагина муаммоли вазиятга тушиб қолган ўқувчиларга ҳар бир иборанинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда улардан мавжуд мақолларни яшаш билан боғлиқ муаммоли топшириқ берилади. Ўқувчилар ёш «мусаҳҳих»ларга айланадилар. Берилган сўз бирикмаларидан фойдаланиб дарсда ўрганганлари мақоллардан айримларини яратадилар. Натижада ўқувчиларнинг мақол бўйича билимлари мустаҳкамланади, фикрлари жамланади, қатъий хулосага келинади ва улар умумлаштирилиб, ягона хулосага келинади. Сўнгра бу мақолларнинг мазмуни таҳлилга тортилади.

Муаммоли таълимга хос бўлган мазкур мантиқли ўйиндан 7-синф «Адабиёт» дарслиги «Равшан» достонидан берилган парча мисолида ўзгачароқ шаклда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун қўйидаги жумлалардан фойдаланади. Қўйидаги жумлалар ёзилган варақаларни ўқитувчи хаттахтага ёпиштиради ёки компьютер воситасида экранда намоиш этади: *«Умрида совуқ шамол емаган бола», «Ғамнинг лойига ботибман», «Элдан ўзган чин сулувни ишқиб илдирсам, деб келдим», «Қўйган алвон-алвон сўзлар», «Ёш ва тажрибасизлиги туфайли душман қўлига тушди», «Мен ўлмасам, ўз элимдан кечмайман!», «Азиз бошинг оёғимга тенг эмас...», «Душман олдида бош эзмаган Равшан отасини кўриб йиғлаб юборди»* ва ҳ.к. Ўқувчилардан уларни жадвал шаклига солиш ва қайси сифатлар кимга тегишлилигини аниқлаш ҳамда улар достоннинг қайси ўринларида қўлланилганлигини аниқлаш вазифаси топширилади. Ўқувчилар хулосаларини қиёслаш, умумлаштириш, далилларини таққослаш орқали

умумий бир хулосага келадилар. Бу топшириқнинг муаммолилик даражаси унча кучли бўлмаса-да, ҳар ҳолда ундан муаммоли вазият яратишнинг дастлабки босқичида фойдаланиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, муаммоли таълим ўқувчиларнинг янги билимларни эгаллаш жараёнида ижодий иштироки имкониятини, билим олишга қизиқишлари ва ижодий тафаккурининг шаклланишини, билимларни юқори даражада эгаллашларини ва ўқувчиларда янги билим олишга рағбатни таъминлайди. Муаммоли вазиятларни англаш, қабул қилиш ва ечимини топиш ўқувчиларнинг мустақил фаолиятида энг яхши натижа берадиган ўқитиш туридир. Бу жараён ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятида, бир мақсад йўлидаги ҳаракатларида амалга ошади.

Биринчи боб юзасидан хулосалар

1. Муаммоли таълим ўқувчиларни мустақил ва мантиқий фикрлашга, мустақил фаолиятга, шу билан бирга билимларни мустақил ўзлаштиришга йўналтириш гаровидир.

2. Муаммоли ўқитиш технологиясидан узлуксиз таълимнинг барча босқичларида, хусусан, мактабгача таълим, бошланғич синфлар, ўрта ва юқори синфлар ҳамда олий таълим тизимида барча ўқув фанларини ўқитишда тарбияланувчи, ўқувчи ва талабаларнинг ёши ва интеллектуал имкониятларига асосланган ҳолда фойдаланиш мумкин.

3. Адабий таълим бўйича умумий ўрта таълим мактаблари 5-9 синфлар ўқувчиларига мўлжаллаб яратилган дастурлар ва «Адабиёт» дарсликларида муаммоли таълимга эътибор берилмаган.

4. Ўқитишнинг муаммоли турига давлат миқёсидаги педагогик хужжатларда ҳам эътибор қилинмаган. Сабаби муаммоли таълим технологиясининг илмий-методик асослари таълим, хусусан, адабий таълим методикаси илмида ҳам яратилмаган.

II БОБ. АДАБИЁТ ДАРСЛАРИНИ МУАММОЛИ ТАЪЛИМ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ

2.1-§. 5-, 6-синфлар ўқувчилари учун яратилган «Адабиёт»

дарсликларига халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли метод асосида ўрганиш йўллари

Бадий матн – бу ўқитувчи маҳоратли саволлар билан ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини рағбатлантирадиган ажойиб лаборатория. Бадий асар мазмуни асосида тузилган битта муаммоли савол – мантикий топширик баъзан бутун бир дарс давомида ўз ечимини топиши, баъзан эса бир дарс жараёнига сиғмай қолиши ҳам мумкин. Масалан, *«Уч ога-уни ботирлар» эртагига илова қилинган ҳикоя қаҳрамони Булбул қайтиб келмаслиги мумкинми? Нега шундай деб ўйлайсиз? Сиз қайси бирини устувор деб биласиз? Нима учун?»* Бешинчи синф ўқувчилари олдида қўйилган бу муаммоли саволлар ўз мантиғи билан тарбияланувчиларни бир вазият-ҳолатга турфа ракурстан ёндашишга йўналтиради ва бунинг ечими учун бир дарс камлик қилади. Турфа фикрлар, ҳар хил қарашлар тўқнашуви, мунозаралар, фикрларни асослаш жараёни 40–45 дақиқада тугамаслиги мумкин.

Муаммоли таълимга бағишланган адабиёт дарсларининг ўзига хос ва муҳим таркибий қисми бу мавзу ва мақсадларни шакллантириш – педагогик ва психологик вазиятни яратишдир. Адабиёт дарсларидаги **педагогик муаммоли вазият** билим объектининг янгилиги, аҳамияти, гўзаллиги ва бошқа ўзига хос хусусиятларини таъкидлайди. Бундай вазият синфдаги умумий педагогик вазиятни яратади ва у дарс жараёни билан боғлиқдир. **Психологик муаммоли вазият**ни яратиш фақат индивидуалдир. Бунда ҳар бир ўқувчида ўзига хос бағрикенглик, сабр-тоқат, саволларни англаш, уларнинг моҳиятига кириш, далилларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, номувофиқликларни кўриш ва муаллифнинг ниятларини талқин қилиш қобилиятларини ривожлантириш билан боғлиқ бўлади. Бундай вазият ўқувчи шахси билан боғлиқ жараёндир.

Муаммоли дарсинг консолидация (янги мавзуни мустаҳкамлаш) босқичида: *«Сиз иккита эртак – «Уч ога-уни ботирлар» ва «Сусамбил» билан танишдингиз. Сизнингча, уларни нима бирлаштиради ва улар бир-бирини қандай тўлдиради? Жавобингизни ўқиган эртакларингиз ва мунозаралар жараёнидаги фикрлар асосида тайёрланг»*. Ва назорат босқичида: *«Эртакларга берилган энг мақбул (сизнинг назарингизда) талқин қайси? Сизнинг назарингизда, унинг тўғрилиги ва асослиги нималардан иборат?»* Бундай муаммоли вазиятларда ҳар бир ўқувчи шунчаки ўқувчи эмас, балки кичик адабий синчига, ўқитувчи эса дирижёр ёки режиссёрга айланади.

Энди бевосита 5-синфлар «Адабиёт» дарслигида тақдим этилган халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, «Мақоллар» мавзусини (1 соат) муаммоли ўрганиш хусусида гапириб шуни айтиш мумкинки, ўқитувчи дарсга тайёрланиш жараёнида бир қатор мақолларни ажратиб олиши ва уларнинг мазмуни асосида муаммоли вазифалар тайёрлаши тақозо этилади. Чунки дарсликда саксонга яқин мақол тақдим этилган ва бир соат мобайнида уларнинг барчасини шарҳлаб ўрганиш, дидактик таҳлилга тортиш асло мумкин эмас.

Мақоллар устида ишлашга ажратилган адабиёт дарсида уларни ўрганишга қуйидаги талқин асосида ёндашиш тақозо этилади: *“Мақоллар халқ оғзаки адабиёти намунаси сифатида. Мақолларда халқ миллий тафаккури қаймоғининг акс этиши. Мақолларнинг шаклий тузилиши, уларга хос қисқалик, таъсирчанлик, теранлик каби хусусиятлар ҳақида маълумот. Мақолларнинг кишиларни эзгу инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш воситаси эканлиги. Мақолларнинг мавзу доираси. Ватанпарварлик, дўстлик, илм ва касб-ҳунар, оила, одоб, тарбия ҳақидаги мақоллар⁵¹*. Чунки бу талқин адабий таълимнинг умумий мақсади асосида берилмаган.

Маълумки, адабиёт дарсларида ўрганиш учун тақдим этилган ҳар

⁵¹ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017. –В.9.

қандай асар – у эртак ёки дoston бўладими, мақол ёки матал бўладими, дидактик таҳлилга тортилмас, мазмун-моҳиятига кирилмас, ўқувчилар орасида муҳокама қилинмас экан, уларнинг самарадорлик даражаси ҳамиша паст бўлади. Уларни шунчаки ўқиб қўя қолиш ўқувчи маънавиятига минимал даражадаги озукани беради. Шу боис ўқитувчи ҳар хил йўналишдаги бир нечта мақолни ажратиб олгани ва уларнинг устида ишлаш учун ҳар бирининг мазмуни асосида муаммоли савол ёки муаммоли топшириқ тайёрлаши мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан:

I. «Бирни кўриб фикр қил, Бирни кўриб шукур қил».

Муаммо: *“Фикр қилмаслик ва шукур қилмаслик оқибати нима бўлиши мумкин?”*

Ўқувчиларни муаммонинг ечими сари йўналтирувчи мантиқий савол ва топшириқлар:

1. “Фикр қилиш”ни қандай тушунасиш? У қандай амалга оширилади?
2. Нима учун одам фикр қилиши керак деб ўйлайсиз?
3. “Бирни” деганни қандай тушундингиз? Бу “бир” нима ёки ким?
4. “Шукур қилиш”, сизнингча, қандай бўлади?
5. Кимга ва нима учун шукур қилинади деб ўйлайсиз?

II. «Иззат тиласанг, кўп дема, Сихат тиласанг, кўп ема».

Муаммо: *«Кўп дейиш ва иззат билан кўп ейиш ва сихатнинг бирига қандай алоқаси бор?»*

Ўқувчиларни муаммонинг ечими сари йўналтирувчи мантиқий савол ва топшириқлар:

1. Сизнингча, иззат нима? “Сихат”ни қандай тушундингиз?
2. “Кўп дема”ни ўз сўзларингиз билан тушунтириб беринг.
3. Кўп гапиришнинг одам иззат-ҳурматига қандай зарари бўлиши мумкин деб ўйлайсиз?
4. Кўп овқат ейишнинг саломатликка қандай зарари бўлиши мумкин, нима деб ўйлайсиз?
5. Сизнингча, иззат-ҳурмат ва саломатликнинг инсон шахси ҳамда

хаёти учун қандай аҳамияти бор? Улар бўлса нимага эришилади-ю, бўлмаса одам нима йўқотади?

III. «Олтовлон ола бўлса, Оғзидагини олдираар. Тўртовлон тугал бўлса, Тепадагини эндираар».

Муаммо: *«Оғзидагини олдири»иш билан «Тепадагини эндири»нинг одам учун нима аҳамияти бор?»*

Ўқувчиларни муаммонинг ечими сари йўналтирувчи мантиқий савол ва топшириқлар:

1. Нима деб ўйлайсиз, “олтовлон” деганда нима назарда тутилаётган бўлиши мумкин?

2. “Ола бўлиш” ҳақида ўйлаб кўринг. Уни қандай тушундингиз?

3. Сизнингча, “оғзидаги” дегани нима дегани?

4. “Тўртовлон” деганда, Сизнингча, нима ҳақида гап кетяпти?

5. “Тепадаги” сўзини қандай тушундингиз? “Эндирмоқ” сўзи нимани англатишини биласизми?

6. “Тепадан эниш” ҳақида эшитганмисиз? Фикрингизни шарҳлаб, ўртоқларингизга тушунтириб беринг.

IV. «Дўст ачитиб гапирар, душман – кулдириб».

Муаммо: *«Ачитиб гапирган дўстандан кулдириб гапирган душман яхши».*

Ўқувчиларни муаммонинг ечими сари йўналтирувчи мантиқий савол ва топшириқлар:

1. “Ачитиб гапириш”ни қандай тушунасангиз?

2. Дўст, сизнингча, ўзи сизга дўст бўлса, нима учун ачитиб, дилингизни оғритиб гапирари?

3. Душман сизга дўст бўлмаса ҳам, сизни кулдириб, яхши гапирари. Бунинг тагида қандай ҳақиқат яширинган бўлиши мумкин, нима деб ўйлайсиз?

4. Ҳар иккаласидан қайси бирининг гапи сиз учун фойдали деб ўйлайсиз? Нега бундай хулосага келдингиз?

V. «Яхши билан юрсанг, етарсан муродга. Ёмон билан юрсанг, қоларсан уятга».

Муаммо: *“Муродга етиш” нима учун муҳим-у “уятга қолиш” нимаси билан ёмон? Ҳар иккаласи сиз учун қанчалар аҳамиятли?”*

Ўқувчиларни муаммонинг ечими сари йўналтирувчи мантиқий савол ва топшириқлар:

1. Нима деб ўйлайсиз, “яхши” ким? Унинг яхшилигини нималарда кўриш мумкин, сизнингча?

2. “Муродга етиш”ни қандай тушунаси? Одам муродига етмаса, нима бўлади, сизнингча? Бу яхшими, ёмонми? Нима учун?

3. “Ёмон”нинг сифатлари нималардан иборат? Нега у билан юрсангиз, уятга қолишингиз мумкин?

4. Нима деб ўйлайсиз, яхши билан ёмонни қандай аниқлаш мумкин?

VI. «Эл кўрисанг, ўзарсан, Қўримасанг, тўзарсан».

Муаммо: *“Элни кўриш ёки қўримасликнинг сизга қандай алоқаси бўлиши мумкин?”*

Ўқувчиларни муаммонинг ечими сари йўналтирувчи мантиқий савол ва топшириқлар:

1. Сизнингча “эл” ким? Элни “кўриш”ни қандай тушунаси?

2. Элни кўриш билан сизнинг ҳаётда ўзиб кетишингизда қандай алоқа бўлиши мумкин, нима деб ўйлайсиз?

3. “Тўзиш”ни қандай тушунаси? Бунинг одамга қандай алоқаси бўлиши мумкин?

4. Бу тўзиш бир сизга алоқадорми ёки бутун элга тегишли бўлиши мумкинми?

5. Эл тўзиб кетса, нима бўлади? Сиз буни қандай тушунаси?

6. Тўзиб кетган эллар ҳақида нима биласиз?

VII. «Еридан айрилган етти йил йиғлар, Элидан айрилган ўлгунча йиғлар.

Муаммо: *“Ер – Ватан – Эл. Одам учун қай бири муҳим?”*

Ўқувчиларни муаммонинг ечими сари йўналтирувчи мантиқий

савол ва топшириқлар:

1. “Еридан айрилиш”ни қандай тушунасиз? Бу сўз мақолда ўз маъносида ишлатилияптими ёки кўчма маънодами? Фикрингизни асосланг.

2. “Ер” сўзи кўчма маънода нимани англатади, биласизми?

3. Эрдан айрилиш билан ватандан айрилишнинг бир-биридан фарқи борми? Бор бўлса, нимада?

4. Ҳар иккаласидан айрилишни қандай тушунасиз? Бу айрилиқнинг ўлим билан қандай алоқаси бўлиши мумкин?

VIII. «Олим бўлсанг, олам сеники!»

Муаммо: “Одам”. “Олам”. “Олим”. Бу учала тушунчанинг сизга қандай алоқаси бор?

Ўқувчиларни муаммонинг ечими сари йўналтирувчи мантиқий

савол ва топшириқлар:

1. “Олим бўлиш”ни қандай тушунасиз?

2. “Одам бўлиш” деганда нимани тушунасиз? Одамликка қўйилган мезонлар ҳақида ўйлаб кўринг.

3. Олим бўлиш осонми, одам бўлишми? Ҳар иккаласининг мезонлари қачон ва ким томонидан қўйилгани ҳақида ўйлаб кўринг.

4. Нима деб ўйлайсиз, сиз учун олим бўлиш муҳимми, одам бўлишми? Нега шундай деб ўйлайсиз?

5. Нима, олим бўлиш ёмонми? Унда нега бу мақолда олимлик илгари суриляпти?

6. Олам одам учун муҳимми, олим учунми? Бу муҳимлик, Сизнингча, нимадан иборат?

7. “Олам сеники”ни қандай тушундингиз? Олам сизга керакми? Нима учун?

IX. «Ҳунарли киши хор бўлмас».

Муаммо: “Ҳунарли” ва “Ўқимишли”. Ҳар иккала тушунчадан қайси бири одам учун муҳим?”

Ўқувчиларни муаммонинг ечими сари йўналтирувчи мантиқий

савол ва топшириқлар:

1. Нима деб ўйлайсиз, ҳунар нима?

2. “Хорлик”ни қандай тушунасиз?

3. Ўқимишли одам ҳам хор бўлиши мумкинми? Нима учун?

4. “Ҳунарли” ва “Ўқимишли” одамга мисол келтиринг.
5. Сиз қай бирини танлайсиз? Нима учун?

Х. «Билмам, Мавлом найлар, Найласа-да гўзал айлар».

Муаммо: *“Мавлом (Аллоҳ)нинг гўзал бўлмаган ишлари замиридаги гўзаллик нимадан иборат? Бу гўзал бўлмаган гўзалликнинг сабабчиси ким ёки нима?”*

Ўқувчиларни муаммонинг ечими сари йўналтирувчи мантиқий савол ва топшириқлар:

1. “Найлар” сўзини қандай тушундингиз?
2. Аллоҳнинг бандалар яхши тутумларини рағбатлантириши сабаби нимада деб ўйлайсиз?
3. Нотўғри хатти-ҳаракатлар учун жазоланишнинг сабаби нимада, сизнингча? Унинг гўзаллиги нимада деб ўйлайсиз?
4. Яратувчи қудратнинг рағбати ҳам, жазоси ҳам нима учун гўзал баҳоланиши ҳақида ўйлаб кўринг.

Амалий фаолиятда, яъни дарс жараёнида ўқувчиларга муаммо ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот беришнинг ҳожати йўқ. Бешинчи синф ёшидаги ўқувчилар учун бунинг аҳамияти ҳам, қизиғи ҳам йўқ. Ўқитувчи мақолни ўқиб, уни хаттахтада намойиш этади ва мақол матни мазмуни юзасидан юқорида тақдим этилган савол-топшириқлар устида суҳбат ташкил этади. Суҳбат охирида мақол мазмуни юзасидан тузилган муаммоли саволни ўртага ташлаб, бу борада ўқувчиларнинг фикрлари сўралади. Ҳар бир синфда ҳар бир ўқувчи ўз имконияти доирасида муаммо атрофида мулоҳаза юритади, ўз фикрини айтади. Ўқитувчи раҳбарлигида фикрлар умумлаштирилиб, масаланинг ечими топилади. Синфлар юқорилаб борилгани сари ўқитувчининг бундай умумлаштирувчи фаолиятига ўрин қолмайди. Чунки ҳар бир ўқувчи ўз фикри ва хулосасида қолиши керак. Адабий таълим учун бу жуда муҳим натижа ҳисобланади.

Бешинчи синф ўқувчилари учун яратилган “Адабиёт” дарслигида халқ оғзаки ижоди намуналари сифатида **Топишмоқлар** ҳам ўрганиш учун

тақдим (1-соат) этилган. Мавзунинг дастурий талқини қуйидагича: “Топишмоқлар халқ оғзаки ижодининг ўзига хос жанри сифатида. Топишмоқларда инсон ва уни ўраб олган оламнинг ўхшатишлар, таққослашлар, саволлар воситасида ифодаланганлиги. Топишмоқларнинг шаклий тузилиши. Топишмоқларнинг савол ва жавоб қисмлари билан биргаликда бир бутун асарни ташкил этганлиги. Топишмоқ ва мақол”.⁵² Шу талқинга таянган ҳолда топишмоқларни ҳам муаммоли шаклда ўрганиш мумкин. Агар ўқувчилар топишмоқнинг жавобини дарҳол топиб қўйишса, иш жараёнининг қизиғи қолмайди, албатта. Лекин унинг жавоби топилмаса, бу жараён ҳамма болалар учун қизиқарли иш турига айланади. Дарсликда топишмоқларнинг жавоби ёзиб қўйилгани уларнинг қизиқарлилик даражасини йўққа чиқарган. Шу боис ўқитувчи топишмоқлар устида ишлашни қизиқарли ва ёқимли машғулотга айлантириш учун бутунлай янги топишмоқлардан фойдаланишига тўғри келади. Гап шундаки, топишмоқлар ўз мазмун-моҳияти билан ўқувчилар учун, баъзан ҳатто катталар учун ҳам тўлалигича муаммо. Бу муаммонинг ечими учун уларга хос бўлган хусусиятлар савол ёки топшириққа айлантирилса, кифоя. Бу билан ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини муаммо объектига хос бўлган хусусиятларга қаратади.

Масалан:

1. *Шохи бор, ҳўкиз эмас,
Эгари бор, от эмас,
Хоҳлаган манзилингга
Етказади, минсанг бас.*

(Ракета)

Топишмоқ мазмуни юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Хўкиздан бошқа яна нимада шохга ўхшаш нарса бўлиши мумкин, сизнингча?

⁵² Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017. –В.9.

2. Отдан бошқа яна нимада эгарга ўхшаш нарса бўлиши мумкин, ўйлаб кўринг-чи!

3. Демак, объект минса бўладиган нарса экан. Ўйлаб кўринг, нима одамни миниши билан бир зумда истаган манзилига етказиб қўйиши мумкин?

2. *Шамолдай учқур,
Йўқ оёғи ва қўли.
Кўзга кўринмас,
Чарогон юрган йўли.*

(Электр токи)

Топишмоқ мазмуни юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Бунча тез юрар объектнинг етакчи хусусияти нима экан, ўйлаб кўринг-чи!

2. Кўзга кўринмаса, қўл-оёғи бўлмаса, қандай қилиб йўлини чарогон – ёруғ қилиши мумкин, нима деб ўйлайсиз?

3. Хусусияти ёритиш бўлган, ўзи шамолдан ҳам тез, учқур бўлган, ҳамма жойни бир зумда ёритадиган нарса нима бўлиши мумкин?

3. *Тагида таглик,
Бошида қалпоқ,
Қалпоқ тагидан
Мўралаб чиқар⁵³.*

(Стол лампаси)

Топишмоқ мазмуни юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Ўйлаб кўринг-чи, қандай нарсаларнинг тагида турғич ўриндиғи бор?

2. Бошида ҳар хил кўринишдаги қалпоғи бор нарса-буюмларни тасаввур қилинг.

3. Қалпоғи асосий хусусияти бўлган, унинг асосий вазифасини

⁵³ <https://ziyouz.uz/ozbek-xalq-ogzaki-ijodi/ozbek-xalq-topishmoqlari/yangi-topishmoqlar/>

беркитиб турадиган, лекин шунга қарамай у қалпоқ тагидан мўралаб бизга ёрдам берадиган нарсаларни тасаввур қилинг.

4. Қалпоқ тагидан мўралаб чиқадиган нарса нима бўлиши мумкин?

Топишмоқларнинг эртак шаклидаги турлари ҳам ўқувчиларни жуда қизиқтириши мумкин.

Масалан: *“Бир бор экан, бир йўқ экан, қадимги замонда бир мақтанчоқ подшоҳ бор экан. Бу подшоҳ, «Юртда мендан бошқа ақлли одам йўқ», деб юрган экан. Бир кун подшоҳ овга чиқибди. Тушгача ов қилибди, ҳеч ови юришмабди. Кейин бир болани учратибди. Подшоҳ болага қараб:*

— Ҳой бола, бизни меҳмон қилмайсанми? — дебди. Бола:

— Жоним билан, ёшулли,— дебди. Шунда подшоҳ:

— Бизларга нима сўйиб меҳмон қиласан? — деб сўрабди. Бола:

— Топсак бирни, топмасак иккени сўямиз,— деб жавоб берибди.

Подшоҳ боланинг жавобидан ҳайрон қолибди. Кейин вазирларига:

— Бу боланинг гапида бир хосият бор, буни бир синаб кўрамиз,— дебди. Подшоҳ одамлари билан боланинг уйига борибди. Бола подшони, унинг одамларини яхшилаб меҳмон қилибди. Подшоҳ боладан:

— Бола, сен нечта қўй сўйдинг? — деб сўрабди. Шунда бола:

— Бирни топмадик, шунинг учун иккени сўйдик,— деб жавоб қайтарибди. Подшоҳ яна таажжубланиб:

— Бирни топмасанг, иккени қаердан топиб сўясан? — дебди.

Подшоҳ боланинг жавобини эшитиб, унинг ақлига ҳайрон қолибди. Кейин уни ўз саройига олиб кетибди. Бу бола ўқиб доно бўлибди, кейин подшоҳ уни ўзига бош вазир қилиб олибди”⁵⁴.

Ўйлаб кўринг-чи, бола подшоҳга нима деб жавоб берган бўлиши мумкин?

⁵⁴ <https://ziyouz.uz/uzbek-xalq-ogzaki-ijodi/uzbek-xalq-topishmoqlari/ertakli-topishmoqlar/>

(Бизнинг бир бўғоз совлиғимиз бор эди. Бошқа бир қўй тополмай шу бўғоз қўйни сўйдик. Ўзини сўйгандан кейин, боласи ҳам ўлди. Ана, иккисини сўйдик, деганнинг маъноси шу — дебди ҳалиги бола.)

Эртақ-топишмоқ мазмуни юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Эртақ-топишмоқдаги боланинг жавобига диққат қилинг: “*Топсак бирни, топмасак иккени сўямиз*”. Сизнингча, бу нимани англатиши мумкин?

2. Меҳмон учун битта нарсани тополмаган одам иккита нарсани қайдан топиши мумкин: мантиқли мулоҳаза юритинг.

3. Боланинг ақллилиги ҳақида сиз ҳам ақлли бўлиб ўйлаб кўринг-чи, сиз нима деб жавоб берган бўлардингиз?

4. Боланинг подшоҳни ҳайратга солган жавоби қандай бўлиши мумкин, сизнингча?

Топишмоқларнинг жавоби топилди дегани муаммонинг ҳам ечими топилди, деганидир. Гап шундаки, топишмоқларнинг жавоби айнан бўлмаслиги ҳам мумкин. Агар ўқувчилар топишмоқлардаги асосий хусусиятлар мавжуд бўлган бошқа бир объектни маълум қилсалар ва у барча хусусиятлари билан топишмоқ матнига мос келса, бундай “топағон” ўқувчилар алоҳида рағбатга муносиб топиладилар. Чунки бу кашфиёт, бу янгилик яратишдир.

Бешинчи синф “Адабиёт” дарслигида халқ оғзаки ижоди намуналаридан иккита эртақ ўрганиш учун тақдим этилган. Улардан бири “**Уч оға-ини ботирлар**” эртаги бўлиб, уни ҳам муаммоли таълим асосида ўрганиш мумкин⁵⁵. Кечагина бошланғич синфни тугатган ва ҳали эртақлар дунёсидан узилиб улгурмаган хаёлпараст болакайларнинг ўрта босқич адабий таълимида ҳам эртақлар билан танишиши, аввало, болалар руҳиятида иккала босқич узвийлиги учун замин тайёрлайди, қолаверса, уларнинг шахс сифатида шаклланишидаги узлуксизликка ҳам асос бўлади.

⁵⁵ Ahmedov S. va boshq. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. I qism. – T.: Sharq, 2015. – B.45–56.

Ўқитувчи асар матнини эртакларни ўқиш оҳангига солиб ўзи ўқиб бериши керак. Эртакни болаларга ўқиттириш методик жиҳатидан тўғри тадбир эмас. Ҳатто ўқитувчининг ўзи ҳам эртакни ифодали ўқишга алоҳида тайёргарлик кўриши шарт. Чунки эртак ўқилиш йўсини билан тингловчиларни ром этиб олсагина, дарс муваффақиятли чиқиши аниқ.

Эртакни ўрганиш учун дастурда уч соат ажратилган бўлиб, асарни ўқиш учун 28–30 дақиқа сарфланади. Қолган вақтда ўқитувчи тарбияланувчиларини матн мазмуни юзасидан тақдим этилган савол-топшириқлар кўмагида аввалдан белгилаб олгани муаммонинг ечими сари етаклайди. Эртак мазмуни асосида белгиланган муаммо ҳақида бешинчи синф ёшидаги болаларни ҳам хабардор қилиб ўтириш шарт эмас. Бу жараёни ўқитувчи ўзи белгилайди, бошқаради ва болаларни муаммо замирига сингдирилган баланд туйғуларни англаш, унинг ечимини топиш сари етаклайди. Ўқувчиларни кузатади ва иштирокига қараб баҳолайди.

Демак, муаммо: **“Оға-иниларнинг подшоҳ саройида маза қилиб, давр-у даврон суриб яшайвермаганлари сабаби ҳақида ўйлаб кўринг. Агар шундай қилишса, нима бўларди?”**

Амалдаги дарсликда эртакнинг мазмуни юзасидан берилган дидактик ашёлар ўқувчиларни матн моҳиятига етарли даражада чуқурроқ кириб бориш имконини бермайди. Шу боис ўқитувчи ўқувчиларни муаммода илгари сурилган фазилатларни фарқлашга етаклаш учун эртак мазмуни юзасидан кўйидаги савол-топшириқлардан фойдалангани мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Эртакнинг “Уч оға-ини ботирлар” деб аталиши сабаблари ҳақида фикрингизни айтинг.

2. “Отанинг ўғилларига айтган: *“Биринчидан, соғлом вужудли қилиб ўстирдим – қувватли бўлдингиз. Иккинчидан, яроғ билан таништирдим – яроғ ишлатишга уста бўлдингиз. Учинчидан, қўрқитмай ўстирдим – ботир бўлдингиз”*,- тарзидаги сўзларига эътибор қилинг. Бу сўзлардаги йигитлар табиатига хос хусусиятлар уларнинг қайси хатти-ҳаракатларида намоён бўлганини аниқлашга уриниб кўринг.

3. Отанинг: “Соғлом вужудли қилиб ўстирдим – қувватли бўлдингиз” деган гапи замирида қандай ҳақиқат бор?

4. “Тўғри бўлинг – беҳавотир бўласиз. Мақтанчоқ бўлманг – хижолатга қолмайсиз. Дангасалик қилманг – бахтсиз бўлмайсиз” тарзидаги насихатига ўз муносабатингизни билдиринг.

5. Оға-иниларнинг ўз саргузаштларини бир-бирларига ҳам дарров айтиб бермаганликлари уларга хос яна қандай фазилатнинг белгиси деб ўйлайсиз?

6. Ботирларнинг бир зўр ишни қойиллатиб қўйиб, бу ҳақда мақтанмасликка ўзларида куч топишини қандай тушундингиз?

7. Кенжа ботирнинг ўғриларни ўз ҳолига қўйиб кетиб қолмаганига қандай қарайсиз?”

8. “Кенжа ботирнинг тадбиркорлиги, топқирлиги, жасурлиги билан эртақ бошида ота томонидан айтилган гаплар ўртасида қандай боғлиқлик бор деб ўйлайсиз?”

9. Ўрдага келган ботирларнинг зиёфат пайтида дастурхонга қўйилган ноз-неъматлар тўғрисидаги фикрларига ҳам ўқувчиларнинг диққати қаратилади: ака-укалар буларни қандай билишди экан?

10. “Қизлар йўқотган тиллаларига гавҳар қўшиб олдилар,”- деган иборани қандай тушундингиз?”

11. Асар мазмуни юзасидан тақдим этилган: “Кенжа ботир ҳикоясидаги тўтига эътибор қилинг. Ваъдага вафо қилиш учун ота-онаси, ака-укалари ва яқинлари, энг муҳими, ўз озодлигидан кечиб келган тўтининг олижаноблигига кўрсатилган оқибатга муносабат билдиринг”.

12. Эртақдаги ва ҳикоядаги шоҳларни бир-бирига солиштиринг. Уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида фикрлашинг.

13. Оға-ини ботирларнинг саройдан кетиш тўғрисидаги қарорига ўз муносабатингизни билдиринг.

Шу масалалар ҳақида ўзаро фикрлашиб бўлишгач, ўқитувчи юқорида белгилаган муаммони: **“Оға-иниларнинг подшоҳ саройида мазза қилиб,**

давру даврон суриб яшайвермаганлари сабаби хақида ўйлаб кўринг. Агар шундай қилишса, нима бўларди?” дея ўқувчилари олдига муҳокама учун кўяди. Агар йигитлар ўз табиатларига, характерлари ва тарбияларига бўйсунмай саройда қолишни ихтиёр этганларида улар бир умр миннат, таъна-дашномлар остида яшашлари, текинтомоқ дангасаларга айланишлари, аёлларининг ҳурмати ва муҳаббатидан мосуво бўлишлари, йигитлик шаъни ва ғуруридан маҳрум бўлишлари мумкин эди. Чунки кишининг моли ҳамиша кирчил бўлади. Меҳнатсиз тотилган нон ҳамиша миннатли бўлади. Улар ҳеч қачон подшоҳ саройида мазза қилиб яшолмасдилар. Албатта, муаммонинг ечими сари бораётган ўқувчилар бундай аниқ фикрларни айта олмаслар, яна ким билади. Лекин ўқитувчи суҳбат йўсинини шу ҳақиқатларга йўналтириши, бунинг учун вазиятга мос ёрдамчи саволларни ҳам ўртага ташлаши мақсадга мувофиқдир. Қўйилган муаммонинг ечими қандай бўлади, буни дарс жараёни кўрсатади, албатта. Лекин шу ҳақиқатлар борасида мулоҳаза юритишга йўналтирилган тарбияланувчилар ҳаётлари давомида бошқачароқ яшашга ундалиши аниқ. Насиҳат қилмай тўғри яшашга йўналтириш, ҳаётий ҳақиқатларни шу тариқа кашф этишга ундаш адабий таълимнинг мақсадига мувофиқдир.

Суҳбат сўнгида: ***“Эртак таҳлилидан сўнг кўнглингизда қандай туйғулар пайдо бўлди? Уларни шарҳлашга уриниб кўринг”*** топшириғи ўқувчиларнинг асарни ўқишдан олган дастлабки ва таҳлилдан кейинги таассуротларини фарқлаб, тасаввурларини тиниқлаштириб олишга кўмаклашади.

Ўқувчилар уй вазифаси сифатида: ***“Кенжа ботир подшоҳга қараб бир ҳикоя айтди...”*** жумласидан кейинги ҳикояни эртакдаги воқеалар ривожига мослаштириб янгидан яратишлари мумкин. Ёки ака-укаларнинг ўз ватанига қайтиб келганларидан кейинги ҳаётларини тасаввур қилган ҳолда ўз асарларини битишлари мумкин. Ёхуд белгиланган муаммонинг иккинчи қисми: ***“...Агар йигитлар саройда қолишса, нималар бўлиши мумкин эди?”*** тарзидаги йўналтирувчи саволга жавоб тариқасида бу ҳақда ўйлаганларини

ёзишга ҳам йўналтириш мумкин. Бу – ўқувчиларнинг имконияти доирасида бажариладиган топшириқлар.

“Уч оға-ини ботирлар” эртагини ўрганишга бағишланган сўнгги соатда ўқувчилар томонидан яратилган эртақлар эшитилиб, уларнинг ютуқ ва камчиликлари таҳлилга тортилади.

Бешинчи синф “Адабиёт” дарслигида халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида тақдим этилган иккинчи эртақ “Сусамбил” эртаги матни билан танишишга биринчи дарснинг 21–22 дақиқаси сарфланади.⁵⁶ Қолган вақт ва иккинчи соат тўлиғича асарнинг таҳлиliga бағишланади. Эртақ матни устида ишлаганда ўқитувчи: “Эртақдаги жониворлар образининг моҳияти”ни, “Сусамбил” адолат қарор топган ва ҳамма бахтли яшайдиган афсонавий юртнинг тимсоли эканлигини, асарнинг тили, ундаги рамзлар ва бадиий ифода хусусиятлари”ни очишга эътибор қаратиши лозим бўлади.⁵⁷

Асар билан таништиришда баъзи ўқитувчилар бадиий асар матнини навбат билан ўқувчиларга ўқитадилар. Бу билан, ўзларича, синфдаги ҳамма ўқувчиларни машғулотга жалб этгандек бўладилар. Асар матни билан биринчи марта танишаётган ўқувчи уни ифодали ўқишни, қайси ўрнига кўпроқ эътибор беришни билмайди, шу сабаб бир хил оҳангда, баъзан ўринсиз тўхтаб, баъзан тутулиб ўқийди. Қолаверса, ўқувчиларнинг ўқиш тезлиги, савияси, ифода усули ҳам ҳар хил. Нотаниш матнни синфдаги ўқувчиларга терма ҳолда ўқитиш ўрганилажак асарнинг бадиий тароватини, таъсир кучини йўққа чиқариб, ўқувчиларнинг асарни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини сусайтириб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўзлаштирилаётган бадиий матнни, махсус тайёргарликдан сўнг, ўзи ўқиб бергани методик жиҳатдан тўғри бўлади.

Ўқиш жараёнида ўқувчилардан ўз дарсликларидан матнни ўқитувчи билан бирга кузатиб, ўқиб боришлари талаб қилиниши лозим. Бу, ўз навбатида, ўқувчиларнинг кўзларини тез ўқишга, қулоқларини ўқиб олишга,

⁵⁶Ahmedov S. va boshq. Adabiyot. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. I qism. – T.: Sharq, 2015. –B. 58–70.

⁵⁷Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017.

ифодали ўқиш оҳангига мослашиб боришига ўргатади. Мутолаа давомида ўқувчилардан уларнинг руҳиятига ўрнашиб қолиши лозим деб топилган сўз ва иборалар, бадий асарнинг тилига хос бўлган бетакрор жиҳатларни китобларида белгилаб қўйишни сўраш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчи асар матни билан ишлаганда, мана шу белгиланган ўринларни осонгина топадилар ва эътибор қаратадилар. Белгиланган сўз ёки ибора диққат билан ўқиб ўтилса, ўқувчининг шуурида чизги қолдиради. Ўз вақтида назарга тушган бу чизги маънавий камолот учун аҳамиятли бўлиши табиий.

Матн ўқиб бўлингач, ушбу асарни ўрганишни **таққослаш методи**дан фойдаланган ҳолда муаммоли шаклда ташкил этиш мумкин:

Муаммоли савол: “Ватанимиз Ўзбекистон қайси жиҳатлари билан Сусамбилга ўхшайди?” Мазкур муаммо ҳозирча ўз ҳолида қолдирилади. Унинг ечими сари бориш учун аввал асар матни таққослашга йўналтирилган савол ва топшириқлар кўмагида дидактик таҳлилга тортилади.

Бадий асар матни устида иш бошланганда, аввало, эртақдаги тимсоллар таққосланади. Дастлаб ўқувчиларнинг диққати эшакнинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборган сабабни аниқлашга қаратилади: “Эслаб кўринг-чи, эшакнинг тақдирини кескин ўзгартириб юборган нарса нима?” Ўқувчилар эшак тақдирининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлган омилларни матндан излай бошлайдилар. Эшакнинг ҳеч қизганмай, ўз емишидан ҳўкизга бериши тақдирининг кескин ўзгаришига сабаб бўлгани, шу иши учун эгаси томонидан жазоланишига ўқувчилар муносабат билдирадилар. Бу жараёнда ўқувчилар уларнинг ҳар иккиси: инсон ва эшакка хос бўлган феъл-атворни таққослайдилар. Таққослаш асносида икки тимсол табиатига хос бўлган яхши ва ёмон сифатлар очилиб, уларга ўқувчилар томонидан муносабат билдирилади. “Эшакнинг шунча қийинчиликларга қарамай ҳўкиздан нолимаганини қандай тушунтириш мумкин? Бу унинг характеридаги фазилатми ёки камчилик?” деган савол ҳам ўқувчиларнинг тафаккурини чархлайди. Кимдир буни ютуқ деб ҳисоблар, кимдир камчилик деб билади. Муҳими, ҳар бир ўқувчи нега шундай деб ўйлаганини асослаши керак.

Бу савол юзасидан фикрлар якунига етгач, таққослаш объекти сафига хўроз ҳам кўшилади, хўкиз, эшак ва хўрознинг ҳаёти қиёсланади, уларга одамларнинг муносабати ҳақида фикрлашилади. Сўнг ўқувчиларнинг диққати ҳайвонларнинг уйдан қочишига, одамлардан бешишига сабаб бўлган омилларни аниқлашга қаратилади. Ўқувчиларнинг олдига: “Одамларнинг ҳайвонларга шундай муносабатда бўлишига асос бўладиган сабабларни топинг. Нега одамлар шундай қилишади?” тарзида масала қўйилса ва болалар бунга муносабат билдирсалар, дарс самарали бўлади.

“Эшак, хўроз, хўкиз-ку одамларнинг ўзларига адолатсиз муносабатидан бешиб, Сусамбилни излаб йўлга чиқишибди. Каламуш ва ариларни қочқинлар тўдасига қўшган омил ҳақида фикр юритинг” топшириғи ўқувчиларни матнга қайта мурожаат қилишга мажбур қилади. Бу жараёнда яна таққослаш ишлари амалга оширилади. Каламушлар билан ариларни Сусамбилга кетишга мажбур қилган асосларни жиддий излаган ўқувчи матндан топади. Чунки бу сабаблар эртақда алоҳида кўрсатилган. Фақат бу сабабни ўқувчи китобдан ўқиб бермай, ўз сўзлари билан ифодалаб беришига эришиш керак бўлади. Шундан сўнг ўқувчилар ҳайвонларнинг бирлашишига яна қандай сабаблар борлигини ўйлаб кўрсинлар. Бу саволга ҳам матнда тайёр жавоб йўқ. Ўқувчилар мустақил мулоҳаза юритиб, асар мазмунидан хулоса чиқариб ўз фикрларини айтишлари керак бўлади.

Ўқитувчи томонидан: “Сусамбил юрти аслида борми ёхуд аҳиллик, бир-бирини тушунишга, ўрни келса, кечиришга, зарур бўлса, ёрдам беришга тайёрлик туйғуси ҳар қандай жойни ўшандоқ бахтлар водийсига айлантирадимми? Ундай бўлса, қочқинлар бориб қолган жой қандай ер?” деган мантиқли масалалар ўқувчиларнинг руҳиятини мувозанатдан чиқариши табиий. Эртақда кўтарилган аҳиллик, самимийлик, ўзаро оқибат, бир-бирини тушуниш, аяш, зарур бўлганда кўмаклашиш, кечиримли бўлиш каби инсоний фазилатлар ҳақида гап кетганда, ўқитувчи насиҳатгўйлик қилмагани маъқул. Шундай сифатларга эга бўлган кишиларгина Сусамбилдай озод ва обод мамлакатни бунёдга келтира олишлари, ўзлари

унда фаровон ҳаёт кечиришга муносиб эканликлари ҳақидаги хулосани саволга жавоб бериш асносида ўқувчиларнинг ўзлари чиқаришлари адабий таълимнинг мақсадига мувофиқ бўлади. Ўқитувчининг вазифаси тарбияланувчиларини шундай ҳақиқатларга йўналтиришдан иборатдир. Мана шу ҳақиқат ҳар қандай маъруза-ю насихатлардан кўра самаралироқ натижа беради.

Бундан ташқари, ўқитувчи вақтига қараб ўқувчиларини мустақил мулоҳаза юритишга ундайдиган:

“Эртақда айб қилганни кечириш, оғир кунда сабр-тоқатли бўлишга ундаш сингари фикрлар қайси ўринларда кўзга ташланади?

Мақтанчоқ бўриларга хос жиҳатларни кўрсатинг. “Уч оға-ини ботирлар” эртагидаги отанинг болаларига насихатида айтилган қайси иллат билан бўриларнинг керилишлари ўртасида боғлиқлик бор деб ўйлайсиз?

1. Аслида бўриларга қараганда анча ожиз бўлган жониворларнинг кудрати нимада эканлигини тушунтиринг.

2. “Азроил”, “тўрков”, “сўфи”, “эшон” тимсолларини таққосланг. Ҳар бирининг тутган тутуми уларнинг бўрилардан қутулиб қолишида қанчалик аҳамиятли экани ҳақида ўйлаб кўринг.

Ҳар бир жониворга тавсиф беринг ва уларни эртақда тасвирланган одамлар билан солиштиринг. Қай бири сизга маъқулроқ? Нима учун?” сингари ёрдамчи савол-топшириқларни ўртага ташлаши ўқувчиларнинг асар моҳиятини чуқурроқ англашларига кўмаклашади.

Ўқитувчи ўқувчиларини инсонга хос фазилят ва иллатлар устида ўйлаб кўришга йўналтириши лозим.

Эртақ мазмун-моҳияти устида ишлаб бўлингач, ундаги етакчи ғоялар билан боғлиқ яратилган муаммоли савол ўртага ташланади: **“Ватанимиз Ўзбекистон қайси жиҳатлари билан Сусамбилга ўхшайди?”** Бу савол ростдан ҳам муаммоли. Гап шундаки, бугунги бешинчи синф ўқувчилари кунда-кунора уйда катталардан, кўча-кўйда атрофдагилардан, интернет, радио ва телевидение маълумотларидан мамлакатдаги ҳар хил сиёсий,

ижтимоий, маданий-маърифий муаммолар билан бирга ижобий ҳодисалар, айрим жабҳаларда эришилган ютуқлар ҳақида эшитиб юришади. Ўқувчиларнинг мана шу ахборотлар орасидан Сусамбилдаги ҳаётга монанд яхшиликларни топа билиши, камчиликларни қандай бартараф этиш ҳақида мулоҳаза юритишлари уларни лоқайдликдан қутқариши, атрофларидаги воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслигини англайди. Ўз ватанини Сусамбилдек тўкин-сочин, фаровон бўлишини истайди ва бу истак келажакда маълум мевасини бериши ҳам мумкин.

Дарс сўнгида: ***“Инсон табиатидаги қайси феъл-атвор ва туйғуларни фазилат деб, яхши сифатлар деб атаймиз-у қайсиларини камчилик, иллат, ёмон сифатлар деб биламиз? Нега бу сифатларнинг бири яхши-ю иккинчиси ёмон? Буни бизга ким белгилаб берган? Бу сифатларнинг қайси бирини эгаллаганимиз маъқул ва буни ким баҳолайди? Бу борада катталарнинг жазолаши ёхуд мақташи кифоями ёки фазилатли ёинки иллатли бўлишнинг бошқа оқибатлари ҳам борми?”*** сингари саволларни алоҳида қоғозга ёзиб ҳаммага тарқатиш, кейинги дарсда шу ҳақда суҳбатлашишларини маълум қилиб уйда катталар билан биргаликда ўйлашиб кўришни тавсия этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шулар ҳақида ўйлаб кўрган, бу ҳақда ота-онаси, бобо-бувиси билан маслаҳатлашган бола лоқайдлик иллатидан йироқ бўлади.

Иккинчи дарснинг охирида уй вазифаси сифатида ўқувчиларга эртақнинг “Сусамбилга келиб кўп роҳатланиб қолишибди...” деган жойидан бошлаб иккинчи, учинчи тугашини тўқиб келишни ихтиёрий уй вазифаси сифатида топшириш мумкин. Бу ўқувчилар учун ёқимли машғулот бўлибгина қолмай, уларнинг хаёлпарастлик, ижодий ва мустақил фикрлаш қобилиятларининг ўсишига ҳам кўмаклашади.

Кейинги дарсда ҳар иккала топшириқнинг муҳокамаси амалга оширилади ёки бунинг учун дарсдан ташқари алоҳида вақт ажратилади. Бу кўшимча дарсга топшириқни бажариб келган болалар ҳеч малолланмай келадилар ва бу кўшимча дарс энг самарали дарслардан бири бўлиши аниқ,

чунки у – ижод дарси. Истеъдодларни намоёиш этиш дарси. Бу ёқимли, канча ёқимли бўлса, маънавий камолот учун шунча фойдали иш туридир.

Халқ оғзаки ижоди намуналарига 6-синфда ҳам мурожаат қилинган. 6-синф «Адабиёт» дарслигида халқ кўшиқлари ўрганиш учун тақдим этилган бўлиб, улар устида ишлашнинг дастурий талқини қуйидагича: “*Кўшиқ халқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган жанрларидан бири сифатида. Уларнинг турлари. Лирик кўшиқларда инсон ҳис-туйғуларининг ифодаланиши. Мавсум кўшиқларида халқимиз эътиқодий қарашларининг, шунингдек, болаларнинг йил фаслларига бўлган муносабатларининг куйланиши*”⁵⁸.

Маълумки, халқ кўшиқлари замирида ҳаётий ҳақиқатлар, яратувчининг орзу-истаклари ўз аксини топган бўлади. “Бойчечак” кўшиғи ҳам шундай битиклардан биридир. Ўқитувчи бу кўшиқни кўшиқ шаклидаги намунасини тақдим этгани дарсининг самарадорлигини таъминлайди⁵⁹:

*Бойчечаким бойланди,
Қозон тўла айронди.
Айронингдан бермасанг,
Қозон-товозинг вайрондир.*

*Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,
Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак.*

*Бойчечакни тутдилар,
Тут ёғочга осдилар.
Қилич билан чопдилар,
Бахмал билан ёндилар.*

Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак,

⁵⁸ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017.

⁵⁹ ГРУППА ЯЛЛА. Бойчечак. [www.youtube.com > watch](http://www.youtube.com/watch)

*Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак*⁶⁰.

Кўргазмали материал сифатида бойчечакларни компьютер орқали суратини ҳам намойиш этиш мумкин⁶¹. Ўқувчиларда бойчечак ҳақида тўлиқ тасаввур пайдо қилгач, қўшиқ матнини дидактик таҳлилга тортиш учун ўқувчиларга қуйидаги бир қатор савол ва топшириқлар билан муурожаат қилинади:

1. Бойчечак қандай гул ва у ҳақда нималарни биласиз? У нимаси билан халқнинг эътиборига тушган деб ўйлайсиз? Халқ у ҳақда бекорга қўшиқ қилмагандир, нима дейсиз?

2. Айрон нималигини биласизми? У қандай тайёрланади? Билганингизни ўртоқларингизга ҳам айтиб беринг.

3. Ўйлаб кўринг-чи, бойчечак билан айроннинг бир-бирига қандай алоқаси бўлиши мумкин? Агар бор бўлса, буни қандай асослаш мумкин, сизнингча?

4. Бойчечакнинг қаттиқ ерни қаталаб чиқишини қандай тасаввур қиласиз?

Маълумки, бойчечак баҳорнинг илк гули. Ер юзидан ҳали қор кетиб улгурмай кун тушган жойларда қор тагидан бўртиб чиқиб гуллайди. Мана шу хусусияти унинг ҳақида қўшиқ битишга асос бўлгандир, балки. Савол ва топшириқлар кўмаги асосида ташкил этилган суҳбат асносида мана шу йўналишда фикр юритилади. Баҳорнинг илк кунларидан далаларда ўт-ўланлар бўй кўрсатади. Сигирларнинг оғзи кўкка, элнинг оғзи эса оққа – сутга етишади. Айроннинг сабабчиси шу. Шу ҳақиқатлар кашф этилгач, қўшиқнинг иккинчи тўртлиги ўз мазмун-моҳияти билан муаммога айлантирилади: **“Бойчечак нима учун ўлимга маҳкум этилди?”** Қўшиқнинг иккинчи банди ўз мазмун-моҳияти билан ҳақиқатан ҳам

⁶⁰ Ahmedov S. ba boshq. Adabiyot. Q. 2. – T.: «Ma'naviyat», 2017. – B.25.

⁶¹ <https://ru.flowerbulbs.info/3060/snowdrops-alias-a-early-birdsa>

муаммоли. Сухбатдошлар шулар ҳақида мулоҳаза юритиб, ўз имкониятлари доирасида муаммонинг ечимини топадилар. Шу билан дарсга якун ясалади.

Дарсликда тақдим этилган халқ кўшиқларидан яна бири «**Бошгинам оғрийди**» деб номланувчи она ва қиз ўртасидаги диалог шаклидаги кўшиқдир.

– *Онажон, онажон!*

Бошгинам оғрийди-я.

– *Бошгинангдан онанг айлансин,*

Нималарга оғрийди-я?

– *Бозорларда бўлар экан,*

Заргарларда турар экан,

Унинг оти тиллақош,

Ўшанга оғрийди-я!

– *Онажон, онажон!*

Бўйнигинам оғрийди-я.

– *Бўйнигинангдан онанг айлансин,*

Нималарга оғрийди-я?

– *Бозорларда бўлар экан,*

Заргарларда турар экан,

Унинг оти бўйинтумор,

Ўшанга оғрийди-я!

– *Онажон, онажон!*

Қулогим оғрийди-я.

– *Қулоққинангдан онанг айлансин,*

Нималарга оғрийди-я?

– Бозорларда бўлар экан,
Заргарларда турар экан,
Унинг оти олтин сирга,
Ўшанга оғрийди-я!⁶²

Ўқувчиларини кўшиқ матни билан таништириб бўлгач, ўқитувчи уларга қуйидаги бир қатор савол ва топшириқлар билан мурожаат қилади:

1. Ўйлаб кўринг-чи, онага бундай талаблар билан мурожаат қилаётган суҳбатдош ким? Сиз буни қандай аниқладингиз?
2. “Тиллақош” нима эканини биласизми? У қандай тақинчоқ?
3. «Бўйинтумор»нинг ҳозирги шакли қандай, сизнингча?
4. Қиз бола нима учун бу заргарлик буюмларини «олиб беринг» деб талаб қилмасдан ҳар хил сабаблар ўйлаб топяпти, сизнингча?
5. Бу ўзбек қизларига хос бўлган қандай фазилатдан далолат беради?
6. Нима деб ўйлайсиз, она қизига сўраган тақинчоқларини олиб берадими?

Ҳамкорлар шу савол ва топшириқлар устида ишлаб бўлишгач, ўқитувчи қуйидаги муаммоли саволни ўртага ташлайди: **«Бу кўшиқнинг яратилиш сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг».**

Ўқувчилар бунга сабаб қилиб халқнинг камбағаллигини кўрсатишар, кимдир «қизларнинг орзуси ифодаланган» дер. Нима бўлганда ҳам, муҳими, уларнинг бу ҳақда ўйлашлари, ўз ҳақиқатларини излашларидир.

2.2-§. 7-синфларда халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли метод асосида ўрганишдаги ўзига хосликлар

Умумий ўрта таълим мактаблари адабиёт дарсларини муаммоли шаклда ташкил этишда юқорида санаб ўтилган бир қатор методлар сингари **дидактик таҳлил методи** ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Гап шундаки, адабиёт дарсларида ўқитишнинг қайси методидан фойдаланилмасин, қайси

⁶² Ahmedov S. ba boshq. Adabiyot. Q. 2. – T.: «Ma’naviyat», 2017. –B. 27.

таълим (муаммоли таълим, модулли таълим, ҳамкорликдаги таълим ва ҳ.к.) турида иш олиб борилмасин, барчаси замирида асарлар таҳлили ётади. Адабиёт дарсларида, у мактабгача адабий таълимдан тортиб то олий адабий таълимгача барчасининг мазмуни асарлар таҳлили билан чамбарчас боғлиқдир. Фақат ҳар босқичда таҳлилнинг ҳар хил туридан фойдаланилади. Масалан, болалар боғчалари, бошланғич синфлар ва ўрта синфлар босқичида дидактик таҳлил турига таянилади. Олий адабий таълимда эса асарларнинг бадиий-филологик таҳлили устуворлик касб этади. Проф. Қ.Йўлдошев таҳлил турлари ҳақида гапириб дидактик таҳлилга шундай таъриф берган: *“Ўқув (дидактик) таҳлили жамоа шаклида амалга оширилиб, бадиий асарнинг ҳозирги ҳаётий ва бадиий мантиғи ҳамда эстетик ўзига хослигини англаш орқали ўқувчиларда эзгу маънавий сифатларни шакллантиришига йўналтирилган эстетик-педагогик фаолиятдир”*⁶³. Асарларнинг бундай ўқув-дидактик таҳлили маълум машғулот ёки дарс жараёнида тарбияланувчи ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, интеллектуал имкониятларига мослаштирилган ҳолда амалга оширилади.

Адабиётларда асарларнинг дидактик таҳлили қуйидаги уч усулда амалга оширилиши мумкинлиги айтилган:

- а) текстуал (матн асосидаги) таҳлил;
- б) образлар асосидаги таҳлил;
- в) муаммоли ўқув таҳлили⁶⁴.

Дидактик таҳлилнинг текстуал шаклида бадиий матннинг эстетик моҳиятига эмас, балки унинг қурилиш тартибига, матн мантиғи, унинг ички тартибига таянган ҳолда асар замиридаги етакчи ғоя, асосий маъно ва бадиий жозиба ўқувчилар билан биргаликда кашф этилади.

Дидактик таҳлилнинг бадиий асардаги образларга таяниб амалга ошириладиган турида ўқитувчи-ўқувчиларнинг эътибори битикдаги тимсолларга, уларнинг хатти-ҳаракатлари, туйғулари тасвирига қаратилади

⁶³ Йўлдош Қ., Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари. – Т.: “Камалак” нашриёти, 2016. – 264 б.

⁶⁴ Ступина В. Н. Методика анализа художественного произведения. – Курган, ИПКПРО, 2005. – С.11.

ва матннинг бадиий жозибаси образлар руҳиятини англаш асносида очилади. Бу йўналишда амалга ошириладиган таҳлилда ўқувчилар анча фаол иштирок этишади.

Асарлар дидактик таҳлилининг муаммоли шакли муаммоли таълимнинг асоси бўлиб, унда ўқитувчи тарбияланувчилари олдида бадиий асар матнidan келиб чиққан ҳолда бадиий ёки ҳаётий муаммо қўяди ва савол-топшириқлар кўмагида ўқувчиларни уларнинг ечими сари йўналтиради.

Бадиий матннинг муаммоли таҳлили жараёнида ўқувчилар фақат ўзлари билган тушунчалардан фойдаланиб қолмай, бир қатор янги эстетик-манتيкий билимларни мустақил ўзлаштириб олишга ҳам мажбур бўлишади. Бу ҳақда юқорида батафсил фикр юритилган.

Дидактик (ўқув) таҳлилда ўқувчилар адабий тимсолларни ўз тақдири ва ўзига хос табиатига эга тирик кишилар тарзида қабул қилишларига эришиш мақсадга мувофиқдир. Шундагина, бу тимсоллар туйган туйғулар, уларнинг шодлигу қайғулари тарбияланувчиларга ҳам “юқади”, яъни ўз таъсирини кўрсатади. Айни замонда, уларнинг тарбияланиши ва ривожланишига ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Бадиий асарлар дидактик таҳлили мобайнида тимсолларнинг ижобий ва салбий каби бир-бирига зид гуруҳларга ажратилишига йўл қўймаслик, ҳар бир бадиий тимсолни ўзи қарама-қарши табиатли кишилар нуқтаи назаридан тўғри баҳолашга эришиш лозимлиги бугунги методика илмида алоҳида аҳамият касб этади⁶⁵. Ўқувчиларга атрофдаги одамларни жўнгина яхши ёки ёмонга ажратиш мумкин эмаслиги, ҳар бир киши табиатида ижобий ва салбий сифатлар мавжудлиги, мукамаллик фақат Яратганга хослиги бадиий тимсоллар мисолида, уларнинг хатти-ҳаракатлари, тутумлари таҳлили асносида англашиб борилади.

Адабий таълимда бадиий асарларни дидактик таҳлилга тортишда:

⁶⁵ Болтаева А.Т. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни бадиий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатиш технологияси. Педагогика... фалс. докт. (PhD) дисс. – Т., 2018. –Б.43

–асарлар мазмунини таҳлил қилиш ва тўғри, тез, онгли, ифодали ўқиш малакаларини шакллантиришни бир тизимга солишга эришилади;

–бадий битикларнинг ғоявий асослари ва мавзусини, унинг образлари, сюжет чизиғи, композицияси ва тасвирий воситаларини тушуниш ўқувчиларнинг шахс сифатида умумий камол топишига яхши хизмат қилишига, шунингдек, боғланишли нутқининг ўсишига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатилади;

–ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибасига таяниш асар мазмунини онгли идрок этишнинг асоси ва уни таҳлил қилишнинг зарурий шарти экани устуворлик қилади;

–ўқувчиларнинг билиш фаолиятини такомиллаштириш, атроф-муҳит ҳақидаги билимларини кенгайтириш ва илмий дунёқарашларини шакллантириш ҳамда бойитиш асосида таҳлил қилинишига самарали воситаси сифатида ёндашилади.

Лекин дунё миқёсидаги тараққиётнинг тезлиги туфайли бир қатор метод ва усуллар бугун адабий таълим олдига қўйилаётган талабларга тўлиқ жавоб беришга қодир бўлмай қоляпти. Бундан мустасно тарзда бадий асар дидактик таҳлили самарадорликнинг муҳим омиллардан бири бўлиб, унинг ўқувчиларга ҳиссий таъсири диққатга сазовордир. Дидактик таҳлил жараёнида ўқувчилар муаллиф назарда тутган етакчи фикрни тушунибгина қолмай, уни инсон сифатида ҳаяжонлантирган ҳақиқатлар, воқеа-ҳодисаларни туйишлари, китобхон сифатида ҳаяжонланишлари, бадий асар ўқиш ва унинг устида ишлашдан завқ ола билишлари маънавиятларининг соғломлашувида муҳим аҳамият касб этади. Адабий таълим жараёнидаги бадий матнларнинг дидактик таҳлили асносида ўқувчиларда мустақил фикр пайдо бўлиши, муносабат уйғониши, муаллиф қайд этган ёки ўқитувчи назарда тутган далилларга тўғри келиш-келмаслигидан қатъи назар, ўз қарашларини белгилаб олиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу маънода адабиёт дарсларини муаммоли ташкил этишда асарлар устида ишлашнинг

дидактик таҳлил турига таяниш ҳам бу борада самардорликка эришиш гаровидир.

Муаммоли адабиёт дарсларини ташкил этишда **баҳс-мунозара методи** ҳам мазкур таълимнинг асоси ҳисобланади. Бу метод замирида ҳам дидактик таҳлилнинг унсурлари ётади. Мунозара – бу ўқувчилар мустақил ўқиш фаолиятининг энг батафсил шакли, ўқитишнинг муаммоли характердаги энг ёрқин намунасидир. Ҳар бир дарсни баҳслар, тортишувлар, фикрлар тўқнашуви тарзида олиб бориш шарт эмас. Лекин мунозара элементлари асосида дарснинг кулминациясини яратиш муҳимдир.

Баҳс-мунозара – бу мулоқотнинг энг муҳим шаклларида бири, баҳсли масалаларни ҳал қилиш усули ва билишнинг ўзига хос усулидир. Бу ўқувчига тўлалигича аниқ бўлмаган ва ҳали ишончли асоси топилмаган нарса ёки ҳодисани яхшироқ тушунишга имкон яратади. Муҳокама иштирокчилари дарс якунида бир қарорга келиша олмаган тақдирда ҳам, мунозара давомида кўйилган муаммонинг моҳиятига чуқурроқ кирадилар ва, албатта, яхшироқ тушунишга эришадилар.

Муаммоли таълимда амалга ошириладиган муҳокамаларнинг яна бир фойдаси шундаки, у субъективлик (бир кишининг қарашлари ҳокимлиги)ни камайтиради. Бирор шахс ёки одамлар гуруҳи қарашларини онгли равишда кўллаб-қувватлаш ёки уни рад этиш билан маълум бир адабий-бадий ҳамда ҳаётий ҳақиқатларни кашф этиш имконияти яратилади.

Муҳокама – бу ўз навбатида бир-бирлари билан алоқа қиладиган бир нечта шахслар томонидан билдирилган бир қатор баёнотлар. Муҳокама баёни худди шу мавзу ёки мазмунга тегишли бўлиши керак. Бу ўқувчилараро зарур бўлган фикрий бирдамликни ҳам таъминлайди.

Муҳокаманинг мақсади муҳокама қилинаётган муаммоли масала бўйича иштирокчилар ўртасида маълум даражада келишувга эришиш ҳамдир.

Аввал муаммоли дарсда юқори самардорликка эришиш учун зарур бўлган шартлар аниқлаб олинади:

- 1) баҳс (диспут) чинакам ижодий мунозара характерида бўлиши керак;
 - 2) сунъийликка йўл қўймаслик учун мунозара тарбияланувчилар учун қизиқарли ва тушунарли бўлган мавзу асосида белгиланиши керак;
 - 3) баҳс-мунозарада иштирок этиш том маънода ихтиёрий бўлиши керак;
 - 4) баҳс мавзуси ҳақиқатан ҳам муаммоли бўлиши керак;
 - 5) ўқувчилар «рақиб» ролини ўйнаганида, тортишувлар фақат ўрта мактаб ўқувчиларини безовта қиладиган даражада бўлиши мақсадга мувофиқдир;
- б) саволларни олдиндан шакллантиришни ўқувчиларнинг ўзлари ҳам амалга оширишлари мумкин ва ҳ.к.

Адабиёт ўқитишдаги муаммоли таълимнинг асоси бўлган дарс-мунозара ўқувчиларни фаоллаштириш шаклларида бири бўлиб, ўқув предмети сифатида адабиётга, бадиий асар ўқишга қизиқишни ошириш воситаси ҳамдир. Баҳс-мунозара оғзаки нутқни ривожлантиради, мулоқотга ўргатади, тарбияланувчилар ижодий мустақиллигини рағбатлантиради. Иштирокчиларни ташвишга солаётган муаммо бўйича мафкуравий баҳс ахлоқий ишончни шакллантиришга, фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга ҳам ёрдам беради.

Ишнинг шакли сифатида баҳс-мунозаранинг хусусияти айнан полемик (ўз нуқтаи назарини асослаш учун бўладиган мунозаралар хилма-хиллиги) бўлгани учун ҳам иштирокчилар олдида турган муаммоли масалани ҳал қилиш усули сифатида, мавзуни шакллантиришнинг ўзи мунозара эҳтимолини ўз ичига олиши мақсадга мувофиқдир.

Баҳс-мунозара дарслари: биринчи навбатда, у ёки бу асарнинг ўқувчилар томонидан олдиндан ўқилиши, уларнинг бир қатор саволларига жавоб топишлари ва турлича муносабатнинг пайдо бўлишига; иккинчидан, тарбияланувчилар асар мазмуни юзасидан пайдо бўлган бир қатор саволларга (агар мавжуд бўлса) жавоблар билан танишиб, персонажлар, вазиятлар ёки асар ҳақида ноаниқ хулоса чиқаришларининг олдини олишга; учинчидан,

ўқувчиларнинг ўз фикрларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш қобилиятлари, адабий асар ҳақида оқилона ва ишончли фикр юритиш кўникмасини эгаллашларига жавоб берадиган дарс шаклидир.

Ушбу фаолиятнинг самарадорлигига баъзан баҳс-мунозара жараёнини олдиндан кўриб чиқишнинг қуйидаги қоидалари ёрдам бериши мумкин:

1. Баҳсда иштирок этишдан олдин, нима ҳақида гаплашишни ўйлаб кўринг. Мунозарада асосий нарса – тортишувлар, мантикийлик ва ишонтириш.

2. Ҳалол баҳслашинг, дўстингизнинг фикрлари ва сўзларини бўлманг.

3. Эсда тутингки, далиллар ва эътирозларнинг энг яхши усули бу қатъий факт-далиллардир.

4. Ўз фикрингиздан орқада қолманг, аниқ, содда ва раво гапиринг.

5. Дўстингизнинг фикрини ҳурмат қилинг. Агар қарашларингиз нотўғри эканлигини англасангиз, буни тан олишга одатланинг.

6. Тақдимотингизни яқунлашга, керакли хулосаларни тўғри шакллантиришга одатланинг.

Шу билан бирга, дарсдаги баҳс-мунозара адабий эканлиги унутилмагани маъқул: мунозарага қўйилган муаммони муҳокама қилиш пайтида бадий матн албатта овоз чиқариши – устувор бўлиши керак. Адабий баҳс ўз номини оқлаши, адабиёт ҳақида беҳуда суҳбат бўлмаслиги керак.

Баҳс мавзуси ҳар бир ўқувчи учун шахсан аҳамиятли бўлиши керак, бу жараёнда эътиқоднинг шаклланиши ҳақида деярли гапириш мумкин эмас. Шунинг учун, кўпинча, ўқувчилар томонидан тавсия этилган мавзулар танланиши мақсадга мувофиқдир.

Албатта, бундай иш ўқувчилар кўрқмасдан ва ўз фикрларини айтишганда, фақат ўзаро ишонч муҳитида амалга оширилиши мумкин. Дарс-баҳслар якуний аҳамият касб этганда, аввалги дарсларнинг бутун тизимини ўқувчилар қандайдир муҳим ахлоқий муаммо бўйича айтадиган гаплари асосига қуришлари керак бўлади. Ўқитувчи учун бундай баҳс-мунозара

дарсларига бевосита тайёргарлик мунозаранинг мақсадини белгилашдан бошланади. Ўқитувчи ушбу мақсадни ўқувчилар олдига жуда аниқ ҳолда қўя билиши керак бўлади. Дарс-мунозара методи ўқитувчидан аниқ режалаштиришни, илгари ўрганилган материал билан янгиси ўртасида мантиқий алоқаларни ўрнатишни талаб қилади.

Ҳар бир ўқувчи ушбу муаммо бўйича унга яқинроқ бўлган баёотни танлайди, шунинг учун болалар ўзларининг ишончларига кўра мустақил равишда гуруҳларга бўлинишади, уларнинг ҳар бири матн асосида ўз нуқтаи назарини асослаши керак бўлади.

Баҳс-мунозара учун тавсия этилган муаммоли савол ёки топшириқнинг йўналиши дарс иштирокчилари ўз позицияларини белгилаб олишлари учун аниқ бўлиши, адабиётнинг ўзига хос хусусиятларига, мақсадига мос бўлиши тақозо этилади.

Адабиёт дарсларида бадиий асар мазмуни юзасидан қўйилган муаммоли масала мазмуни ва шаклининг ноаниқлиги полемик (мунозаралар хилма-хиллиги) шароитига салбий таъсир кўрсатади, баҳс-мунозара иштирокчилари олдида турган муаммоларни тўғри ва пишиқ ҳал қилинишига имконият яратилмайди.

Баҳс-мунозара жараёнида ҳукмлар ва баҳоларни шакллантириш тобора асосли, батафсил ҳамда такомиллашган бўла боради. Полемиканинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у баҳс иштирокчиларини ўзгаларнинг бири-бирига мос келмайдиган фикрларини фарқлаш ва ўз қарашларини аниқ белгилаб олишга мажбур қилади.

Адабиёт дарсларида ватанпарварлик, когнитив фаолиятга эҳтиёж, узлуксиз ўз-ўзини тарбиялаш зарурати, ҳиссий сезгирлик, эстетик дид, ахлоқий асослар, ҳурмат ва ишга тайёрлик каби муҳим фазилатларни тарбиялашга ҳаракат қилинади.

Баҳс-мунозара дарслари – бу, аввало, мулоқот, ўқитувчи ва ўқувчининг ижодий фаолияти, маънавий тенглик дарсларидир. Шунинг учун ўқувчиларга

бериладиган муаммоли масалалар нафақат ўқувчи, балки ўқитувчининг ўзи учун ҳам долзарб аҳамият касб этмоғи лозим.

Тарбияланувчиларнинг ҳар доим ҳам умумий бир фикрга, яхлит хулосага келишлари унчалар ҳам тўғри эмас, албатта. Асосийси, улар ўзларининг фикрларига эга бўлишлари, буни тажрибадан ўтказишлари, қарашларини ҳимоя қилишлари мақсадга мувофиқдир. Ва айнан шундай дарслар унутилмас бўлиб қолади. Уларда талабалар нафақат билим, кўникмаларни эгаллайдилар, балки ўзларининг “мен”ларини ҳам очиб беришади.

Айни замонда, ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг алоҳида мўъжиза эканлигига ва барча тарбияланувчилар қобилиятли эканлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қилади.

Шундай қилиб, муаммоли дарслар кўп ҳолларда ўқитишнинг самарали воситаси экани, уларда нутқ, нотиклик санъатига ҳам онгли муносабат шаклланиши, саводхонликнинг ривожланиши ва эркин шахс тарбияси таъминланиши гаровидир.

Жамиятда пайдо бўлаётган: бошқача фикрларга тоқат қилмаслик, фикрлашнинг белгиланган стереотипларига ўхшамайдиган ҳамма нарсани рад этиш каби муаммоларни мустақил равишда ҳал қилишга қодир, ўзини ўзи англаш ва ижод қилишга тайёр, мустақиллиги ва масъулиятини ҳимоя қилишга масъул, шу билан бирга дунёнинг бир ўлчовлилиги билан намоён бўладиган ахлоқий бузилишлардан холи бўлган, доимо тўғри бўлиш истагида яшайдиган эркин шахсни тарбиялашга эришилади.

Адабиёт дарсларида шакллантирилган бундай кўникмалар шаклланиб келаётган шахс учун ҳаётини вазиятларда фойдали бўлади: мунозарани олиб бориш, ўз эътиқодларини ҳимоя қилиш, улар учун баҳслашиш ва таҳлил қилиш қобилиятининг шаклланиши ҳамда ривожланишига асос бўлади.

Муаммоли таълимга хос бўлган баҳс-мунозара методи назарий қарашларининг амалий намунасини умумтаълим мактаблари 7-синф ўқувчиларига мўлжалланган «Адабиёт» дарслиги «Халқ оғзаки ижодидан»

рукнида тақдим этилган «Равшан» достони мисолида қуйидагича ташкил этиш мумкин⁶⁶. Достондан олинган парчани ўрганиш учун дастурда тўрт соат ажратилган бўлиб, бунинг дастурий талқини қуйидагича: *«Ишқий-саргузаит достонларнинг ўзбек халқ достончилигида катта ўрин тутиши. Бу хил достонларда ишқий можароларнинг асосий мавзу эканлиги. «Гўрўгли» туркумидаги ишқий-саргузаит достонлар ва мазкур туркумда «Равшан» асарининг тутган ўрни. Достон воқеаларининг туркий халқлар достончилигида кенг тарқалган мотив эканлиги. Достоннинг бизгача етиб келишида Эргаш Жуманбулбулнинг хизмати. Достондаги Гўрўгли, Юнус пари, Авазхон, Равшан, Зулхумор, ака-ука каллар образларининг таҳлили»⁶⁷.*

Дарсликда достоннинг қисқартириб берилган матни дастурий талқинда илгари сурилган барча қарашлар қамраб олинган. Назарий билимлар ҳам достон ҳақидаги мақолада ўз аксини топган. Дарсликдаги достон матни билан боғлиқ ўттиздан ортиқ савол ва топшириқлар кўмагида унинг тўлиқ дидактик таҳлилини амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, шу савол ва топшириқларга жавоб бериш асносида дастурий талқинга тўлиқ эришилади. Агар ўқитувчи мазкур достонни дарсларни ташкил этишдаги турфаликка асосланган ҳолда ўрганишни ихтиёр этса, бу дарсни асар таҳлили сўнгида назарда тутгани муаммоли савол ва топшириқларни ўртага ташлаб ҳам, ўқувчиларни асар қаҳрамони ҳақида бошқачароқ фикрлашга йўналтирувчи, бу билан белгиланган мақсадга эришишнинг иккинчи ёки учинчи йўлини муаммоли савол ёки топшириқдан фойдаланган ҳолда ташкил этиши ҳам мумкин.

Дарсликдаги достон матни билан илк танишувдан кейин баъзи ўқирманларда “Равшан уқувсиз, отасининг ёрдамисиз ҳеч нарсага эриша олмайдиган йигит. Равшандан кўра отаси Ҳасан мардроқ ва жасурроқ” деган дастлабки тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Айримларда эса, бунинг акси: “Равшан ёш, мағрур ва ориятли йигит. Ўз шаънини ҳимоя қила олади” деган

⁶⁶ Yoʻldoshev Q. va boshq. Adabiyot. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. Qayta ishlangan 4-nashri. – T.: «Sharq», 2017. – 132–162-b.

⁶⁷ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017.

фикр ҳукмрон бўлиб чиқади. Бу ҳар иккала таассуротнинг қайси бири канчалик тўғри экани ўқувчилар олдига қўйилган: **“Отаси бўлмаса, Равшан мақсадига эриша олмасди?”** тарзидаги ўқувчиларни ўйлантирадиган муаммо ечими баҳс-мунозара асносида, фикрлар, қарашлар “жанги” натижасида маълум бўлади.

Дастлаб ўқувчиларни олдиларига қўйилган бу муаммоли масаланинг ечими сари йўналтирилиб: “Равшанбек Гуланорга қиз бола сифатида караганмиди ёки уни шунчаки сингил деб билармиди? Бунда қандай англадингиз?” саволлари ўртага ташланади. Бу саволга жавоб излаш асносида ўқувчиларнинг диққати матндаги: *“Гуланор кўп сулув: яхши суратли, ширин сўзли, қуралай кўзли, узун бўйли, кенг кўкракли, хуш хаёл, зеҳни тез, серфаҳм қиз эди. Равшанбек унинг билан мактабда бирга ўқиганда, кўзининг остига босиб қўярди. Гўрўглибекнинг бу сўзи Равшанбекка ҳам ёқиб қолди»* тарзидаги тавсифга қаратилади. Бундан еттинчи синф ўқувчилари қандай хулоса чиқарадилар, бу дарс жараёнида маълум бўлади, албатта. Лекин ўқувчиларнинг ўз фикрларини асослашлари мақсадга мувофиқдир. Ҳар ҳолда, маълум бўладикки, бобосининг гапи ёқиб тушган Равшанбек қизларга бепарво қарайдиган ёшдан ўтган. Шу ўринда ўқувчиларнинг диққати “сулув” сўзи қамраб олган маъноларга, Гуланорнинг Равшанбек *“кўз остига босиб қўйган”* фазилатларига қаратилиши мақсадга мувофиқ бўлади: *“Қуралай кўз”*, сизнингча, қандай бўлади? *“Хуш хаёл”* иборасини қандай тушундингиз? *“Зеҳни тез”* иборасига қандай талқин бериш мумкин? Гуланорнинг *“серфаҳм”*лигини қандай изоҳлайсиз? Ўқувчилар шулар ҳақида ўйлашиб фикр айтишаркан, Равшанбекнинг ҳам анойи йигит эмаслигини англайдилар.

Шундан кейин ўқувчилар совчилар нима учун рад жавоби олганлиги ҳақида ўйлашга йўналтирилади. Ўқувчилар назарида бунинг сабаблари нимада бўлиши мумкин экан? Шу ўринда уларнинг диққати яна матнга қаратилади:

*...Равшанга бермайман Гуланоржонни,
Қизим тугул, кучугимдан садага.*

*...Ҳар кимни тенгига қўш-да, валламат,
Менга мундай тузсиз сўзни демагин!*

*...Бермайман Равшанга Гулнор қизимни!
Мен Ҳасанга тенг қилмайман ўзимни!*

Ўқувчилар бу сатрларга таяниб жўнгина ҳақиқатни англайдилар, албатта. Лекин, муҳими, бу рад жавобига Равшанбекнинг муносабати: “Равшанхон муҳаббати рад этилгани учун “товушининг борича „во“ деб бақриб, йиглаб қайтаверди”ми ёки бунинг бошқа сабаблари бормиди? Ўқитувчи ўқувчиларини кузатиши жоиз. Агар кимдир матндаги: “Ичида: „қизини берса яхши, бу қизини бермас бўлса, бобомнинг сўзини синдирар“, – деб қўйди”га диққатини қарата билса, албатта, мақсадга мувофиқ иш бўлади. Ўқитувчи ўқувчилари эътиборини она-бола ўртасидаги суҳбатга, хусусан, Равшаннинг онасига айтганларига йўналтириши ҳам ўқувчиларнинг тўғри хулоса чиқаришига асос бўлиши мумкин: “Э, эна! Авазинг: „қизимни бермайман, менинг тенгим эмас“, деб бизни қузгун, ўзини лочин тутди. Баччагар Аваз биздан ортиқ бўлиб кетибди. Шу Аваздан кам бўлсам, чўлларга бошимни олиб кетаман. Қўявер, эна, қўявер, энди Чамбилда турмайман, шу Чамбилни Авазга бердим, деб бола дим ўпкасини босолмайди”. Саволга шуларга таянган ҳолда жавоб беришга ундалган, мулоҳаза юритган ўқувчиларнинг Равшан шахси ҳақидаги тасаввурлари янада тиниқлаша боради. Ўқитувчининг вазифаси шу: ўқувчиларга йўналиш бериш. Хулосани эса уларнинг ўзлари чиқарганлари дуруст.

Равшаннинг Юнус пари берган сеҳрли узукда тасвирланган гўзални бир кўришда ошиқ бўлиб: “Зулхуморга зойибона кўнгил қўйиб, ишқивоз бўлиб, ўзига-ўзи айтди: „Келе, Авазнинг қизи бўлмаса, Қорахоннинг қизи-да! Аваз

қизини бермади деб, менинг йиғлаб юрганым қандай“ деб йўлга чиқишига ўқувчилар муносабат билдирсинлар. Бу Равшаннинг табиатига хос бўлган қандай сифатлардан далолат беради? Йигитчиликда бу қандай баҳоланади?

Бу масалада ўқувчиларнинг фикри эшитилгач, уларнинг диққати қуйидаги масалага қаратилади. Ўқувчилар: “Равшан не сабабдан ҳеч кимга билдирмай йўлга отланган эди?” деган савол устида ўйлаб кўришсин. У нимадан уялди? Авазхон унга қизини бермаганиданми ёки отасини ўзига тенг кўрмаганиданми ёхуд Равшаннинг бошқа бир уятлик ишлари бормиди? Бу саволар устида ишлаб, ўқувчилар қуйидаги сатрларга мурожаат қилиши: *“Равшанхонни отасининг савлати босиб, ҳаёси голиб келиб, нима дерини билмай ўйланиб туриб эди, ахири бўлмади. Отасига гапирмай ўтса, у ҳам бўлмайди, гапирай деса, уялади”* мақсадга мувофиқ бўлади.

Сўнгра: “Равшаннинг фақат суратини бир марта кўрган қизни излаб юрти, ота-онасини ташлаб йўлга чиқишига муносабат билдиринг. Уни сафарга етаклаган куч нима: муҳаббатми, уятми, орми? Ёки Равшаннинг бошқа бир қарори ҳам бормиди? Унинг бу тутуми табиатидаги қандай сифатлардан далолат беради?

Саволларнинг асосини ўқувчилар қуйидаги:

*Майдон-майдон Жийронимни елмасам,
Душман бўлса, бўлак-бўлак қилмасам,
Авазнинг қизидан яхшини олмасам,
Жоним отам, Чамбилбелда турмасман.*

*Чамбил дейди униб-ўсган элингни,
Жавоб бер, отажон, кўтар қўлингни!
Талаб қилдим, Ширвон элга отажон!
Жавоб берсанг, бермасанг ҳам кетаман!
Жавоб бер отажон, ёрга бораман,
Ёр дейман-ку, номус-орга бораман.
Ота сендан оқ фотиҳа тилайман,*

Ширвон элда Зулхуморга бораман

сатрларидан кидирганлари ўринли бўлади. Бу саволларга жавоб бериш асносида ўқувчилар Равшаннинг яна бир қатор сифатларини кашф этадилар: жасурлик, ориятлик, уятчанлик, мағрурлик ва қайсарлик. Бу сифатлар унинг қайси гаплари замирида яширинганини ўқувчилар ўйлаб кўрсинлар, матнга таяниб жавоб берсинлар.

Мазкур суҳбат якунлангач, ўқитувчи ўқувчиларга қуйидаги сатрларни қайта ўқиб эшиттиради:

*Узоқдан келаётибман,
Ғамнинг лойига ботибман,
Э ёронлар, биродарлар, биродарлар!
Мен ёримни йўқотибман.*

*...Шундай асов тойдай ёрни
Кўлга келтирсам деб келдим.
Ошиқлигим шу барнога
Энди билдирсам деб келдим.*

*Элдан ўзган чин сулувни
Ишиқиб илдирсам деб келдим.
Айтганима кўнмаса-чи,
Алдаб кўндирсам деб келдим.
Бизнинг ёрдан кўрган борми?
Ёр дарагин берган борми?*

Ва ўқувчиларига шундай савол билан мурожаат қилади: “Равшанхон тилидан айтилган бу сатрларда унга хос бўлган қандай сифатларни пайқаш мумкин, Сизнингча?” Ўқувчилар бу сатрлардан Равшаннинг нияти қатъийлигини, қандай йўл билан бўлса ҳам Зулхуморни кўлга киритмоқчи, керак бўлса ёлғон ишлатишга ҳам тайёр эканини, чунки бу унинг учун ор-

номус масаласи, ор-номус эса йигит киши учун ҳаёт-мамот асоси эканини англашар.

Парчада Равшаннинг дор тагида йиғлагани тасвири бор: “*Отасини кўриб, асло далага чиқмаган бола эмасми, йиғлаб юборди*”. Ўқувчилар нима деб ўйлашаркин, Равшаннинг йиғлаб юборгани сабаби фақат шуми? Бу ўринда ўқувчилар қуйидаги сатрларга ҳам бир назар ташласалар, мақсадга мувофиқ бўлади:

*Уйқуда бойлади нозик қўлимни,
Созиндим, отажсон, Чамбил элимни.
Тор зиндонда “во ота” деб йиғладим,
Кўрдингми, отажсон, менинг ҳолимни?*

*Йўлингга интизор бўлдим, отажсон,
Балога гирифтор бўлдим, отажсон,
Душманга хор-у зор бўлдим, отажсон,
Бир кўрмоққа хумор бўлдим, отажсон.*

*Меҳрибоним келган экан, минг шукур,
Тулпорини елган экан, минг шукур,
Мени ўлдирмоққа келган Қорахон —
Энди золим ўлган экан, минг шукур.*

Шунда ўқувчиларнинг фикрлари асосли, хулосалари далилли бўлади.

Равшаннинг шахси, унга хос бўлган фазилатларни аниқлаб унинг отаси бўлмаса кун кўролмаслиги ҳақидаги муаммоли вазиятнинг ечимини қидираётган ўқувчиларнинг диққати Қорахоннинг талабига берган жавоби акс этган қуйидаги сатрларга қаратилади:

*Сен айтган одамнинг, золим, мен эмасман,
Бир нечалар ўз ҳолини ченгнамас.
Мен ўлмасам, ўз элимдан кечмайман!*

Азиз бошинг оёғимга тенг эмас...

Бу сатрлар Равшаннинг асл табиатини кўрсатади. Ўзи қандай вазиятда турганидан қатъи назар, отасини кўриб йиғлаб юборар ҳолатда бўлган «бола»нинг бу гаплари ичкаридаги «МЕН»нинг гаплари. Буни ўқувчилар илғай билсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўртликдаги: “*Бир нечалар ўз ҳолини ченгнамас*” ва «*Азиз бошинг оёғимга тенг эмас...*» жумлалари кимга тегишли? Бу сатрдан Равшанга хос бўлган қандай сифатни англадингиз?» саволлари ўқувчиларни бир оз зўриқтириши мумкин. Бир юртнинг подшосига қарата бундай катта гапни айта олиш учун одамнинг ичи «катта» бўлиши керак. Бу катталиқ одам туғилганидан бошланиб катта бўлган муҳити, томирларида оқаётган қон, руҳий мустақиллик, оила аъзоларининг тутумлари, турмуш тарзи асносида йиллар давомида мисқоллаб шаклланиб боради. Уни ақл билан бошқариб бўлмайди. Таълим жараёнида ҳам сингдириб бўлмайди. Равшан гарчи отасини кўриб йиғлаб юборган бўлса-да, унинг тийнатида катта ғурур, катта ор, катта шаън мавжуд. У “бир неча”ларга ўхшамайди, ўзини билади. Бир юрт подшосининг азиз бошидан унинг, гарчи азиз деб атамаётган бўлса-да, оёғи баланд эканини ҳам аниқ билади. Бу ҳар бир одамнинг хатти-ҳаракатида, тутумларида яққол кўзга ташланади, ҳатто гапириш оҳангида ҳам намоён бўлади. Йиғи ҳали болалиқ таъсиридан чиқиб улгурмаган ёлғиз, эрка ўғилнинг лаҳзалиқ заифлиги, холос. Унинг асли баланд.

Мазкур саволларга жавоб бериш асносида шундай фазилатларни ўзида жамлаб шаклланиб келаётган йигит ҳали бир оз ёшлиги, орият ҳаққи ўз имкониётидан баландроқ дорларга “осилиб” қўйгани маълум бўлади. У бу туйғулари билан отасиданда жасур, отасидан-да мард, ориятли йигит бўлиб шаклланаётганини ўқувчилар муҳокама жараёнида англайдилар. Ҳар ҳолда ўқитувчи уларни шуларни шу ҳақиқатларни ўзлари англашлари ва кашф этишларига йўналтириши керак. Сухбат тугагач, ўқитувчи ўқувчилар олдида қўйилган муаммоли саволга хулоса шаклидаги муносабатини сўраши

мумкин: “Хўш, қани энди айтинг-чи, “Отаси бўлмаса Равшан мақсадига эриша олармиди?” асар таҳлилидан сўнг ўз хулосангизни айтинг-чи”. Еттинчи синф ёшидаги ўқувчилар бу муҳокамалардан сўнг қандай ечимга келишади, буни вазият кўрсатади, албатта. Лекин ҳар ҳолда, муаммога ижобий муносабат билдиришмас, яъни муаммода кўтарилган масалани тўғри деб топишмас, деган умид бор. Бу тажриба-синов жараёнида маълум бўлади.

Шу тарика турфа фикрлар тўқнашуви, баҳс ва мунозаралар асносида ўқувчиларда кузатувчанлик ҳамда зийрак назар шаклланишига шароит яратилади. Ўқувчилар одамлар ҳақида ҳукм-хулоса чиқариш осонмаслигини англайдилар. Бадиий асардан юқоридаги каби характерли деталларни ажрата билиш, туйғуларни ифодалай олишга йўналтирилади. Бу, ўз навбатида, мустақил тафаккурни ҳам ривожлантиради.

Уйга вазифа сифатида ўқувчиларга дарсликдаги савол ва топшириқлар устида ишлашни топшириш мумкин. Бу ҳам ўзига хос вазифа ҳисобланади. Бу топшириқни бажариш асносида ўқувчилар бир қатор майда муаммолар билан юзма-юз қоладилар, мустақил фикрлашга ва фаолиятга йўналтириладилар, дostonдаги бошқа қаҳрамонларнинг характер-хусусиятларини мустақил равишда кашф этадилар. Фикрлари, ўзларича чиқарган ҳукм-хулосаларининг қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги кейинги дарсда, муҳокамалар жараёнида маълум бўлади.

Бундай шароитда ўқувчиларни баҳолаш масаласи ўқитувчини анчагина ўйлантириши табиий. Гап шундаки, адабиёт дарсларида фикр айтаётган, ўз қарашларини асардан мисоллар келтириб исботлаётган ўқувчига, албатта, аъло баҳо қўйилади. Чунки адабий таълимнинг мақсади – шу. Яхши баҳолар билан уларни боридан бир поғона юқорилатиш ҳам бу мақсаднинг амалга ошувига кўмаклашади.

Муаммоли таълимга хос бўлган баҳс-мунозара методининг амалий намунаси мисолида айтиш мумкинки, муаммоли таълим ҳам, ундан адабиёт дарсларида фойдаланиш ҳам амалга ошириш мумкин бўлган иш туридир. Фақат ундан кутиладиган натижа ва самарадорлик адабий таълимнинг бош

мақсади – маънавий баркамол шахсни шакллантиришга том маънода жавоб беради.

2.3-§. 8-, 9-синфларда халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда муаммоли вазиятларни яратиш методикаси ва бунинг ўзига хос хусусиятлари

Маълумки, мактабнинг вазифаси фақат билим бериш эмас, балки бу билимларнинг ҳаёт билан боғлиқлиги ва бу ҳаётни қандай ўзгартириш мумкинлигини кўрсатишдан ҳам иборатдир. Яна шундай ҳақиқат ҳам борки, мактабда ўқувчилар билиши зарур бўлган билимларни уларга ўргатиш мумкин эмас. Мактабда ўқитувчи қила оладиган ягона иш – бу билишнинг йўллари кўрсатиш ва ўқувчини бунга йўналтиришдир.

Ҳар бир ўқитувчи бирор ўқув фанидан дарс берар экан, бу жараёнда назарий материалларни ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштирилиши ва уларни амалда эркин қўлланилишига эришишга интилади. Бунда у ўқитиш мақсадига эришиш учун ўзининг характери, темпераменти, тажрибасига мувофиқ равишда ўзига яқин технология, метод ва усулларни танлайди. Шу маънода, ўқитувчининг муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиши унинг касбий компетентлиги билан боғлиқ ҳодисадир.

Маълумки, муаммоли ўқитиш технологиясидан фойдаланиш ўқувчиларнинг когнитив, коммуникатив, амалий, ижодий фаоллигини ривожлантиришга, уларнинг шахсиятини шакллантиришга, мактаб битирувчиларининг олган билим ва кўникмаларидан ҳаётда амалий муаммоларни ҳал этишда фойдаланишга тайёрланишига ёрдам беради. Муаммоли таълим муаммоли вазиятларни яратишни ва уларни ҳал қилиш бўйича тарбияланувчиларнинг фаол мустақил фаолиятини ўз ичига олади, бунинг натижасида касбий билим, кўникма ва фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш ижодий ўзлаштирилади.

Юқори синфларда адабиёт дарсларини муаммоли ташкил этишда ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда **муаммоли диалог методидан** фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Муаммоли диалог юқори синфларда ўта самарали фаолият тури сифатида билимларни ижодий ўзлаштиришда:

- адабий танқид асосларини;
- асарларни дидактик таҳлил қилиш кўникмасини;
- адабиёт курсида мавжуд бўлган этика, ахлоқ каби тушунчаларни;
- мантиқий тадқиқот методларини воқеликни бадиий акс эттириш билан биргаликда мустақил ишлаш кўникмаларини тарбиялашда энг самарали усуллардан биридир.

Адабиёт дарсларида муаммоли диалог босқичлари ҳам анъанавий:

- 1) муаммоли масалани шакллантириш;
- 2) муаммони ҳал қилиш усуллари тўғрисида фараз ва тахминларни илгари суриш;
- 3) ечиш усулларини асослаш;
- 4) бадиий асар матни асосида қилинган тахминларнинг исботи;
- 5) муаммоли масалани ҳал қилиш, хулосалар, натижаларни асослаш ва умумлаштириш тарзида ташкил этилади.

Фақат бу жараён ўқитувчи ва ўқувчилар диалоги асосида ташкил этилади. Муаммоли диалог методида ўқитувчининг вазифаси ҳар хил мантиқий саволлари, кичик-кичик муаммоли топшириқлари билан ўқувчиларни уларнинг олдига қўйилган асосий муаммо ечими сари йўналтириш жараёнида бевосита иштирок этишдан иборатдир. Лекин бунда ҳам ҳар бир ўқувчи ўз хулосасини чиқаради. Бу жараёнга ўқитувчи аралашмайди.

Адабиёт дарсларида бадиий асарлар таҳлили кечимида фойдаланиладиган мантиқли савол ёки топшириқлар муаммоли масала бўла олмаслигини ҳам унутмаслик керак. Муаммоли масала – бу таҳлилни, ҳар хил қарашлар асносида маълум бир ечимни талаб қиладиган вазифа. Муаммо ечимига тарбияланувчилар ўқитувчи раҳбарлигида, унинг муаммоли вазифаларини бажариш асносида аста-секинлик билан ўзлари келишса, бу муаммоли таълимдаги энг яхши ечим бўлади. Муаммоли савол ўқувчиларга

жавоблардаги ноаниқликни англатади. Жавобларда кўпинча қарама-қаршилиқлар пайдо бўлганда бошқа версияларга қарши чиқиш орқали ўз нуқтаи назарини исботлашга интилиш юқори синф ўқувчиларини ҳаяжонли вазиятга солади. Муаммоли масалани ҳал қилиш мунозарага айланиши учун у катта ҳажмга эга бўлиши, битта эмас, балки бир неча ҳаётий ва бадиий ҳақиқатларни қамраб олган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Билимларни янгилаш босқичида, яъни янги мавзуларни ўзлаштиришда расмлар репродукцияларидан, бадиий матн асосида яратилган бир неча вариантдаги суратлардан фойдаланиш муаммоли диалогнинг самарадорлигини таъминлашга ёрдам беради. Афсуски, миллий тасвирий санъатда бадиий асарларга ишланган суратлар адабиёт ўқитувчисига бундай имкониятни бера олмайди.

Муаммоли диалог юқори синф ўқувчиларида қуйидаги бешта универсал қобилиятни:

- 1) изланиш қобилияти;
- 2) самарали мулоқот қилиш ва ташкил этиш қобилияти;
- 3) ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатиш қобилияти;
- 4) қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш қобилияти;
- 5) янги фаолиятни доимий равишда ўзлаштириш қобилиятларини

ривожлантиради.

Умумтаълим мактаблари юқори – саккизинчи синфлари учун мўлжалланган «Адабиёт» дарслигидан ўрин олган «Кунтуғмиш» достони⁶⁸ ни муаммоли таълимнинг мазкур **муаммоли-диалог** методидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш мумкин. «Кунтуғмиш» достонини ўрганишга дастурда 4 соат ажратилган бўлиб, уни ўрганишнинг дастурий талқини қуйидагича: *“Халқ достонларининг миллат руҳиятини акс эттиришидаги ўрни. Халқ эпик достонларининг турлари. Туркий достонларнинг дунё достончилиги ривожда тутган юксак мавқеи. «Кунтуғмиш» ишқий-саргузаит*

⁶⁸ Olimov S. va boshq. Adabiyot. Umumiy o`rta ta`lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik. Qayta ishlangan va to`ldirilgan to`rtinchi nashri. – T.: G`afur G`ulom nomidagi NMIU, 2019. – 7–43-b.

достонларининг гўзал намунаси сифатида. Достонда Эргаиш Жуманбулбул маҳоратининг намоён бўлиши. Асар сюжетининг саргузаштларга бойлиги. Қаҳрамонлар тақдирини белгиловчи ҳодисаларнинг маиший турмушга яқинлиги. Кунтуғмиш образи. Унга хос жўмардлик, тантилик, жасурлик ва айни вақтда соддалик сифатлари. Кунтуғмишнинг жангчи, ошиқ, эр, ота сифатидаги хусусиятлари. Кунтуғмиш табиатидаги самимият ва ишонувчанлик хислатлари. Холбеканинг фавқулодда гўзал ва меҳрибонлиги. Холбека – ўзбек қизларига хос ўктамлик, эркалик, шаддодлик ва майинлик сифатларига эга шахс. Холбека – фарзандлари ва эрининг ҳаёти учун ўзини бахшида қилувчи аёл. Достонда аёлларга хос сериубҳалилик, инжиқлик, синчковлик сифатларининг ишонарли тасвирланганлиги. Холбеканинг оналик хусусиятлари тасвири. Достонда Гуркибой ва Моҳибой образларининг маҳорат билан тасвирланганлиги. Гуркибойга хос босиқлик, меҳрибонлик, мулоҳазакорлик ҳамда укаси Моҳибойнинг қув, тажсанг, қайтмас йигитча эканлиги. Болалар табиатига хос хислатларнинг улар тақдирига таъсири. Достондаги Буврахон, Азбархўжа, Қосим, Холмўмин, чўпон образларининг ўзига хос шахслар сифатида акс эттирилганлиги.

*Достоннинг бадиий хусусиятлари. Асар сюжет чизиқларида мантиқий изчилликнинг кучлилиги*⁶⁹.

Саккизинчи синф ўқувчилари билан **муаммоли-диалог** ташкил этиш учун уларнинг олдида билимларни мустаҳкамлаш босқичида: **«Сиз иккита достон – «Равшан» ва «Кунтуғмиш» билан танишдингиз. Сизнингча, уларни нима бирлаштиради ва улар бир-бирини қандай тўлдиради?** тарзидаги ва назорат босқичида: **«Достонга берилган энг мақбул (сизнинг назарингизда) талқин қайси? Сизнинг назарингизда унинг тўғрилиги ва асослилиги нималардан иборат?»** шаклидаги муаммоли савол ва топшириқларни қўйиш мумкин.

Ўқувчилар ўз олдиларига қўйилган мазкур муаммонинг ечимини топишлари учун уларга интернет орқали қуйидаги бир қатор саҳифаларга

⁶⁹ Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017.

муружаат қилишлари ва у ерда ифодаланган фикрлар билан танишиб ўзлари учун муҳим деб билганларини конспектлаштириб олиш вазифаси олдиндан топширилади.⁷⁰ Ўқувчилар ўзлари истаган мавзу билан боғлиқ бошқа сайтлардан ҳам мавзуга доир мақолаларни излаб топишлари ҳам, мутахассисларнинг китобларидан фойдаланишлари ҳам мумкин.

Албатта, ўқувчилар бу муаммоли масалаларнинг ечимида фаол катнашишлари учун аввал дostonнинг дидактик таҳлилини амалга ошириш керак бўлади. Бунинг учун ўқитувчи қуйидаги савол ва топшириқларга таяниши мумкин: “Дoston матнига таяниб Кунтуғмишнинг болалиги ва кўрган тарбияси ҳақида мулоҳаза юритинг. Сизнингча, Буврахон зуғумига Холбеканинг берган жавоби қиз табиатидаги қандай сифатларни намоён этади? Буни ўз нуқтаи назарингиз асосида тушунтиришга уриниб кўринг. Холбекани кўндириш учун мамлакат подшоси кўрган чорани қандай изоҳлайсиз? У бошқа қандай чора кўриши мумкин эди, сизнингча? Холбеканинг: *“Ошиқ-маъшуқлик аввалдан пок бўлса, шу сандигим Кунтуғмишдан бошқага тегмасин”*,- деган ниятига муносабат билдиринг. Қизнинг нияти ижобат бўлгани сабаблари ҳақида фикрлашинг. Зангарда белгиланган тартиблардан беҳабар Кунтуғмишни хавфу-хатардан сақлаш нотаниш кампирга не сабабдан керак бўлди деб ўйлайсиз? Кунтуғмиш қандай йигит деб ўйлайсиз? Холбеканинг жамоли тасвирланган ўринларни қайта ўқинг. Қизнинг кўринишини тавсифланг. Сизга бу таъриф ёқдими? Холбеканинг қайси сифати сизга маъқул келди? Нима учун? Кунтуғмишнинг кизни кўргандаги ҳолати тасвирига эътибор қилинг. Тасвирга ишондингизми? Фикрингизни асосланг. Канизларнинг савдогар қиёфасидаги Кунтуғмишдан мато ололмаганлигини қандай изоҳлайсиз? Фикрингизни матнга таяниб асосланг. Дostonдаги *”Холбека Кунтуғмишга жой бериб, қўлига бир пиёла қандчай бериб...”* тарзидаги тасвирни изоҳлашга урининг.

⁷⁰ <https://asaxiy.uz/product/knigi/badiy-adabiyot/ozbek-adabiyoti/kuntugmish-hallqogzaki-izhodi?language=ru>; <https://qomus.info/encyclopedia/cat-k/kuntugmish-uz/>; <http://www.e-adabiyot.uz/kitoblar/qollanmalar/867-uzbek-xalq-ogzaki-ijodi.html?start=14>; <https://acredit.uz/product/knigi/badiy-adabiyot/%D1%9Ezbek-adabiyoti/ravshan-hal%D2%9B-o%D2%93zaki-izhodi>; <http://library.ziyonet.uz/uz/book/download/7636>

Сизнингча, бу нимадан далолат беради? Йигитнинг: *“Ўламан деб ёрин кўрмай кетарми”*,- тарзидаги қаноатига таяниб унинг шахсига хос бўлган сифатни аниқланг. *“Омонат, санамжон, одамнинг жони, Қиличдан сесканмас ботирнинг тани”* сўзлари Кунтуғмиш табиатидаги қандай сифатни намоён этади, сизнингча? Холбеканинг нард ўйинига бу қадар моҳирлигини қандай изоҳлайсиз? Бу ҳол, Сизнингча, нимадан далолат беради? Кунтуғмишнинг жаллодлар қўлида ўлгунча, кўшкдан (баландликдан) сакраб ўлишга тайёрлигини қандай изоҳлайсиз? Замонқул, Сизнингча, қандай одам? Фикрингизни дoston матнига таяниб асослашга урининг. Унинг ўлимига нима сабаб бўлди деб ўйлайсиз? Холбеканинг сомонхонадаги ҳолатини тушунтириб беришга ҳаракат қилинг. *“Гавҳарни не билсин ушалган сопол”* ифодасини изоҳланг. Бу иборанинг дoston қаҳрамонлари ҳаётига қандай алоқаси бўлиши мумкин, нима деб ўйлайсиз? *“Пайдо бўлдим икки гавҳар донадан”* иборасини ўз тушунчангиз доирасида шарҳланг. Холбеканинг: *“Эсиз, ёрим ёлғиз экан онадан, Мерганлар ирим қиб отмас ёлғизни”*,- тарзидаги сўзлари мазмунини шарҳланг. Йигитнинг: *“Ялиниб душмандан обрў олгунча, Мардоналик билан ўлган яхшидир”*,- тарзидаги фикри унинг шахсиятидаги қандай фазилатдан далолат беради деб ўйлайсиз? Кунтуғмишнинг: *“Номус билан орим кетди, Қаторимда норим кетди”*,- тарзидаги изтиробли сўзларини шарҳланг. Сиз уни қандай тушундингиз? Кунтуғмиш билан танишган чўпон ҳақида фикр билдиринг. Унинг инсоний фазилатлари ҳақида дoston матнига таяниб мулоҳаза юритинг. Бувраҳоннинг Холбекага қарата айтган: *“Қарайман, этагинг кебди енгликка”*,- шаклидаги мазахнамо таънасини қандай тушундингиз? Муносабат билдиринг. Холбеканинг: *“Во ҳасрато, ичар сувим лойланди, Фалокат бошима ёмон айланди”*,- тарзидаги шикоятда нималар ифодаланган, сизнингча? Гуркибой билан Моҳибойни чўпонлар ҳамда балиқчилар қароргоҳидан қочишга мажбур қилган гуноҳлари уларнинг табиатидаги қандай сифатлардан далолат беради, сизнингча? Дарёнинг у қирғоғидаги Моҳибойнинг дўстлик таклифи замирида қандай фикрлар

мавжуд деб ўйлайсиз? Бунинг сабабларини тушунтиринг. Моҳибойнинг: *“Ўзим етим, етимликдан камим йўқ”*, - шаклидаги иқрори замиридаги маънони изоҳлашга уриниб кўринг. У, сизнингча, нимани кўзда тутган бўлиши мумкин? Моҳибойнинг: *“Оҳ урсам, замхона кўнглим жўшади, Алам тортдим, банди бувним бўшади”*, - шаклидаги эътирофини шарҳлашга уриниб кўринг. *“Ғамхона кўнгли”* ибораси, Сизнингча, нимани англатади? Ака-укаларни бир-биридан ажратиб турган дарёга Моҳибой эмас, Гуркибой тушгани сабабларини йигитларнинг табиатидан келиб чиқиб изоҳланг. Гуркибой тилидан айтилган: *“Ақл деган оқиб ётган ариқдир, Биров кўпроқ, биров озроқ олибдир”* сўзларини ўз тушунчангиз доирасида изоҳланг. Холбекада: *“Шу иккови икки болам бўлмасин?”* шаклидаги фикрнинг пайдо бўлишига асос бўладиган сабабларни аниқланг. Онанинг ғайритабиий, изоҳлаш мушкул бўлган табиати ҳақида ўйлаб кўринг. Моҳибойнинг кўнглисиз қилиқлари ҳақида нима дейсиз? У подшоҳнинг йилқиларини чиндан ҳам ўғирламоқчи эди деб ўйлайсизми? Холбеканинг болалари осиладиган дорга мурожаатини нима билан изоҳлаш мумкин? Ака-укаларнинг дор тагидаги тортишуви сабабларини изоҳланг. Аканинг: *“Йўл меники”*, - деган сўзлари сабабини изоҳланг. У “йўл” деганда нимани назарда тутаётганини тушунтиринг” ва ҳ.к.

Шу савол ва топшириқлар асносида ўқувчиларини асарнинг моҳиятига чуқур олиб кирган, уларни дostonдаги ҳар бир қаҳрамоннинг характер-хусусиятларини фарқлашга йўналтирган ўқитувчи муҳокамалардан сўнг уларга юқоридаги муаммоли масаланинг биринчи қисмини қайта эслатади: **«Сиз иккита дoston – «Равшан» ва «Кунтуғмиш» билан танишдингиз. Сизнингча, уларни нима бирлаштиради ва улар бир-бирини қандай тўлдирди?»** “Холбеканинг тушини изоҳланг. Сиз аввал ўқиган қайси асарда туш деталдан фойдаланилган эди? Унинг “Кунтуғмиш” дostonидагига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида тўхталинг. Ҳар иккала дostonдаги ошиқлар ва маъшуқалар тимсолларини таққосланг. Ошиқ-маъшуқларнинг муҳаббат йўлида чеккан изтироблари мисолида халқнинг бу борадаги

карашларини тўплаган материалларингиз асосида баҳоланг” сингари бир катор савол ва топшириқлар ўқувчиларни муаммонинг ечими сари етаклайди.

Ўқувчилар ўз жавобларида ўқиган асарлари, дарсликлардаги ҳар иккала дoston ҳақидаги мақолалар, кўшимча адабиётлар ва интернет материаллари асосида тўплаган маълумотларига, адабий танқидчиликдаги карашларга таянган ҳолда фикр айтадилар. Бир-бирларининг фикрларига муносабат билдирадилар. Бу жараёнда ўқитувчининг ёрдамчи саволлари асносида ўз карашларини конкретлаштирадилар. “Кунтуғмиш” дostonининг бошқа варианты ҳақида фикр айтилганда, иккала вариантдаги ўхшашлик ва фарқли жихатлар ҳақида ҳам мулоҳаза юритишга ундалиб: “Маъшуқасидан хабар топган Кунтуғмишнинг сингисидан рухсат олишни сўраб унинг ўзига эмас, балки ўзининг йигитларига мурожаат қилганлиги сабабини тушунтириб беринг” тарзидаги турфа савол ва топшириқлар ҳам ўқувчиларнинг адабиётшунослик кўникмаларини такомиллаштиришга кўмаклашади.

Сўнгра, ўқувчилар тўплаган материаллари асосида: *"Дostonга берилган энг мақбул (сизнинг назарингизда) талқин қайси? Сизнинг назарингизда, унинг тўғрилиги ва асослилиги нималардан иборат?"* тарзидаги саволларга жавоб берар эканлар, англаб-англамай ўзларида адабий синчиликнинг белгиларини намоён этадилар. Зийракназар ўқитувчи ўқувчиларида бўй кўрсатган бу сифат-қобилиятни илғаб олиб уни ривожлантириш йўлини тутгани мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқори синфлар адабий таълимини муаммоли ўқитиш шаклида ташкил қилишда мазкур технологияга хос бўлган самарали методлардан яна бири **кичик гуруҳларда ишлаш методидир**. Бу методдан таълим жараёнида фойдаланишнинг мақсади ҳам билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларни фаоллаштиришдан иборатдир. Муаммоли таълимда кичик гуруҳларда ишлаш методидан фойдаланилганда, ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материали уларнинг ҳар бирига муаммоли савол ёки топшириқ шаклида тақсимлаб берилади. Иш жараёнида берилган

муаммоли топшириқни бажаришга ҳар бир гуруҳ аъзолари ижодий тарзда ёндашадилар.

Муаммоли ўқитиш кечимида кичик гуруҳларда ишлаш методидан фойдаланилганда бир неча ўқувчи бир гуруҳда ишлаб, олдиларига қўйилган муаммонинг ечимини топишда фаол иштирок этадилар, бир-бирини эшитишга, тушунишга ўрганадилар, ўзи ва ўзгаларнинг нуқтаи назарларини кадрлашга одатлана борадилар.

Юқори синфлар адабий таълими кечимидаги муаммоли ўқитиш жараёнида кичик гуруҳларда ишлаш методидан фойдаланилганда ўқитувчи вақтни тежаш, ўқувчиларни ёппасига ишлатиш ва бир вақтнинг ўзида бир нечта муаммонинг ечимини топишга эришади. Айни замонда, ўқитувчи дарс давомида барча ўқувчиларни мустақил фикрлашга, эркин фаолиятга йўналтиради, уларни кузатади ва барча ўқувчиларни ялпи баҳолаш имконияти ҳам кенгайтирилади.

Бунда ўқитувчи дастлаб ўқувчиларга мавзуни маълум қилади. Ўқувчиларни кичик гуруҳларга ўз ихтиёрлари билан бирлашишларини таклиф этади. Ҳар бир гуруҳга ўзига хос ва мос муаммоли савол ёки топшириқ тайёрлайди. Муаммолар устида ишлаш бўйича кўрсатмалар беради, ишлаш йўллариини тақдим этади. Натижаларни, яъни ҳар бир гуруҳ аъзолари олдига қўйилган муаммонинг ечими борасида гуруҳ аъзоларининг фикрларини бутун синф билан бирга тинглайдилар, биргаликда муҳокама қиладилар. Муаммонинг ечимидagi фаолияти ва муҳокамаларда иштирокига қараб ўқувчилар баҳоланади.

Кичик гуруҳларда ишлаш жараёни қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Гуруҳ аъзоларининг фаолият йўналиши аниқлаб олинади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Ўқувчилар гуруҳларга тўрттадан ёки олти кишидан бўлиб бирикадилар.

3. Ҳар бир гуруҳ аъзолари ўзларига бириктирилган топшириқ устида иш бошлайдилар.

4. Ўқитувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади, гуруҳлар фаолияти назорат қилинади, зарурат бўлганда ёрдамчи савол ва топшириқлар билан йўналтириб турилади.

5. Топшириқнинг бажарилиши учун унинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда маълум вақт белгиланади.

6. Топшириқлар бажарилгач, гуруҳ раҳбари гуруҳдошлари кўмагида ўз вазифасининг тақдиротини ташкил этади, муаммонинг ечими ўқитувчи ва бошқа синфдошлар томонидан муҳокама қилинади, таҳлилга тортилади. Фикр-мулоҳазалар эшитилади.

7. Гуруҳ аъзолари ялпи бир хилда баҳоланадилар.

Муаммоли ўқитиш кечимида кичик гуруҳларда ишлашнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- билимларнинг имкон қадар чуқур ўзлаштирилишига эришилади;
- ўқувчиларнинг ҳамкорликда ишлаш имкониятлари кенгаяди;
- вақтдан максимал даражада унумли фойдаланилади;
- бир вақтнинг ўзида бир нечта муаммоли масаланинг ечими топилади;
- ўқувчиларни ялпи баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

Мазкур методнинг афзалликлари билан бир қаторда унга хос бўлган бир қатор қуйидаги камчиликлар ҳам назарга ташланади:

1) ўқувчиларнинг кичик гуруҳларга аралаш ҳолда жамланиши суст ўзлаштирувчиларнинг “юмилиб” қолишларига, “аълочи”ларнинг эса уларнинг қурбони бўлишига, ўқувчининг паст баҳоланишига олиб келиши мумкин;

2) гуруҳда ким қандай ишлагани ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш имконияти паст бўлади;

3) гуруҳлараро ва гуруҳлардаги ўқувчилараро ўзаро салбий муносабатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;

4) гуруҳ аъзолари орасида ўзаро ички низолар ҳам пайдо бўлиши мумкин ва ҳ.к.

Мазкур методнинг хусусиятлари ўрганилган ҳолда юқори синфлар адабий таълимини муаммоли шаклда ташкил этишда ўқувчиларни кичик гуруҳларга тақсимлаган ҳолда қуйидагича уюштириш мумкин. Тўққизинчи синфларда халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида «Алпомиш» достони ўрганиш учун тақдим этилган⁷¹. Асардан олинган парча устида ишлаш учун 5 соат вақт ажратилган. Достонни ўрганишнинг дастурий талқини қуйидагича: *“Туркий халқлар маданияти ва маънавияти шаклланишида «Алпомиш» достонининг ўрни. Достон эпик кўламининг туркий эстетик тафаккур ва туркий салтанатчилик билан бевосита боғлиқлиги. «Алпомиш»да бадиий йўсинда тасвирланган туркона ҳаёт тарзининг Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб «Қутадғу билиг» асарида дидактик йўналишида акс эттирилиши.*

Достонда ўзбек миллий руҳияти ва урф-одатлари тасвири. Мардлик, садоқат, эзгулик, иймонга эғалик фазилатларининг Алпомиш, Қоражон, Ойбарчин, Қалдирғоч образлари орқали ифодаланиши. Асарнинг тил хусусиятлари. Достонда қўлланилган тасвир унсурлари. Асардаги фавқулодда муболагалар катта мақсадлар йўлида кураш олиб борган туркий халқ табиатидан келиб чиқадиган хусусиятлар эканлиги. Достоннинг бизгача бадиий юксак ҳолда етиб келишида Фозил Йўлдош ўғлининг хизматлари”⁷².

Дастлаб ўқитувчи ва ўқувчилар биргаликда асар матни (дарсликдаги парча асосида) билан танишадилар. Сўнгра ўқитувчи мазкур асар устида ишлашни ташкил этиш билан боғлиқ мақсадини, яъни уни муаммоли таълим технологиясидан фойдаланган ҳолда ўрганишларини, бунинг учун кичик

⁷¹ Yo'ldoshev Q. va boshq. Adabiyot. 9-sinf uchun darslik. Qayta ishlangan 4-nashri. – T.: “O‘zbekiston” NMIU, 2019. – 8–46-b.

⁷² Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017.

гуруҳларда фаолият олиб боришларини ўқувчиларга маълум қилади. Гап шундаки, тўққизинчи синф ўқувчилари ҳар бир дарснинг мақсади ва вазифаларидан хабардор бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу уларнинг ўз иш жараёнини тўғри белгилаб олишига замин тайёрлайди.

Кичик гуруҳларда ишлаш жараёнини қоидага биноан ташкил этиш учун аввал ўқитувчи ўқувчиларга ўз гуруҳларини ўзлари белгилашларини таклиф этиши мумкин. Гап шундаки, ихтиёрий равишда шаклланган гуруҳларда ўзаро англашилмовчиликларнинг олди олинади. Гуруҳ аъзоларининг иш жараёни самарали кечади. Фақат уларнинг сонини ўқитувчи ўзи белгилаб беради. Гуруҳлар шаклланиб бўлгач, уларга муаммоли топшириқлар ялпи ҳолда яна танлаш имконияти билан тақдим этилиши мумкин. Ёки гуруҳларнинг интеллектуал имкониятларига таянган ҳолда муаммоли масалаларни ўқитувчининг ўзи тақсимлаши ҳам мумкин. Буни ўқитувчига вазият кўрсатади. Ўқитувчи синфдаги гуруҳлар сонидан келиб чиқиб қуйидаги муаммоларни танлаб олиши мумкин:

1-муаммо: «Қоражоннинг Алпомишга ёрдам берганини қандай баҳолаш мумкин? Бу унинг ўз туғишганларига хиёнатми ёки Аллоҳ кўнглига солган ҳақиқатми ёхуд унинг Алпомишга меҳрими? Сиз қайси бирини устувор деб биласиз? Нима учун?»

Бу гуруҳ аъзолари Алпомишнинг чўпонлар қўшхонасида ухлаб ётганда, файзи саҳар вақтига етганда бир туш кўрганига, излаб бораётган Барчин ёри ҳам бахмал ўтовда ётиб, субҳи содиқ туққан вақтда бир туш кўрганига ва Кашал ғорида, тўқсон қалмоқнинг ичида Қоражон алп ҳам бир туш кўрганига эътибор қаратадилар. Учовининг туши олдин-кейин дўғилиш кўрди (намоён бўлди, кўринди). Аввал Алпомишнинг туши:

...Маст уйқуда ётиб эди бу шунқор,

Кўзига кўринди Расул пайгамбар.

Бу сўзларни Расул пайгамбар айтди:

“Адашган умматим, шафқатдорингман,

Таниб қолгин: Расул пайгамбарингман,

Умматларни мудом йўлга солурман”.
...“Ғам ема, умматим, — деди пайгамбар,
— Остида дулдули, белда зулфиқор,
Жиловида Бобо Қамбар жиловдор,
Ғамингда отланди Шоҳимардон тирлар.
Ғайратингдан бўзлаб кетар қалмоқлар,
Ҳеч ким бўлмас, сенинг билан баробар,
Сенга тақдир қилди Барчин зулфакдор”...

Бу гуруҳ аъзолари дostonдаги Алпомиш билан Қоражоннинг илк учрашуви тасвирига: “...Қоражон айтди: “Мен сени кўрганам йўқ. Сенинг билан ҳамсуҳбат бўлганим йўқ. Мен ҳам хотинингга талашиб ётган тўқсон алпинг бири бўламан. Қулфи дилимни худо очди — мусулмон бўлдим. Қирқчилтан билан расул пайгамбар қавм-у қариндошингни тушимда кўрсатиб, сен билан мени дўст қилди. Ул сабабдан биламан” ҳам диққат қаратадилар.

2-муаммо: *“Закот воқеаси тасвирига таяниб, Бойбўри билан Бойсарни муносабатларини изоҳланг. Ака-укаларнинг характери ва ички дунёсига баҳо беринг? Фикрингизни асосланг”.*

Бу гуруҳ аъзолари аввал ака-ука бийларнинг тўйда изза қилиниши сабабини аниқлашади. Изза бўлган бийларнинг ҳолатини тасаввур қилишади. Бойсарининг закотни нотўғри тушуниши сабабларини аниқлашади. Шу асосда қўйилган масаланинг ечимини топадилар.

3-муаммо: *“Ўйлаб кўринг: қалмоқлар қайси жиҳатдан Барчинойга тенг эмас. Ота нега бунча газабда? Унинг жаҳли чиққани:*

“Қалмоқларга қизим қандай бераман?!
Юрагим тўлгандир дийдаи ғамда
Барчинойни ўз тенгига қўшмасам,
Маҳшар куни Барчин қўли ёқамда”

дегани сабабларини аниқланг. Мазкур вазиятнинг исломий асосларини қидиринг”. Бу масаланинг ечимини топишда ўқувчилар аввал ўз юртидан Қалмоққа кўчиб бораётган Барчиннинг, умуман, барча элнинг ҳолати,

кайфияти, кечинмаларини таҳлилга тортадилар. Ёртибой образи ҳақида фикрлашадилар. Бу жараёнда қалмоқ алпларининг Барчинга харидор бўлиб Бойсарининг уйига боришлари, ўзларини тутишларига ҳам эътибор қаратилади.

4-муаммо: *«Барчиной табиатини тасвирланг. Унинг:*

*“... Кўп йиғлама, жоним отам, дарвишим,
Эшитмагин қариндошлар сўзини,
Қариндошлар бера қолсин қизини!”*

сўзлари унинг табиатидаги қайси жиҳатларни билдиради?” Бу гуруҳда ҳам Ёртибой образи ҳақида фикрлашади. Барчинойнинг: *“Шул сўзимни айтиб боргин тўрамга, Зог ҳам бўлса, қўна берсин гулшанга. Баб-баробар қилдим яхши-ёмонга”*, – деган сўзлари замиридаги маънони аниқлайдилар. Шулардан келиб чиқиб Барчиннинг характерини аниқлайдилар.

5-муаммо: *Барчин билан Қалдирғоч образларини солиштиринг. Улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кўрсатинг*”. Бу гуруҳ аъзолари отасининг раъйига зид бўлса-да, акасини хатарли сафарга ундаётган Қалдирғоч хатти-ҳаракатларига, сўзларига муносабат билдирадилар. У акасига нега бунча аччиқ гапларни айтди? Барчинойнинг Алпомишдан совчи ва хабарчи бўлиб келган Қоражонга берган жавоби ва Барчинойнинг Алпомишга қарата айтган аччиқ сўзларига асосланадилар.

6-муаммо: *“Кўкалдошни йиқитолмаётган Алпомиш ҳолатига ва унга қудрат берган манбага муносабат билдиринг:*

*Қизлар сизни нармода деб айтади,
Қизларнинг айтгани менга ботади.
Мардлар олишмайди силтаб отади,
Майдон бўлса, иши кўрсатиб кетади,
Бўш одамнинг иши кейин кетади.*

Ўқувчилар мазкур сахнани қайта ўқийдилар. Ошиқларнинг ҳаёти ва тақдирида, тутумларида маъшуқаларнинг таъсирини таҳлилга тортадилар.

7-муаммо: *«Бойсарининг:*

«Менинг қизим — сенинг синглинг, номардлар.

Қизинг бер, деб менинг кўнглим бўласан,

Суягимни ёнган ўтга соласан...»

сўзларидаги ҳақиқатни аниқланг. Қандай қилиб бировнинг қизи бировга сингил бўлиши мумкин?» бу гуруҳ аъзолари туркий халқларнинг эл-уруф масаласига жиддий қараганларига таянадилар.

Ўқитувчи муаммолар ўқувчиларга етиб боргач, гуруҳларнинг ҳар бири ўз йўналиши бўйича дostonдаги қайси лавҳаларга, қандай масалаларга эътибор қаратишларини аниқлатади, гуруҳ аъзоларига муаммонинг ечими сари йўналиш беради. Сўнг вазиятга қараб маълум вақт белгиланади: 15–20 дақиқа. Ажратилган вақт якунига етгач, барча гуруҳлар иш фаолиятини тўхтатадилар ва ўз муаммоларининг ечимини тақдимот шаклида намойиш этадилар. Тақдимот жараёнида маърузачининг фикр ифодалашига, ўз муаммоларининг ечимини кўрсатиб беришларига ҳалақит қилинмайди. Фикрлар тугаганидан сўнг ўртоқларнинг мулоҳазалари, муносабати эшитилади. Барча гуруҳлар ўз тақдимотларини тугатгач, баҳолаш жараёни бошланади. Бу жараёнда адолат устувор бўлиши шарт. Яъни қўйилган муаммонинг мураккаблик даражаси, ечимнинг қанчалик асослилиги, фикрларнинг тиниқлиги, далилларнинг ҳаётийлиги инобатга олинади. Лекин бирорта гуруҳга ҳам ёмон баҳо қўйилмайди. Ўз олдига қўйилган муаммонинг ечими сари интилган, изланган, бу борада ўз фикрларини айтган ўқувчига ёмон баҳо қўйиш мумкин эмас. Дарс жараёнида ҳар хил вазиятлар бўлиши мумкин, албатта. Бундай вазиятларда ўқитувчи ўз касбий компетентлигига таяниб иш кўради.

Хулоса қилиб айтганда, адабий таълимнинг ҳар босқичида муаммоли таълим элементларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини, ижобий мотивациясини шакллантиришда, билишга бўлган эҳтиёжини мустақил равишда қондиришда, ижодий қобилиятларини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этади. Машғулотнинг асосий тури сифатида ишлатиладиган муаммоли таълим коммуникация қобилиятлари ва мантиқий

фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга ҳисса қўшади. Мулоҳаза ва далиллар расмий мантиқ қонунларига биноан тузилган гап шаклида хулосага айланади.

Муаммоли ўқитишнинг самарадорлиги педагогик шароитга ва унинг адабиёт дарсларида тўғри бажарилишига боғлиқ экани маълум бўлди. Тадқиқот ишлари муаммоли таълимдан самарали фойдаланиш учун қуйидаги педагогик шартларни аниқлашга имкон берди:

- тарбияланувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантириш учун адабиёт дарсларининг имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш;

- адабиёт дарсларида ўқув фанининг ички ва предметлараро алоқаларни амалга ошириш орқали назария ва амалиёт ўртасидаги боғланишни таъминлаш ва ривожлантириш;

- адабиёт дарсларида муаммоли характердаги савол ва топшириқлардан имкон қадар кенгрок фойдаланиш;

- ўқувчиларни адабий муаммоларни ечишга йўналтириш орқали уларни ҳаётий муаммоларни ечишга тайёрлаш;

- муаммони ҳал этиш жараёнида ўқувчиларнинг ўзаро ва ўқитувчилар билан ижобий муносабатларини йўлга қўйиш;

- ўқув жараёнида ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги ҳамкорлик асосига қуриш.

Муаммоли таълимни самарали амалга ошириш учун монолог, тақдимот, мулоҳаза юритиш, диалогик усул, эвристик тақдимот, баҳс-мунозара, дидактик таҳлил ва тадқиқот каби методлардан фойдаланилади. Бу жараён ўқувчиларни мустақил фикрлашга, фаолият мустақиллигига, эвристик тадқиқотларга йўналтиради. Айтиш жоизки, адабий таълимнинг бош мақсади – маънавий баркамол шахсларни шакллантиришга асос бўлади.

Айнан адабиёт дарсларида муаммоли ўрганишни тўлиқ амалга ошириш мумкин ва унинг имкониятлари ўқув предмети таркибидаги хусусиятлар билан боғлиқ равишда кенгайди. Бадиий асарларни ўқиш ва таҳлил қилиш орқали адабиёт дарслари ўқувчиларнинг ахлоқий тарбияси, дунёқараши,

билиш билан боғлиқ кўникма ва қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Коммуникатив алоқа, тўғри тузилган мунозарани ўтказиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш ва исботлашга замин яратади.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналари билан ишлашда муаммоли таълимни самарали амалга ошириш учун тадқиқот, диалог, эвристик, баҳс-мунозара, дидактик таҳлил ва кичик гуруҳларда ишлаш каби методлари ўқувчилар мустақил фикрлашга, фаолият мустақиллигига, эвристик тадқиқотларга йўналтиради. Айти замонда, адабий таълимнинг бош мақсади – маънавий баркамол шахсларни шакллантиришга асос бўлади.

2. Умумтаълим мактаблари адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналари билан ишлашда муаммоли таълимни самарали амалга ошириш учун ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятларини инобатга олиш бу жараёнда муваффақиятларга эришишга замин тайёрлайди.

3. 5-9 синфлар адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналари билан ишлашда муаммоли таълимни самарали амалга оширишда ўқитувчининг касбий компетентлиги, муаммоли таълим технологияси ва унга хос метод ва усулларнинг назарий асосларини яхши билиши муҳим аҳамият касб этади. Акс ҳолда муаммоли таълимдан фойдаланиш жараёни кутилган натижани бермаслиги мумкин.

III БОБ. ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИНИ МУАММОЛИ МЕТОДДА ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ЭКСПЕРИМЕНТ ИШЛАРИ ТАЛҚИНИ

3.1-§. Халқ оғзаки ижоди намуналарини мактабда муаммоли методда ўрганиш жараёни таҳлили

Умумий ўрта таълим мактаблари адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли ўқитиш технологиясидан фойдаланган ҳолда ташкил этишда ўзига хос ёндашув тақозо этилади. Бу жараёни диссертация мақсадидан келиб чиққан ҳолда ташкил этишда дастлаб тадқиқот ишининг тажриба-синов дастури тузиб олинди. Дастурда қуйидагилар ўз ифодасини топди:

1. Тажриба-синов майдончалари белгилаб олинди. Тажриба-синов майдончалари этиб, Самарқанд шаҳридаги 17-, 6-, ва Пастдарғом туманидаги 39-, 72-умумтаълим мактаблари, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 19-сонли ИДУМ, Хива туманидаги 8-, Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 20-, 65-умумтаълим мактаблари белгиланди.

Дастлаб мазкур мактабларда тажриба-синов синфлари ўқув ашёлари (методик қўлланма, компьютер (шахсий), слайдлар, тест материаллари, анкета сўровномалари, карточкалар) билан тўлиқ таъминланди. Эксперимент олиб боровчи ўқитувчилар, экспертлар гуруҳи шакллантирилди. Тажриба-синов ишларига шахсан тадқиқотчининг ўзи раҳбарлик қилди.

Маълумки, адабий асарларни, хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш жараёнини диссертация мақсади асосида ташкил этиш ва бунда маълум самарадорликка эришиш, таълимни муаммоли тарзда ташкил этишда миллий асосларга таянилмаса, ҳар бир ўқувчининг ёши ва ўзига хос бўлган характер-хусусиятлари: кимнинг тез фикрлашию кимнинг қарорлар қабул қилишдаги сусткашлиги, кимнинг юмиқлигию кимнингдир ўйлаб-ўйламай оғзига келганини гапириб юбориши, кимнинг мустақил фикрлаш қобилияти кучли эканию, кимнингдир лоқайдлиги сингари жиҳатларга асосланилмаса, муаммоли ўқитишда кутилган натижани олиш

қийин. Шунга кўра муаммоли таълимга хос бўлган методлар воситасида таълим самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, уни амалга оширишнинг шарт-шароитлари ва истиқболда такомиллаштириш йўналишлари белгилаб олинди.

2. Тажриба-синов ишларининг мақсади диссертация мақсадига мувофиқ тарзда, яъни тажриба-синов майдончалари 5-9 синфлар адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли таълимга хос бўлган методлардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш диссертациянинг умумий мазмуни асосида белгиланди.

3. Дастурда тажриба-синов ишлари жараёнида белгиланган мақсадга эришиш учун диссертациядаги бир қатор вазифалар бажарилиши кўзда тутилишига ҳаракат қилинди:

1) 5-9 синфлар адабиёт дарсларини ташкил этишда муаммоли таълимдан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволини ўрганиш;

2) 5-9 синфлар адабиёт дарслари жараёнида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда муаммоли методдан фойдаланишнинг педагогик-психологик жиҳатларини аниқлаш;

3) 5-9 синфлар адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда ўқитувчиларни муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-методик асослари билан таништириш;

4) ўқитувчиларга адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда муаммоли вазият ҳосил қилишнинг илмий-амалий йўлларини ўргатиш;

5) тажриба-синов ишлари жараёнини адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижодини ўрганишни диссертацияда илгари сурилган амалий қарашлар асосида ташкил этишнинг намуналарини тақдим этиш.

4. Тажриба-синов ишлари объекти сифатида юқорида саналган мактабларнинг 5-9 синфлар “Адабиёт” дарсликларидан ўрин олган халқ оғзаки ижоди намуналари белгиланди.

5. Тажриба-синов ишлари предмети 5-9 синфлар адабиёт дарсларида

ҳалқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш жараёнининг мазмуни, методик шарт-шароитлари, шакллари, воситалари тарзида белгиланди.

6. Тажриба-синов ишлари жараёнида муаммоли таълимга хос бўлган бир қатор қуйидаги: дидактик таҳлил, муаммоли метод, анализ-синтез, баҳс-мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, суҳбат сингари методлар ва уларга хос бўлган усуллардан фойдаланиш режалаштирилди.

7. Олинган натижаларни баҳолашда педагогик кузатиш, анкета, педагогик тажриба, математик-статистик таҳлиллардан фойдаланилиши белгилаб олинди.

Тажриба-синов ишлари 2015–2019 йиллар давомида амалга оширилди ва у уч босқичда олиб борилди.

Биринчи босқич – тайёрлов босқичи бўлиб, дастлаб тажриба-синов майдончалари белгиланиб, бунда таълим самарадорлигини оширишда муаммоли ўқитишнинг амалиётдаги аҳволи ўрганилди, ўқитувчилар билан муаммоларга доир семинарлар ташкил этилди. Улар учун дарс ишланмалари, тест саволлари, ижтимоий сўровномалар ўтказилди, малака ошириш тизимларида маърузалар ўқилди (2015 – 2016 ўқув йили давомида).

Иккинчи босқич – шакллантирувчи тажриба-синов босқичида ўқитиш ишлари диссертациянинг иккинчи боби материаллари асосида тайёрланган методик тавсиялар асосида амалга оширилди. Ҳалқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли таълим асосида ўқитиш билан боғлиқ дарс ишланмалари тайёрланди ва шу материаллар асосида тажриба-синов ишлари олиб борилди (2016 – 2017 ва 2017 – 2018 ўқув йиллари давомида).

Учинчи босқич – яқунловчи тажриба-синов ишлари амалга оширилган бўлиб, унда олинган натижалар таҳлил этилди ва умумлаштирилди (2018 – 2019 ўқув йилида).

Тажриба-синов ишлари жараёнида ўқитувчилар, ўқувчилар билан суҳбат, дидактик таҳлил, маъруза, муаммоли машқлар, муаммоли топшириқлар, ҳар хил дидактик ўйинлар, баҳс-мунозаралар, китоб билан мустақил ишлаш, ахборот технологияларидан фойдаланиш,

дастурлаштирилган таълим, оғзаки савол-жавоб, ёзма ишлар, ижодий топшириқлар, мустақил назорат ишлари олиб борилди. Гап шундаки, ҳозирги даврда миллий тарбияшунослик амалиётидан фақат билимли кишилар эмас, балки маънавий баркамол, дунё бозорида рақобатбардош шахсларни шакллантириш талаб этилмоқда. Бунинг учун таълим жараёнида ўқувчининг мустақил фикрини уйғотиш, ўқув жараёнига фаол қатнашиши учун шарт-шароитлар яратиш, бу фаолликни дарс давомида таъминлаш, ўқув фаолиятини маълум мақсад сари йўналтириб, унинг ақлий фаолиятини тўғри ташкил этиш, муносабат билдиришга, хулосалар чиқаришга йўллаш муаммоли таълимга хос бўлган методларнинг асосини ташкил этади. Бу қарашлар тажриба-синов жараёни қатнашчиларига етказилди.

Тадқиқот жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишларида таълим самарадорлиги ўқувчилар билан олиб борилган маълум мавзулар асосида ташкил этилган махсус дарслар, ёзма ишлар, тестлар, сўровномалар орқали аниқланди.

Тажриба-синов ишлари эксперимент майдончаларидаги 5-синфларда халқ мақоллари ва топишмоқлар, “Уч оға-ини ботирлар” ва “Сусамбил” эртакларини ўрганиш асносида; олтинчи синфларда халқ кўшиқларини ўрганиш мисолида; 7-синфда “Равшан” достонини; 8-синфда “Кунтуғмиш” ва 9-синфларда “Алпомиш” достонини ўрганиш мисолида амалга оширилди.

Масалан, тажриба-синовга тортилган 5-синфларда халқ мақолларини ўрганишда диссертациянинг иккинчи боби биринчи параграфиди тавсия этилган иш услубидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди (3.1.1-жадвалга қаранг).

3.1.1-жадвал

5-синфда мақолларни муаммоли метод асосида ўрганиш

т\р	Мақоллар	Муаммолар	Ечим учун саволлар
1.	Бирни кўриб, фикр қил,	Фикр қилмаслик ва шукур	1) “Фикр қилиш”ни қандай тушунасиз?

	<p>Бирни кўриб, шукур қил</p>	<p>қилмаслик оқибати нима бўлиши мумкин?</p>	<p>У қандай амалга оширилади? 2) Нима учун одам фикр қилиши керак деб ўйлайсиз? 3) “Бирни” деганни қандай тушундингиз? Бу “бир” нима ёки ким? 4) “Шукур қилиш”, сизнингча қандай бўлади? 5) Кимга ва нима учун шукур қилинади деб ўйлайсиз?</p>
<p>2.</p>	<p>Иззат тиласанг, кўп дема, Сихат тиласанг, кўп ема.</p>	<p>Кўп дейиш ва иззат билан кўп ейиш ва сихатнинг бир-бирига қандай алоқаси бор?</p>	<p>1) Сизнингча, иззат нима? “Сихат”ни қандай тушундингиз? 2) “Кўп дема”ни ўз сўзларингиз билан тушунтириб беринг. 3) Кўп гапиришнинг одам иззат-хурматига қандай зарари бўлиши мумкин деб ўйлайсиз? 4) Кўп овқат ейишнинг саломатликка қандай зарари бўлиши мумкин, нима деб ўйлайсиз? 5) Нима деб ўйлайсиз, иззат-хурмат ва</p>

			саломатликнинг инсон шахси ҳамда ҳаёти учун қандай аҳамияти бор? Улар бўлса, нимага эришиладию бўлмаса, одам нима йўқотади?
3.	Олтовлон ола бўлса, Оғзидагини олдирад. Тўртовлон тугал бўлса, Тепадагини эндирад	Оғзидагини олдириш билан «Тепадагини эндирад»нинг одам учун нима аҳамияти бор?	1) Нима деб ўйлайсиз, “олтовлон” деганда нима назарда тутилаётган бўлиши мумкин? 2) “Ола бўлиш” ҳақида ўйлаб кўринг. Уни қандай тушундингиз? 3) Сизнингча, “оғзидаги” дегани нима дегани? 4) “Тўртовлон” деганда, сизнингча, нима ҳақида гап кетяпти? 5) “Тепадаги” сўзини қандай тушундингиз? “Эндирмоқ” сўзи нимани англатишини биласизми? 6) “Тепадан эниш” ҳақида эшитганмисиз? Фикрингизни шарҳлаб, ўртоқларингизга тушунтириб беринг.
4.	Дўст ачитиб гапирар, Душман –	Ачитиб гапирган дўстдан кулдириб	1) “Ачитиб гапириш”ни қандай тушунасиз?

	кулдириб	гапирган душман яхши	<p>2) Дўст, сизнингча, ўзи сизга дўст бўлса, нима учун ачитиб, дилингизни оғритиб гапиради?</p> <p>3) Душман сизга дўст бўлмаса ҳам сизни кулдириб, яхши гапиради. Бунинг тагида қандай ҳақиқат яширинган бўлиши мумкин, нима деб ўйлайсиз?</p> <p>4) Ҳар иккаласидан қайси бирининг гапи сиз учун фойдали деб ўйлайсиз? Нега бундай хулосага келдингиз?</p>
5.	Яхши билан юрсанг, етарсан муродга. Ёмон билан юрсанг, қоларсан уятга.	“Муродга етиш” нима учун муҳиму “уятга қолиш” нимаси билан ёмон? Ҳар иккаласи сиз учун қанчалар аҳамиятли?	<p>1) Нима деб ўйлайсиз, “яхши” ким? Унинг яхшилигини нималарда кўриш мумкин, сизнингча?</p> <p>2) “Муродга етиш” ни қандай тушунасиз? Одам муродига етмаса, нима бўлади, Сизнингча? Бу яхшими ёмонми? Нима учун?</p> <p>3) “Ёмон”нинг сифатлари</p>

			<p>нималардан иборат? Нега у билан юрсангиз уятга қолишингиз мумкин?</p> <p>4) Нима деб ўйлайсиз, яхши билан ёмонни қандай аниқлаш мумкин?</p>
6.	<p>Эл қўрисанг, ўзарсан, Қўримасанг, тўзарсан.</p>	<p>Элни қўриш ёки қўримасликнинг Сизга қандай алоқаси бўлиши мумкин?</p>	<p>1) Сизнингча “эл” ким? Элни “қўриш”ни қандай тушунасиз?</p> <p>2) Элни қўриш билан сизнинг ҳаётда ўзиб кетишингизда қандай алоқа бўлиши мумкин, нима деб ўйлайсиз?</p> <p>3) “Тўзиш”ни қандай тушунасиз? Бунинг одамга қандай алоқаси бўлиши мумкин?</p> <p>4) Бу тўзиш бир сизга алоқадорми ёки бутун элга тегишли бўлиши мумкинми?</p> <p>5) Эл тўзиб кетса, нима бўлади? Сиз буни қандай тушунасиз?</p> <p>6) Тўзиб кетган эллар ҳақида нима биласиз?</p>
7.	<p>Еридан айрилган Етти йил йиғлар,</p>	<p>Ер – Ватан – Эл. Одам учун қай</p>	<p>1) “Еридан айрилиш”ни қандай тушунасиз? Бу сўз</p>

	Элидан айрилган Ўлгунча йиғлар.	бири муҳим?	мақолда ўз маъносида ишлатилияптими ёки кўчма маънодами? Фикрингизни асосланг. 2) “Ер” сўзи кўчма маънода нимани англатади, биласизми? 3) Элдан айрилиш билан ватандан айрилишнинг бир-биридан фарқи борми? Бор бўлса, нимада? 4) Ҳар иккаласидан айрилишни қандай тушунасиз? Бу айрилиқнинг ўлим билан қандай алоқаси бўлиши мумкин?
8.	Олим бўлсанг, Олам сеники!	Одам. Олам. Олим. Бу учала тушунчанинг сизга қандай алоқаси бор?	1) “Олим бўлиш”ни қандай тушунасиз? 2) “Одам бўлиш” деганда нимани тушунасиз? Одамликка қўйилган мезонлар ҳақида ўйлаб кўринг. 3) Олим бўлиш осонми, одам бўлишми? Ҳар иккаласининг мезонлари қачон ва ким томонидан

			<p>кўйилгани ҳақида ўйлаб кўринг.</p> <p>4) Нима деб ўйлайсиз, сиз учун олим бўлиш муҳимми, одам бўлишми? Нега шундай деб ўйлайсиз?</p> <p>5) Нима, олим бўлиш ёмонми? Унда нега бу мақолда олимлик илгари суриляпти?</p> <p>6) Олам одам учун муҳимми, олим учунми? Бу муҳимлик, Сизнингча, нимадан иборат?</p> <p>7) “Олам сеники”ни қандай тушундингиз? Олам сизга керакми? Нима учун?</p>
9.	Хунарли киши хор бўлмас.	<p>“Хунарли” ва “Ўқимишли”.</p> <p>Ҳар иккала тушунчадан қайси бири одам учун муҳим?</p>	<p>1) Нима деб ўйлайсиз, хунар нима?</p> <p>2) “Хорлик”ни қандай тушунасиз?</p> <p>3) Ўқимишли одам ҳам хор бўлиши мумкинми? Нима учун?</p> <p>4) “Хунарли” ва “Ўқимишли” одамга мисол келтиринг.</p>

			5) Сиз қай бирини танлайсиз? Нима учун?
10.	Билмам, Мавло найлар, Найласа-да гўзал айлар.	Мавло (Аллоҳ)нинг гўзал бўлмаган ишлари замиридаги гўзаллик нимадан иборат? Бу гўзал бўлмаган гўзалликнинг сабабчиси ким ёки нима?	1) “Найлар” сўзини қандай тушундингиз? 2) Аллоҳнинг бандалар яхши тутумларини рағбатлантириши сабаби нимада деб ўйлайсиз? 3) Нотўғри хатти-ҳаракатлар учун жазоланишнинг сабаби нимада, Сизнингча? Бу ҳам Аллоҳнинг гўзал тутумими? Унинг гўзаллиги нимада деб ўйлайсиз? 4) Яратувчи қудратнинг рағбати ҳам, жазоси ҳам нима учун гўзал баҳоланиши ҳақида ўйлаб кўринг.

Мазкур мақоллар устида муаммоли ишлаш билан боғлиқ методик тавсиялар методик қўлланма шаклида ўқитувчиларга етказилди. Муаллиф томонидан намуна сифатида битта мақол устида муаммоли ишлаш йўллари тажриба синфида кўрсатиб берилди. Дарслар жараёнида ўқувчиларнинг билимлари баҳолаб борилди. Олинган натижалар назорат синфидаги мақоллар устида оддий ишлаш жараёнида олинган натижалар билан таққосланиб борилди.

Сўнгра топишмоқлар, “Уч оғи-ини ботирлар” ва “Сусамбил” эртаклари

ҳам диссертацияда илгари сурилган назарий қарашлар ва амалий тавсиялар асосида муаммоли таълим асосида амалга оширилди. Бу жараёнда ҳам диссертант томонидан тавсия этилган муаммоли савол ва топшириқларга таянилди. Олинган натижалар таққослаб борилди.

Тажриба-синов майдончаларидаги олтинчи синфларда халқ кўшиқларидан бири «**Бошгинам оғрийди**»ни ўрганиш жараёни муаммоли таълимга хос бўлган дидактик таҳлил методидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди:

– *Онажон, онажон!*

Бошгинам оғрийди-я.

– *Бошгинангдан онанг айлансин,*

Нималарга оғрийди-я?

– *Бозорларда бўлар экан,*

Заргарларда турар экан,

Унинг оти тиллақош,

Ўшанга оғрийди-я!

– *Онажон, онажон!*

Бўйним оғрийди-я.

– *Бўйнигинангдан онанг айлансин,*

Нималарга оғрийди-я?

– *Бозорларда бўлар экан,*

Заргарларда турар экан,

Унинг оти бўйинтумор,

Ўшанга оғрийди-я!

– *Онажон, онажон!*

Қулогим оғрийди-я.

– *Қулоққинангдан онанг айлансин,*

Нималарга оғрийди-я?

– Бозорларда бўлар экан,
Заргарларда турар экан,
Унинг оти олтин сирга,
Ўшанга оғрийди-я!⁷³

Тажриба синфларида ўқувчилар кўшиқ матни билан таништириб бўлингач, ўқитувчилар улар билан биргаликда матннинг моҳиятига кириш учун қуйидаги бир қатор савол ва топшириқлар билан мурожаат қилдилар ва асарнинг дидактик таҳлилини амалга оширдилар:

- 1) Ўйлаб кўринг-чи, онага бундай талаблар билан мурожаат қилаётган суҳбатдош ким? Сиз буни қандай аниқладингиз?
- 2) “Тиллақош” нима эканини биласизми? У қандай тақинчоқ?
- 3) «Бўйинтумор»нинг ҳозирги шакли қандай, сизнингча?
- 4) Қиз бола нима учун бу заргарлик буюмларини «олиб беринг» деб талаб қилмасдан ҳар хил сабаблар ўйлаб топияпти? Сизнингча, бу нимадан далолат беради?
- 5) Бу ўзбек қизларига хос бўлган қандай фазилатдан далолат беради?
- 6) Нима деб ўйлайсиз, она қизига сўраган тақинчоқларини олиб берадими?
- 7) Онанинг қизини «онанг айлансин» дея эркалаши нимадан далолат беради, сизнингча?

Ҳамкорлар шу савол ва топшириқлар устида ишлаб, асарнинг дидактик таҳлилини амалга оширишгач, ўқитувчи: **«Бу кўшиқнинг яратилиш сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг»** тарзида ўқувчиларни мулоҳаза юритишга ундовчи муаммоли топшириқни ўртага ташлашди.

Ўқувчиларнинг баъзилари бунга сабаб қилиб халқнинг камбағаллигини кўрсатишди, айримлар «қизларнинг орзуси ифодаланган» дейишди.

⁷³ Ahmedov S. ba boshq. Adabiyot. Q. 2. – T.: «Ma’naviyat», 2017. –B. 27.

Ўқувчилардан ўз фикрларини асослаш талаб қилинди. Самарқанд шаҳридаги 17-мактабдаги тажриба синфларида муаммоли дарс унчалик қизиқарли чиқмади (буни 3.2-§ даги 3.2.1-жадвалда аниқ кўриш мумкин). Қўйилган муаммо ўқувчиларни ўзига тортмади. Ўқитувчи уларни қизиқтира олмади. Бошқа мактабларнинг барчасида кутилган самарадорликка эришилди.

Маълумки, миллий таълим тизимида комил инсонни тарбиялашда маънавий етуклик асосий мақсад ҳисобланади. Маънавий камолотга эришиш эса билимларни ўзлаштириш, мустақил фикрлаш ва ижодкорлик орқали амалга оширилади. Бунга эса инсон руҳиятига таъсир кўрсатиш орқали эришилади. Ҳозирги даврда миллий таълимда ўқитишнинг миллий хусусиятлари, ўзига хослигини ҳисобга олиш тақозо этилади. Бу, айниқса, мактабда ижодий тафаккур ва мустақил фаолият асоси бўлган муаммоли таълим жараёнида яққол намоён бўлади. Маълумки, муаммоли таълим орқали ўқувчиларнинг билими, кўникма ва малакалари айнан уларнинг ҳис-туйғулари, кечинмалари орқали ифодаланади.

Масалан, 7-синф ўқувчиларига «Равшан» достонини ўрганишни муаммоли методдан фойдаланган ҳолда ташкил этиш жараёнида ҳам диссертацияда илгари сурилган қарашларга таянилди. Ўқувчилар асар матни билан танишиб бўлганларидан сўнг: **“Отаси бўлмаса, Равшан мақсадига эриша олмасди?”** тарзидаги ўқувчилар мулоҳаза юритишга ундовчи муаммоли масала қўйилди. Муаммонинг ечими жараёни баҳс-мунозара асносида, фикрлар, қарашлар “жанги” натижасида маълум бўлди.

Дастлаб ўқувчиларни олдиларига қўйилган бу муаммоли масаланинг ечими сари йўналтирилиб:

1. “Равшанбек Гуланорга қиз бола сифатида қараганмиди ёки уни шунчаки сингил деб билармиди? Буни қандай англадингиз?” саволлари ўртага ташланди. Бу саволга жавоб излаш асносида ўқувчиларнинг диққати матндаги: *“Гуланор кўп сулув: яхши суратли, ширин сўзли, қуралай кўзли, узун бўйли, кенг кўкракли, хуш хаёл, зеҳни тез, серфаҳм қиз эди. равшанбек унинг билан мактабда бирга ўқиганда, кўзининг остига босиб қўярди.*

Гўрўзлибекнинг бу сўзи Равшанбекка ҳам ёқиб қолди” тарзидаги тавсифга қаратилди.

Ўқувчиларининг кўпчилиги ўзларига хос хулосаларни чиқардилар. Дарс жараёнида фикр айтган ўқувчилардан ўз фикрларини дoston матнидан мисоллар келтириб асослаш талаб қилинди. Бобосининг гапи ёқиб тушган Равшанбек қизларга бепарво қарайдиган ёшдан ўтганини аниқладилар. Гуланорнинг Равшанбек *“кўз остига босиб қўйган”* фазилатларига таяниб *“сулув”* сўзининг моҳияти очилди.

2. Равшанхон муҳаббати рад этилгани учун *“товушининг борича „во“ деб бақриб, йиғлаб қайтаверди”*ми ёки бунинг бошқа сабаблари бормиди?

3. Равшаннинг Юнус пари берган сеҳрли узукда тасвирланган гўзални бир кўришда ошиқ бўлиб: *“Зулхуморга зойибона кўнгил қўйиб, ишқивоз бўлиб, ўзига-ўзи айтди: „Келе, Авазнинг қизи бўлмаса, Қорахоннинг қизи-да! Аваз қизини бермади деб, менинг йиғлаб юрганим қандай“* деб йўлга чиқиши унинг табиатига хос бўлган қандай сифатлардан далолат беради? Йигитчиликда бу қандай баҳоланади?

4. Равшан не сабабдан ҳеч кимга билдирмай йўлга отланган эди? У нимадан уялди? Авазхон унга қизини бермаганиданми ёки отасини ўзига тенг кўрмаганиданми ёхуд Равшаннинг бошқа бир уятлик ишлари бормиди?

5. *“Отасини кўриб, асло далага чиқмаган бола эмасми, йиғлаб юборди”* тасвирига таяниб Равшаннинг йиғлаб юборгани сабаби ҳақида ўйлаб кўринг.

6. Достонда Равшаннинг: *«Бир нечалар ўз ҳолини ченгнамас»* ва *«Азиз бошинг оёғимга тенг эмас...»* тарзидаги иқрори унга хос бўлган қандай сифатни англатади? ва ҳоказо савол ва топшириқлар кўмагида ўқувчилар Равшаннинг шахсини кашф этадилар.

Бир юртнинг подшосига қарата бундай катта гапни айта олиш учун одамнинг ичи «катта» бўлиши керак. Бу катталик одам туғилганидан бошланиб катта бўлган муҳити, томирларида оқаётган қон, оила аъзоларининг тутумлари, турмуш тарзи асносида йиллар давомида мисқоллаб руҳиятига сингиб боради. Уни ақл билан бошқариб бўлмайди.

Таълим жараёнида ҳам сингдириб бўлмайди. Равшан, гарчи отасини кўриб йиғлаб юборган бўлса-да, унинг тийнатида катта ғурур, катта ор, катта шаън мавжуд. Йиғи ҳали болалик таъсиридан чиқиб улгурмаган ёлғиз, эрка ўсган ўғилнинг лаҳзалик заифлиги, холос. Унинг асли баланд.

Шундай фазилатларни ўзида жамлаб шаклланиб келаётган йигит ҳали бир оз ёшлиги, орият ҳаққи ўз имкониятидан баланд дорларга “осилиб” кўйгани маълум бўлди. У бу туйғулари билан отасидан-да жасур, отасидан-да мард, орчил йигит бўлиб шаклланаётганини ўқувчилар муҳокама жараёнида англадилар.

Сухбат тугагач, ўқитувчи ўқувчилар олдига қўйилган муаммоли саволга хулоса шаклидаги муносабати сўралди: “Хўш, қани энди айтингчи, “Отаси бўлмаса Равшан мақсадига эриша олармиди?”

Еттинчи синф ёшидаги ўқувчиларнинг кўпчилиги бу муҳокамалардан сўнг Равшан ҳақида юқорида назарда тутилган фикрларни умумий тарзда ифодаладилар. Деярли барча тажриба синфларида кутилган натижага эришилди. Ўқувчиларнинг кўпчилиги муаммога ижобий муносабат билдиришмади, яъни муаммода кўтарилган масалани тўғри деб топишмади.

Шу тариқа турфа фикрлар тўқнашуви, баҳс ва мунозаралар асносида ўқувчиларда кузатувчанлик ҳамда зийрак назар шаклланишига шароит яратилди. Ўқувчилар одамлар ҳақида ҳукм-хулоса чиқариш осонмаслигини англадилар. Бадиий асардан юқоридаги каби характерли деталларни ажрата билиш, туйғуларни ифодалай олишга йўналтирилдилар. Бу, ўз навбатида, мустақил тафаккурни ҳам, дунёқарашни ҳам ривожлантирди.

Тадқиқот жараёнида ўқувчиларнинг билим даражаси, кўникма ва малакаларининг ортганлиги яққол намоён бўлди.

Тажриба-синов майдончаларидаги 8-синфларда халқ оғзаки ижодидан «Кунтуғмиш» достонини муаммоли ўрганиш борасида тажриба-синов ишлари олиб борилди. Бунда муаммоли таълимга хос бўлган **муаммоли-диалог методидан** фойдаланилди. «Кунтуғмиш» достонини ўрганишга дастурда 4 соат ажратилган.

Тажриба синфларида ҳам, назорат синфларида ҳам аввал достон матни билан танишилди. Сўнгра диссертациянинг иккинчи бобида тавсия этилган барча савол ва топшириқлар асносида асарнинг дидактик таҳлили амалга оширилди. Ўқувчиларни асарнинг моҳиятига чуқур олиб кирган, уларни достондаги ҳар бир қаҳрамоннинг характер-хусусиятларини фарқлашга йўналтирган ўқитувчилар улар олдига қуйидаги муаммоли масалани қўйдилар: **«Сиз иккита достон – «Равшан» ва «Кунтуғмиш» билан танишдингиз. Сизнингча, уларни нима бирлаштиради ва улар бир-бирини қандай тўлдирди?»**

Ўқувчиларни муаммо ечими сари йўналтириш мақсадида айрим саволлар ўқитувчилар томонидан ўртага ташланди: “Холбеканинг тушини изоҳланг. “Равшан”да туш деталидан қандай фойдаланилган эди? Унинг “Кунтуғмиш” достонига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида тўхталинг. Ҳар иккала достондаги ошиқлар ва маъшуқалар тимсолларини таққосланг. Ошиқ-маъшуқларнинг муҳаббат йўлида чеккан изтироблари мисолида халқнинг бу борадаги қарашларини тўплаган материалларингиз асосида баҳоланг”. Шу сингари бир қатор савол ва топшириқлар ўқувчиларни муаммонинг ечими сари етаклади.

Ўқувчилар ўз жавобларида ўқиган асарлари, дарсликлардаги ҳар иккала достон ҳақидаги мақолалар, қўшимча адабиётлар ва интернет материаллари асосида тўплаган маълумотларига, адабий танқидчиликдаги қарашларга таянган ҳолда фикр айтдилар. Бир-бирларининг фикрларига муносабат билдирадилар. Бу жараёнда ўқитувчининг ёрдамчи саволлари асносида ўз қарашларини конкретлаштирадилар.

“Кунтуғмиш” достонининг бошқа варианты ҳақида фикр айтилганда, эса иккала вариантдаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатлар ҳақида ҳам мулоҳаза юритишга ундалиб: “Маъшуқасидан хабар топган Кунтуғмишнинг синглисидан рухсат олишни сўраб унинг ўзига эмас, балки ўзининг йигитларига мурожаат қилганлиги сабабини тушунтириб беринг” тарзидаги

турфа савол ва топшириқлар ҳам ўқувчиларнинг адабиётшунослик қўникмаларини такомиллаштиришга кўмаклашди.

Муаммонинг ечимини таъминлаш жараёнида ўқувчилар тўплаган материаллари асосида: «*Достонга берилган энг мақбул талқин, сизнингча, қайси? Сизнинг назарингизда унинг тўғрилиги ва асослилиги нималардан иборат?*» тарзидаги саволларга жавоб берар эканлар, англаб-англамай ўзларида адабий синчиликнинг белгиларини намоён этдилар. Ўқитувчилар тадқиқотчи билан биргаликда ўқувчиларда бўй кўрсатган бу каби бир қатор сифат-қобилиятларни илғаб муносиб баҳолаб бордилар.

Юқори синфлар адабий таълимини муаммоли ўқитиш шаклида ташкил қилишда мазкур технологияга хос бўлган самарали методлардан яна бири **кичик гуруҳларда ишлаш методидан** фойдаланишни халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида «Алпомиш» достони тақдим этилди⁷⁴. Асардан олинган парча устида ишлаш учун 5 соат вақт ажратилган.

Дастлаб ҳар иккала синфларда ўқитувчи ва ўқувчилар биргаликда асар матни (дарсликдаги парча асосида) билан танишдилар. Сўнгра тажриба синфларида мазкур асар устида ишлашни ташкил этиш билан боғлиқ мақсад, яъни уни муаммоли таълим технологиясидан фойдаланган ҳолда ўрганишлари, бунинг учун кичик гуруҳларда фаолият олиб боришлари ўқувчиларга маълум қилинди. Гап шундаки, тўққизинчи синф ўқувчилари ҳар бир дарснинг мақсади ва вазифаларидан хабардор бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу уларнинг ўз иш жараёнини тўғри белгилаб олишига замин тайёрлайди.

Кичик гуруҳларда ишлаш жараёнини қоидага биноан ташкил этиш учун аввал ўқитувчилар ўқувчиларга ўз гуруҳларини ўзлари белгилашларини таклиф этдилар. Гап шундаки, ихтиёрий равишда шаклланган гуруҳларда ўзаро англашилмовчиликларнинг олди олинади. Гуруҳ аъзоларининг иш жараёни самарали кечади. Фақат уларнинг сонини ўқитувчиларнинг ўзлари

⁷⁴ Yo'ldoshev Q. va boshq. Adabiyot. 9-sinf uchun darslik. Qayta ishlangan 4-nashri. – T.: “O‘zbekiston” NMIU, 2019. –B.8–46.

синфлардаги ўқувчиларнинг умумий сонидан келиб чиққан ҳолда белгилаб беришди. Гуруҳлар шаклланиб бўлгач, айрим синфларда уларга муаммоли топшириқлар ялпи ҳолда яна танлаш имконияти билан тақдим этилди. Баъзи синфларда эса гуруҳларнинг интеллектуал имкониятларига таянган ҳолда муаммоли масалаларни ўқитувчининг ўзи тақсимлаб берди.

Муаммолар ўқувчиларга етиб боргач, ўқитувчилар гуруҳларнинг ҳар бири ўз йўналиши бўйича дostonдаги қайси лавҳага, қандай масалаларга эътибор қаратишларини аниқладилар, гуруҳ аъзоларига ўз олдларига қўйилган муаммонинг ечими сари йўналиш бердилар. Сўнг вазиятга қараб 15 дақиқа вақт ажратдилар. Ажратилган вақт якунига етгач, барча гуруҳлар иш фаолиятини тўхтатдилар ва ўз муаммоларининг ечимини тақдимот шаклида намойиш этдилар.

Диссертант ва экспериментатор ўқитувчилар томонидан тақдимот жараёнида маърузачиларнинг фикр ифодалашига, ўз муаммоларининг ечимини қанчалик очиб беришларига диққат қилинди. Фикрлар туганидан сўнг бошқа ўқувчиларнинг мулоҳазалари, муносабатлари эшитилди. Барча гуруҳлар ўз тақдимотларини тугатгач, баҳолаш жараёнида қўйилган муаммонинг мураккаблик даражаси, ечимнинг қанчалик асослилиги, фикрларнинг тиниқлиги, далилларнинг пишиқлиги ва ҳаётийлиги инобатга олинди. Лекин бирорта гуруҳ аъзоларига ҳам ёмон баҳо қўйилмади. Дарс жараёнида юз берган ҳар хил вазиятлар, муаммо ечими топилмай фикрлар тугаб қолиш ҳолатлари, гуруҳ аъзолари орасидаги келишмовчиликлар сингари ҳолатларда ўқитувчи ва тадқиқотчининг касбий компетентлиги қўл келди.

Ўқитувчилар синфдаги гуруҳлар сонидан келиб чиқиб қуйидаги муаммоларни танлаб олдилар (3.1.2-жадвалга қаранг):

«Алпомиш» достони мазмуни юзасидан тақдим этилган муаммолар

Т/р	Муаммонинг номи
1-муаммо	«Қоражоннинг Алпомишга ёрдам берганини қандай баҳолаш мумкин? Бу унинг ўз туғишганларига хиёнатими ёки Аллоҳ кўнглига солган ҳақиқатми ёхуд унинг Алпомишга меҳрими? Сиз қайси бирини устувор деб биласиз? Нима учун?»
2-муаммо	“Закоат воқеаси тасвирига таяниб, Бойбўри билан Бойсари муносабатларини изоҳланг. Ака-укаларнинг характери ва ички дунёсига баҳо беринг? Фикрингизни асосланг”.
3-муаммо	“Ўйлаб кўринг: қалмоқлар қайси жиҳатдан Барчинойга тенг эмас. Ота нега бунча ғазабда? Унинг жаҳли чиққани: <i>“Қалмоқларга қизим қандай бераман?!</i> <i>Юрагим тўлгандир дийдаи гамда</i> <i>Барчинойни ўз тенгига қўшмасам,</i> <i>Маҳшар куни Барчин қўли ёқамда”</i> дегани сабабларини аниқланг. Мазкур вазиятнинг исломий асосларини кидиринг”.
4-муаммо	«Барчиной табиатини тавсифланг. Унинг: <i>“... Кўп йиғлама, жоним отам, дарвишим,</i> <i>Эшитмагин қариндошлар сўзини,</i> <i>Қариндошлар бера қолсин қизини!”</i> сўзлари унинг табиатидаги қайси жиҳатларни билдиради?»
5-муаммо	“Барчин билан Қалдирғоч образларини солиштиринг. Улар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кўрсатинг”
6-муаммо	Кўкалдошни йиқитолмаётган Алпомиш ҳолатига ва унга кудрат берган манбага муносабат билдиринг: <i>«Қизлар сизни нармода деб айтади,</i>

	<p><i>Қизларнинг айтгани менга ботади.</i> <i>Мардлар олишмайди силтаб отади,</i> <i>Майдон бўлса, иш кўрсатиб кетади,</i> <i>Бўш одамнинг иши кейин кетади».</i></p>
7-муаммо	<p>«Бойсарининг: «Менинг қизим — сенинг синглинг, номардлар. Қизинг бер, деб менинг кўнглим бўласан, Суягимни ёнган ўтга соласан...» сўзларидаги ҳақиқатни аниқланг. Қандай қилиб бировнинг қизи бировга сингил бўлиши мумкин?»</p>

Тажриба жараёнида маълум бўлдики, адабий таълимнинг ҳар босқичида муаммоли таълим элементларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини, ижобий мотивациясини шакллантиришда, билишга бўлган эҳтиёжини мустақил равишда қондиришда, ижодий қобилиятларини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этди. Машғулотнинг асосий тури сифатида ишлатиладиган муаммоли таълим коммуникация қобилиятлари ва мантиқий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшди. Мулоҳаза ва далиллар расмий мантиқ қонунларига биноан тузилган гап шаклида хулосага айланди.

Муаммоли ўқитишнинг самарадорлиги педагогик шарт-шароитга ва унинг адабиёт дарсларида қанчалик тўғри амалга оширилишига боғлиқ экани маълум бўлди. Тадқиқот ишлари муаммоли таълимдан самарали фойдаланиш учун қуйидаги педагогик шартларни аниқлашга имкон берди:

- тарбияланувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантириш учун адабиёт дарсларининг имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш;

- адабиёт дарсларида ўқув фанининг ички ва предметлараро алоқаларни амалга ошириш орқали назария ва амалиёт ўртасидаги боғланишни таъминлаш ва ривожлантириш;

- адабиёт дарсларида муаммоли характердаги савол ва топшириқлардан имкон қадар кенгроқ фойдаланиш;

- ўқувчиларни адабий муаммоларни ечишга йўналтириш орқали уларни ҳаётий муаммоларни самарали ҳал этишга тайёрлаш;

- муаммони ҳал этиш жараёнида ўқувчиларнинг ўзаро ва ўқитувчилар билан ижобий муносабатларини йўлга қўйиш;

- ўқув жараёнида ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги муносабатларни ҳамкорлик асосида қуриш.

Бу жараён ўқувчиларни мустақил фикрлашга, фаолият мустақиллигига, адабий таълимнинг бош мақсади – маънавий баркамол шахсларни шакллантиришга асос бўлди.

Айнан адабиёт дарсларида муаммоли ўрганишни тўлиқ амалга ошириш мумкин эканлигига амин бўлинди ва унинг имкониятлари ўқув предмети таркибидаги хусусиятлар билан боғлиқ равишда кенгая бориши мумкинлиги асосланди. Бадиий асарларни муаммоли таълим ва унга хос бўлган бир қатор методлардан фойдаланган ҳолда ўрганиш орқали адабиёт дарслари ўқувчиларнинг ахлоқий тарбияси, дунёқараши, билиш билан боғлиқ кўникма, малака ва қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам бериши маълум бўлди. Коммуникатив алоқа, тўғри тuzилган мунозарани ўтказиш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш ва исботлашга замин яратиши тасдиқланди.

3.2-§. Ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларининг математик-статистик таҳлили

Ҳозирги даврда таълим ислохотларининг асосий мақсадларидан бири билимли, малакали ва рақобатбардош кадрларни тайёрлаш экан, бу борада таълим сифатини юқори поғонага кўтариш учун диққат-эътиборни таълимнинг илмий-методик жиҳатдан самарадорлигини оширишга қаратиш зарурлиги асосий вазифалардан биридир.

Бугунги кунда умумий ўрта таълимдаги жиддий ўзгаришлар, ўқитиш методикасини такомиллаштириш ишига ҳукумат миқёсида

ёндашилаётганлиги, жаҳон педагогикаси ютуқлари, ўқитишнинг турфа технологиялари, бу борада мутахассисларнинг илмий-маърифий қарашлари, инсон ва таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари миллий тарбияшунослик самарадорлиги гаровидир.

Чунки давлат аҳамиятига боғлиқ бир қатор педагогик ҳужжатларда ҳам таълим жараёнида миллий ва умуминсоний қадриятлардан фойдаланиш, янги педагогик технологияларни киритиш алоҳида таъкидланиб, таълимни тизимли ёндашув асосида ташкил этишда барча имкониятларни ҳисобга олган ҳолда иш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада ўқитувчи-методистлар, соҳа мутахассисларининг ўқув мақсади ва вазифаларини таълимга янгиланган ёндашув асосида белгилашлари, ўқув мақсадларини синов топшириқларга, муаммоли масалаларга айлантиришлари, мавзулар мазмунини лойиҳалаштирилган вазифалар орқали юзага чиқаришга йўналтиришлари мақсадга мувофиқдир.

Бунда, энг аввало, ўқув жараёнида бериладиган билимларни муаммолар кўйиш ва уни ҳал этиш орқали амалга ошириш йўллари тақдим этиш энг самарали йўлдир. Бунда ўқитувчи ўқувчилар олдида муаммолар кўяди, ўқувчилар шу муаммоларни ечишга ҳаракат қиладилар ва уларни ечиш йўлида ўқувчилар ҳам маънан, ҳам ахлоқан, ҳам ақлан ривожланиш сари йўл тутадилар.

Муаммоли таълим том маънода изланиш-ривожланиш технологияси бўлиб, ўқувчи-талабаларни мустақил ҳолда муаммоли вазифаларни ечишга жалб этади ва уларнинг самарали мустақил фаолиятини таъминлайди. Шунингдек, бу фаолият тадқиқот методи сифатида ҳам ўқувчиларни муаммоларни мустақил ҳолда ишлаб чиқишга ва уни мустақил ҳолда ҳал этишга йўллайди. Масалан, муаммоли масалаларда иншолар, рефератлар ёзиш, семинар машғулотларини кўплаб ташкил этиш шулар жумласидандир. Шунингдек, ишбилармонлик ўйинлари, яъни ўқувчиларни касб танлашга йўллайдиган муаммоли ўйинлар ҳам, уларнинг келажакдаги фаолиятини мазмун-моҳиятини ёритишга ёрдам беради. Ишбилармонлик ўйинларининг

хилма-хил турлари мавжуд бўлиб, булар аниқ касбий вазиятларни таҳлил қилиш ва профессионал муаммолар ечимларининг натижаларини аниқлашдан иборатдир.

Бундан ташқари, тренинглари мавжуд бўлиб, улар ҳам ўқувчилар олдига қўйилган муаммоли вазифаларнинг ечими, уларнинг ўзаро муносабатлари, фикр алмашишлари, ўзаро бир-бирини тушунишлари, ўзаро тавсиф этиш жараёнларини машқ қилиш орқали билимларни ўзлаштиришларига ҳам шароит яратади. Тренингларининг ишчан муносабатлар, перцептив, ижтимоий-педагогик, ижтимоий-психологик каби турлари ҳам қўлланилади. Баҳс-мунозараларда эса турли хил қарама-қарши фикрларга эга бўлган масалаларни кўпчилик бўлиб, муҳокама этилади.

Ижтимоий-гуманитар фанлари бўйича ташкил этиладиган дарсларда муаммоли тушунтириш, ишчан ўйинлар, ўқув тренинглари, баҳс-мунозаралардан фойдаланиш имкониятлари максимал даражада мавжуд. Бундай фаол методлардан фойдаланиш орқали эгалланаётган билимлар мустақамланади, эркин фикрлар ривожлана бошлайди. Ўз нуқтаи назарини ҳимоялаш ва муҳокама қила олиш малакаси ривожланади. Бундай машғулотлар ўқувчиларда шахсни ўрганиш бўйича амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш учун ҳам хизмат қилади.

Ўқувчиларни муаммоли масалалар устида мустақил ишлашга ўргатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Адабиёт дарсларида ташкил этиладиган мустақил ишларда бадиий матн устида ишлаш жараёнида фанларга доир қизиқарли адабиётлар, у ёки бу масалаларни компьютер ёрдамида ечиш, илмий-оммавий адабиётларни ўқиш ва уларни амалиётда қўллай олиш ўқувчиларнинг илмий билимларга доир қизиқишини янада оширади.

Зеро, муаммоли таълим воситасида мустақил фикрловчи шахсни шакллантириш, келажакда ўзига хос ва мос йўлни танлай оладиган, замон талабларига жавоб берувчи, юксак маданият ва ахлоққа эга шахсни тарбиялаш имкони пайдо бўлади. Бунинг учун ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини яратиш ўта муҳимдир.

Муаммоли таълимнинг яна бир муҳим жиҳати – бу ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги муомала-муносабатдир. Чунки ҳар қандай педагогик технология маълум маънода педагогик муомала мезонларига риоя қилади. Яъни у ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги тўғри йўлга қўйилган педагогик муносабат мутаносиблигини тақозо этади.

Педагогик технология жараёнида психологияда Л.С.Выготский таълим ва психик тараққиёт ўртасидаги боғлиқлик ва таълимнинг нисбатини илгарилаб кетиши асосида ўқув фаолиятини ташкил этишга алоҳида урғу берган ⁷⁵. Шунингдек, ўқув материални индивидуаллаштириш ва табақалаштиришга асосланган таълим дастурлари талабларига мос равишда ҳар бир ўқувчига етказишда ҳам муаммоли ўқитиш шахсидаги индивидуал ва интеллектуал имкониятларни юзага чиқаришга ёрдам беради.

Шу билан бирга анъанавий, интерфаол ва муаммоли таълим технологияларини ўзаро уйғунликда олиб бориш ва бу уйғунлик ўқувчи идрокидаги яхлит образлилик, хотира ва тафаккурдаги мантиқий изчиллик, ўқув характеридаги ижобий ҳиссий фаоллик талабларига мос равишда шакллантирилиши ва намоён этилиши билан янада чуқурроқ англаб олинади.

Муаммоли таълим орқали инсонга хос бўлган мантиқий тафаккурни ривожлантириш, бунинг асосида хотира, эътиқодни шакллантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Таълим тажрибаларидан маълумки, болаларда мактабда ўқиш давридаёқ мантиқий фикр юритишни ривожлантириш учун мантиқ, нотиклик, руҳшуносликнинг дастлабки белгилари билвосита бўлмаса-да, бевосита ўргатилади. Ана шу сифатлардан ўқувчиларнинг мантиқий фикр юритиш тарбиясида ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Тарихдан маълумки, ҳамма даврларда ҳам ёш авлоднинг фикр тарбиясини, ижодий хислатларини ривожлантириш, мустақил фикр юритиш, ижодкорлик, ўз фикрини умумлаштира олиш, воқеа-ҳодисаларни таҳлил эта олиш кабиларни таркиб топтиришга кенг аҳамият берилган.

⁷⁵ Баратов Ш. Янги педагогик технология татбиқининг психологик асослари. // Олий педагогик ўқув юртлирининг ўқув жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишнинг илмий асослари: респ. илмий-методик конференциянинг материаллари. – Т.: Низомий номли ТДПУ, 2000. – Б.12.

Ана шу тажрибани ҳозирги давр таълим жараёнига татбиқ этиш учун муаммоли методни таълим жараёнига киритиш муҳим аҳамиятга моликдир. Зеро, бу билан шаклланиб келаётган шахс қадриятларни ўзлаштириш билан бирга ижодий тафаккур ҳамда мустақил фикрга эга бўлиш орқали замон талабига жавоб бера оладиган тамойиллар ва билимларга эга бўлади.

Мазкур муаммоли метод ҳозирги даврда, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Чунки у ҳар бир ўқувчини мантиқли фикр юритиши, фаоллигини ошириш ва эркин фикр юритишида фойдалидир.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, муаммоли таълим орқали таълим самарадорлигини оширишда билимларни тестлар ёрдамида аниқлаш, ишбоп ўйинлар орқали кўникмалар ҳосил қилиш, кузатишлар асосида малакалар пайдо қилиш, шахсий сифатларини баҳолаш, ўқувчиларнинг эҳтиёжларини билиб, уни тўғри йўналтириш, улар билан индивидуал суҳбатлар асосида кадрлайдиган қадриятларни аниқлаш, сўровномалар орқали ўқувчилар кайфиятини билиш ва таълим самарадорлиги натижасини аниқлаш орқали фаолиятидаги ўсиш даражасини ҳам аниқлаш мумкин.

Буларнинг барчаси, албатта, ўқитувчининг касб маҳорати ва унинг тайёргарлик даражасига ҳам бевосита боғлиқдир.

Муаммоли таълимдан тажриба-синов майдончаларида адабиёт ўқитиш жараёнида олинган натижалар ҳар бир синф мисолида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда қандай натижалар бергани қуйидаги жадваллар шаклида намойиш этилди:

Тажриба-синовга тортилган олти та мактабдаги тажриба синфларида жами 191 ўқувчи ва назорат синфларида жами 192 ўқувчи қатнашган. Бу жараёнда халқ оғзаки ижоди намуналари сифатида мақоллар, топишмоқлар, “Уч оға-ини ботирлар” ва “Сусамбил” эртаклари муаммоли ўрганилган.

Тажриба-синов жараёнида тажриба синфларида олинган ижобий натижа **74,6** фоизни ташкил этган бўлса, назорат синфларида **56,02** фоиз натижа берган. Орадаги тафовут **17,18** фоизни ташкил этган (3.2.1-жадвалга қаранг):

3.2.1-жадвал

5-синфларда халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда ўқувчилар билим даражасининг ортганлиги тасвири

Т/р	Мактаблар	Муаммоли таълимнинг самарадорлик даражаси			
		Назорат синфи		Тажриба синфи	
		Ўқувчилар сони	Баҳолар % ҳисобида	Ўқувчилар сони	Баҳолар % ҳисобида
1.	Самарқанд шаҳридаги 17-мактаб	37	4, 5 балл/ 55,4%	36	4, 5 балл/ 61,1
2.	Пастдарғом туманидаги 39-мактаб	31	4, 5 балл/ 58,4	33	4, 5 балл/ 72,2
3.	Урганч шаҳридаги 19-сонли ИДУМ	33	4, 5 балл/ 60,9	31	4, 5 балл/ 76,6
4.	Хива туманидаги 8-мактаб	31	4, 5 балл/ 51,5	31	4, 5 балл/ 80,6
5.	Навоий вил. Хатирчи тум. 65-мактаб	30	4, 5 балл/ 52,0	31	4, 5 балл/ 74,6
6.	Хатирчи туманидаги 20-мактаб	29	4, 5 балл/ 57,9	30	4, 5 балл/ 74,1
	Жами: 6	192	56,02	191	74,6

Тажриба-синовга тортилган олти та мактабдаги 6-тажриба синфларида жами 203 ўқувчи ва назорат синфларида жами 207 ўқувчи қатнашган. Бу жараёнда халқ оғзаки ижоди намуналари сифатида халқ кўшиқлари муаммоли ўрганилган. Тажриба-синов жараёнида тажриба синфларида олинган ижобий натижа 68,5 фоизни ташкил этган бўлса, назорат синфларида 57,9 фоиз натижа берган. Орадаги тафовут 10,6 фоизни ташкил этган (3.2.2-жадвалга қаранг).

3.2.2-жадвал

6-синфларда халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда ўқувчилар билим даражасининг ортганлиги тасвири

Т/р		Муаммоли таълимнинг самарадорлик даражаси	
		Назорат синфи	Тажриба синфи

	Мактаблар	Ўқувчилар сони	Баҳолар % ҳисобида	Ўқувчилар сони	Баҳолар % ҳисобида
1.	Самарқанд шаҳридаги 17-мактаб	39	4, 5 балл/ 58,4%	36	4, 5 балл/ 71,1
22.	Пастдарғом туманидаги 39-мактаб	31	4, 5 балл/ 58,9	30	4, 5 балл/ 67,2
3.	Урганч шаҳридаги 19-сонли ИДУМ	38	4, 5 балл/ 60,1	39	4, 5 балл/ 74,6
4.	Хива туманидаги 8-мактаб	29	4, 5 балл/ 57,4	30	4, 5 балл/ 69,6
5.	Навоий вил. Хатирчи тум. 65-мактаб	37	4, 5 балл/ 52,9	37	4, 5 балл/ 64,6
6.	Хатирчи туманидаги 20-мактаб	33	4, 5 балл/ 59,9	31	4, 5 балл/ 64,1
	Жами: 6	207	57,9	203	68,5

3.2.3-жадвал

7-синфларда халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда ўқувчилар билим даражасининг ортганлиги тасвири

Т/р	Мактаблар	Муаммоли таълимнинг самарадорлик даражаси			
		Назорат синфи		Тажриба синфи	
		Ўқувчилар сони	Баҳолар % ҳисобида	Ўқувчилар сони	Баҳолар % ҳисобида
1.	Самарқанд шаҳридаги 17-мактаб	40	4, 5 балл/ 59,4%	39	4, 5 балл/ 61,1
2.	Пастдарғом туманидаги 39-мактаб	28	4, 5 балл/ 55,4	30	4, 5 балл/ 62,2
3.	Урганч шаҳридаги 19-сонли ИДУМ	36	4, 5 балл/ 59,9	36	4, 5 балл/ 66,6
4.	Хива туманидаги 8-мактаб	31	4, 5 балл/ 59,5	30	4, 5 балл/ 60,6
5.	Навоий вил. Хатирчи тум. 65-мактаб	39	4, 5 балл/ 56,7	39	4, 5 балл/ 64,6

6.	Хатирчи туманидаги 20-мактаб	29	4, 5 балл/ 58,9	31	4, 5 балл/ 64,1
	Жами: 6	203	58,4	205	63,2

Тажриба-синовга тортилган олтига мактабдаги 7-тажриба синфларида жами 205 ўқувчи ва назорат синфларида жами 203 ўқувчи қатнашган. Бу жараёнда халқ оғзаки ижоди намуналари сифатида “Равшан” достони муаммоли ўрганилган. Тажриба-синов жараёнида тажриба синфларида олинган ижобий натижа 63,2 фоизни ташкил этган бўлса, назорат синфларида 58,4 фоиз натижа берган. Орадаги тафовут 4,8 фоизни ташкил этган (3.2.3-жадвалга қаранг).

3.2.4-жадвал

8-синфларда халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда ўқувчилар билим даражасининг ортганлиги тасвири

Т/р	Мактаблар	Муаммоли таълимнинг самарадорлик даражаси			
		Назорат синфи		Тажриба синфи	
		Ўқувчилар сони	Баҳолар % ҳисобида	Ўқувчилар сони	Баҳолар % ҳисобида
1.	Самарқанд шаҳридаги 17-мактаб	37	4, 5 балл/ 51,4%	36	4, 5 балл/ 61,1
2.	Пастдарғом туманидаги 39-мактаб	30	4, 5 балл/ 59,4	30	4, 5 балл/ 71,2
3.	Урганч шаҳридаги 19-сонли ИДУМ	39	4, 5 балл/ 60,9	39	4, 5 балл/ 76,6
4.	Хива туманидаги 8-мактаб	41	4, 5 балл/ 51,9	38	4, 5 балл/ 60,6
5.	Навоий вил. Хатирчи тум. 65-мактаб	38	4, 5 балл/ 52,3	39	4, 5 балл/ 64,6
6.	Хатирчи туманидаги 20-мактаб	31	4, 5 балл/ 59,9	30	4, 5 балл/ 70,1
	Жами: 6	212	56,0	216	67,4

Тажриба-синовга тортилган олтига мактабдаги 8-тажриба синфларида жами 216 ўқувчи ва назорат синфларида жами 212 ўқувчи қатнашган. Бу жараёнда халқ оғзаки ижоди намуналари сифатида “Кунтуғмиш” достони муаммоли ўрганилган. Бу жараёнда тажриба синфларида олинган ижобий натижа 67,4 фоизни ташкил этган бўлса, назорат синфларида 56,0 фоиз натижа берган. Орадаги тафовут 11,4 фоизни ташкил этган (3.2.4-жадвалга қarang).

3.2.5-жадвал

9-синфларда халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганишда ўқувчилар билим даражасининг ортганлиги тасвири

Т/р	Мактаблар	Муаммоли таълимнинг самарадорлик даражаси			
		Назорат синфи		Тажриба синфи	
		Ўқувчилар сони	Баҳолар % ҳисобида	Ўқувчилар сони	Баҳолар % ҳисобида
1.	Самарқанд шаҳридаги 17-мактаб	40	4, 5 балл/ 59,4%	39	4, 5 балл/ 71,1
2.	Пастдарғом туманидаги 39-мактаб	31	4, 5 балл/ 59,7	30	4, 5 балл/ 62,2
3.	Урганч шаҳридаги 19-сонли ИДУМ	38	4, 5 балл/ 60,9	37	4, 5 балл/ 76,1
4.	Хива туманидаги 8-мактаб	21	4, 5 балл/ 57,5	22	4, 5 балл/ 60,0
5.	Навоий вил. Хатирчи тум. 65-мактаб	40	4, 5 балл/ 60,0	39	4, 5 балл/ 74,0
6.	Хатирчи туманидаги 25-мактаб	35	4, 5 балл/ 59,9	35	4, 5 балл/ 64,2
	Жами: 6	205	59,6	202	67,9

Тажриба-синовга тортилган олтига мактабдаги 9-тажриба синфларида жами 202 ўқувчи ва назорат синфларида жами 205 ўқувчи қатнашган. Бу жараёнда халқ оғзаки ижоди намуналари сифатида “Алпомиш” достони муаммоли ўрганилган. Тажриба-синов жараёнида тажриба синфларида

олинган ижобий натижа 67,9 фоизни ташкил этган бўлса, назорат синфларида 59,6 фоиз натижа берган. Орадаги тафовут 8,4 фоизни ташкил этган (3.2.5-жадвалга қаранг).

Барча синфлар адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли таълимдан фойдаланган ҳолда ташкил этиш жараёни тажриба синфларида назорат синфларига нисбатан юқори натижа берганини жадваллардаги рақамлар мисолида кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, муаммоли таълим замон талаби бўлиб, таълимни такомиллаштириш ўқув-билув жараёнининг самарадорлигини оширишда энг қулай восита сифатида хизмат қилади ва ўқувчининг савияси, шахси, истеъдоди, интеллекти, хулқи, малакаси, иродаси, эҳтиёжи, мотиви ва ҳис-туйғусини шакллантиради.

Математик-статистик таҳлил-жадвал

Ўқувчиларда адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли таълимдан фойдаланган ҳолда ташкил этиш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўзлаштириш натижалари

3.2.6-жадвал

Мезонлар	Муддати	Ўзлаштириш даражалари					
		Тажриба синфи (1017 нафар ўқувчи)			Назорат синфи (1019 нафар ўқувчи)		
		Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
5 – синф	Таж.боши	335	365	317	546	401	70
	Таж.яқуни	346	364	309	367	387	265
6 – синф	Таж.боши	330	368	319	545	403	69
	Таж.яқуни	344	363	312	369	389	261
7 – синф	Таж.боши	332	366	319	542	397	78
	Таж.яқуни	342	365	312	365	392	262
8 – синф	Таж.боши	334	369	314	543	399	75
	Таж.яқуни	345	360	314	368	385	266
9 – синф	Таж.боши	331	367	319	544	400	73

	Таж.якуни	343	363	313	366	389	264
Ж а м и:	Таж.боши	1665	1835	1585	1745	1815	1535
	Таж.якуни	2720	2000	365	1835	1950	1310
Ўртачаси:	Таж.боши	333	367	317	349	363	307
	Таж.якуни	544	400	73	367	390	262

Ўтказилган тажриба-синов натижаларига асосланган ҳолда ўқувчиларда адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли таълимдан фойдаланган ҳолда ташкил этиш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажриба ва назорат синфларидаги ўртача ўзлаштиришларини Стъудентнинг математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик. Тажриба-синовда жами 2036 нафар ўқувчилар қатнашди. Шундан, тажриба синфида 1017 нафар ўқувчи иштирок этган бўлса, назорат синфида 1019 нафар ўқувчи иштирок этди (3.2.6-жадвалга қаранг).

Масаланинг қисқача моҳияти қуйидагилардан иборат: иккита бош тўплам берилган бўлсин. Бири тажриба синфидаги ўқувчилар билимининг ўртача баллари, иккинчиси эса назорат синфи ўқувчилари билимининг ўртача баллари. Баҳолар нормал тақсимотга эга деб ҳисобланади. Бундай фараз ўринлидир, чунки нормал тақсимотга яқинлашиш шартлари содда бўлиб, улар бажарилади.

Ўқувчиларнинг тажриба ва назорат синфларидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 гипотеза ва унга зид бўлган H_0 гипотеза танланади.

Натижаларни қуйидаги жадвалда акс эттирамиз (3.2.7-жадвалга қаранг):

**Ўқувчиларда адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди
намуналарини муаммоли таълимдан фойдаланган ҳолда ташкил этиш
самарадорлигини аниқлаш юзасидан тажрибадан олдинги ўзлаштириш
натижалари**

Босқичлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Қуйи
Тажриба синфи	1017	333	367	317
Назорат синфи	1019	349	363	307

Тажриба синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ўқувчилар сонини мос равишда $X_i; n_i$ лар ва шу каби назорат синфидагини эса $Y_j; m_j$ лар орқали белгилаб олиб, қуйидаги статистик гуруҳланган вариацион қаторларга эга бўламиз, шунингдек, юқори кўрсаткични 3 балл билан, ўрта кўрсаткични эса 2 балл билан ва паст кўрсаткични 1 балл билан белгилаймиз.


Тажриба синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 333; & 367; & 317; \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 1017$$

Назорат синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} Y_j & 3; & 2; & 1; \\ m_j & 349; & 363; & 307; \end{cases} \quad m = \sum_{j=1}^3 m_j = 1019$$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



1-расм. Тажриба бошида

Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторлардан n_i ва m_j такрорийлик (частота)ларини мос статистик эҳтимоллик формулалари

$$P_i = \frac{n_i}{n} \quad \text{ва} \quad q_j = \frac{m_j}{m} \quad (1)$$

асосида ҳисоблаймиз.

$$\begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 0,33; & 0,36; & 0,31; \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 P_i = 1$$
$$\begin{cases} Y_j & 3; & 2; & 1; \\ m_j & 0,34; & 0,36; & 0,3; \end{cases} \quad \sum_{j=1}^3 q_j = 1$$

Статистик таҳлилни ҳар икки синф бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари куйидаги натижаларни берди:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} P_i X_i = 0,33 \cdot 3 + 0,36 \cdot 2 + 0,31 \cdot 1 = 0,99 + 0,72 + 0,31 = 2,02$$

$$\text{Фоизда} \quad \bar{X} \% = \frac{2,02}{3} \cdot 100 \% = 67,3\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{j=1}^{m=3} q_j Y_j = 0,34 \cdot 3 + 0,36 \cdot 2 + 0,3 \cdot 1 = 1,02 + 0,72 + 0,3 = 2,04$$

$$\text{Фоизда} \quad \bar{Y} \% = \frac{2,04}{3} \cdot 100 \% = 68\%$$

Демак, тажриба синфидаги ўртача ўзлаштириш $67,3\% - 68\% = -0,7\%$ га

фарқ қилар экан. Бу эса ўз навбатида $\frac{67,3\%}{68\%} \approx 0,99$ га тенг эканлигини англатади. Бу эса самарадорликка эришиш учун жуда паст кўрсаткич эканлигини билдиради. Бундан кўриниб турибдики, тажрибадан олдин самарадорликка эришилмаган.

Энди тажрибадан кейин ўқувчиларда адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли таълимдан фойдаланган ҳолда ташкил этиш

самарадорлигини аниқлашда қандай натижаларга эришилганини аниқлаймиз (3.2.8-жадвалга қаранг).

3.2.8-жадвал

**Ўқувчиларда адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди
намуналарини муаммоли таълимдан фойдаланган ҳолда ташкил этиш
самарадорлигини аниқлаш юзасидан тажрибадан кейинги ўзлаштириш
натижалари**

Босқичлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба синфи	1017	544	400	73
Назорат синфи	1019	367	390	262

Тажриба синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари ва ўқувчилар сони бўйича мос равишда юқоридаги каби белгилашлар киритамиз.


Тажриба синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 544; & 400; & 73; \end{cases} \quad n = \sum_{i=1}^3 n_i = 1017$$

Назорат синфидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари:

$$\begin{cases} Y_i & 3; & 2; & 1; \\ m_j & 367; & 390; & 262; \end{cases} \quad m = \sum_{j=1}^3 m_j = 1019$$

Бу танланмаларга мос келган диаграмма қуйидагича кўринишни олади:



2-расм. Тажриба якунида

Статистик таҳлил ўтказишни қулайлаштириш мақсадида юқоридаги вариацион қаторларни (1) формула асосида ҳисоблаймиз.

$$\begin{cases} X_i & 3; & 2; & 1; \\ n_i & 0,54; & 0,39; & 0,07; \end{cases} \quad \sum_{i=1}^3 P_i = 1$$

$$\begin{cases} Y_j & 3; & 2; & 1; \\ m_j & 0,36; & 0,38; & 0,26; \end{cases} \quad \sum_{j=1}^3 q_j = 1$$

Статистик таҳлилни ҳар икки синф бўйича ўртача ўзлаштиришларини ҳисоблаб, қиёслашдан бошлаймиз. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари қуйидаги натижаларни берди:

$$\bar{X} = \sum_{i=1}^{n=3} P_i X_i = 0,54 \cdot 3 + 0,39 \cdot 2 + 0,07 \cdot 1 = 1,62 + 0,78 + 0,07 = 2,47$$

$$\text{Фоизда} \quad \bar{X} \% = \frac{2,47}{3} \cdot 100 \% = 82,3\%$$

$$\bar{Y} = \sum_{j=1}^{m=3} q_j Y_j = 0,36 \cdot 3 + 0,38 \cdot 2 + 0,26 \cdot 1 = 1,08 + 0,76 + 0,26 = 2,1$$

$$\text{Фоизда} \quad \bar{Y} \% = \frac{2,1}{3} \cdot 100 \% = 70\%$$

Демак, тажриба синфидаги ўртача ўзлаштириш назорат синфидагига нисбатан $(82,3 - 70) \% = 12,3\%$ га юқори экан. Бу эса ўз навбатида $\frac{82,3\%}{70\%} = 1,18$ баробар ортиқлигини англатади.

Ўзлаштиришни аниқлаш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни аниқлаш мақсадида дастлаб ўртача квадратик ва стандарт хатоликларни аниқлаймиз.

Ўртача квадратик хатоликлар:

$$S_x^2 = \sum_{i=1}^{n=3} P_i X_i^2 - (\bar{X})^2 = 0,54 \cdot 3^2 + 0,39 \cdot 2^2 + 0,07 \cdot 1^2 - 2,47^2 = 0,54 \cdot 9 + 0,39 \cdot 4 + 0,07 \cdot 1 - 6,1009 =$$

$$= 4,86 + 1,56 + 0,07 - 6,1009 = 6,49 - 6,1009 = 0,3891$$

$$S_y^2 = \sum_{j=1}^{m=3} q_j Y_j^2 - (\bar{Y})^2 = 0,36 \cdot 3^2 + 0,38 \cdot 2^2 + 0,26 \cdot 1^2 - 2,1^2 = 0,36 \cdot 9 + 0,38 \cdot 4 + 0,26 \cdot 1 - 4,41 =$$

$$= 3,24 + 1,52 + 0,26 - 4,41 = 5,02 - 4,41 = 0,61$$

Стандарт хатоликлар эса:

$$S_x = \sqrt{0,3891} = 0,62 \qquad S_y = \sqrt{0,61} = 0,78$$

Бундан, назорат синфидаги стандарт хатолиги тажриба синфидаги кўрсаткичларга нисбатан катта бўлди, яъни $0,78 > 0,62$. Буни янада аниқроқ кўрсатиш мақсадида ҳар икки статистик танланма бўйича ўрта қиймат аниқликларини биз вариация коэффициентлари орқали, яъни C_x ва C_y формула орқали ҳисоблаймиз:

$$C_x = \frac{S_x}{\sqrt{n \cdot x}} \cdot 100 \% = \frac{0,62 \cdot 100 \%}{\sqrt{1017} \cdot 2,47} = \frac{62 \%}{31,9 \cdot 2,47} = \frac{62 \%}{78,85} = 0,79 \% \approx 1 \%$$

$$C_y = \frac{S_y}{\sqrt{m \cdot y}} \cdot 100 \% = \frac{0,78 \cdot 100 \%}{\sqrt{1019} \cdot 2,1} = \frac{78 \%}{31,9 \cdot 2,1} = \frac{78 \%}{66,99} = 1,16 \% \approx 1 \%$$

Демак, тажриба синфидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичи аниқлиги назорат синфидаги билан бир хил экан.

Энди иккита бош тўпламнинг номаълум ўрта қийматларига ўхшашлигини ҳисобга олиб Стьюдентнинг танланмали мезони асосида нолинчи гипотезани текшираимиз:

$$H_0 : \mu = \mu_y$$

Шунга асосан қуйидаги ҳисобланишни бажарамиз:

$$T_{x,y} = \frac{\bar{x} - \bar{y}}{\sqrt{\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}}} = \frac{2,47 - 2,1}{\sqrt{\frac{0,3891}{1017} + \frac{0,61}{1019}}} = \frac{0,37}{\sqrt{0,00038 + 0,0006}} = \frac{0,37}{\sqrt{0,00098}} = \frac{0,37}{0,031} = 11,94$$

Стьюдент мезони асосида эркинлик даражасини қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

$$k = \frac{\left(\frac{S_x^2}{n} + \frac{S_y^2}{m}\right)^2}{\frac{\left(\frac{S_x^2}{n}\right)^2}{n-1} + \frac{\left(\frac{S_y^2}{m}\right)^2}{m-1}} = \frac{\left(\frac{0,3891}{1017} + \frac{0,61}{1019}\right)^2}{\frac{\left(\frac{0,3891}{1017}\right)^2}{1016} + \frac{\left(\frac{0,61}{1019}\right)^2}{1018}} = \frac{(0,00038 + 0,0006)^2}{\frac{(0,00038)^2}{1016} + \frac{(0,0006)^2}{1018}} =$$

$$= \frac{(0,00098)^2}{\frac{0,00000014}{1016} + \frac{0,00000004}{1018}} = \frac{0,00000096}{0,00000000014 + 0,00000000035} = \frac{0,00000096}{0,00000000049} = 1960$$

ушбу эҳтимоллик учун статистик аломатнинг қийматдорлик даражасини $\alpha=0,05$ деб олсак, у ҳолда $p=1-\alpha=0,95$ га ҳамда эркинлик даражаси $k=1960$ га тенг. Стьюдент функцияси тақсимот жадвалидан икки томонлама мезоннинг критик нуқтаси:

$$t_{1-\frac{(1-p)}{2}}(k) = t_{1-\frac{(1-0,95)}{2}}(1960) = t_{0,975}(1960) = 1,96$$

Бундан кўришиб турибдики, статистиканинг танланма қиймати критик нуқтадан катта экан:

$$T_{x,y} = 11,94 > 1,96$$

Демак, бош ўртача қийматлар тенглиги ҳақидаги H_0 нолинчи гипотеза рад этилади. Буни 95 % ишончлилик билан айтиш мумкинки, тажриба синфидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳар доим назорат синфидаги ўртача ўзлаштириш кўрсаткичларидан юқори бўлади.

Энди баҳолашнинг самарадорлик кўрсаткичини аниқлаш учун ишончли интервални топамиз:

$$\Delta_x = t_\gamma \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} = 1,96 \cdot \frac{0,62}{\sqrt{1017}} = 1,96 \cdot \frac{0,62}{31,9} = \frac{1,2152}{31,9} \approx 0,04$$

га тенг, назорат синфидаги эса:

$$\Delta_y = t_\gamma \cdot \frac{S_y}{\sqrt{m}} = 1,96 \cdot \frac{0,78}{\sqrt{1019}} = 1,96 \cdot \frac{0,78}{31,9} = \frac{1,5288}{31,9} \approx 0,05$$

га тенг. Топилган натижалардан тажриба синфи учун ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - \Delta_x \leq a_x \leq \bar{X} + \Delta_x$$

$$2,47 - 0,04 \leq a_x \leq 2,47 + 0,04$$

$$2,43 \leq a_x \leq 2,51$$


назорат синфи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - \Delta_y \leq a_y \leq \bar{Y} + \Delta_y$$

$$2,1 - 0,05 \leq a_y \leq 2,1 + 0,5$$

$$2,05 \leq a_y \leq 2,15$$

Буни геометрик тасвирласак:



Бундан $x=0,05$ қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба синфидаги ўртача баҳо нозорат синфидаги ўртача баҳодан юқори ва оралик интерваллари устма-уст тушмаяпти. Демак, математик-статистик таҳлилга асосан, яхши натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Маълумки, $\bar{X}=2,47$; $\bar{Y}=2,1$ $\Delta_x = 0,04$; $\Delta_y = 0,05$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{\text{усб}} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,47 - 0,04}{2,1 + 0,05} = \frac{2,43}{2,15} = 1,13 > 1;$$

$$K_{\text{одб}} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,47 - 0,04) - (2,1 - 0,05) = 2,43 - 2,05 = 0,38 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба синфидаги ўзлаштириш нозорат синфидаги ўзлаштиришдан юқори экан.

Демак, ўқувчиларда адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли таълимдан фойдаланган ҳолда ташкил этиш самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

Учинчи боб юзасидан хулосалар

Умумий ўрта таълим мактаблари адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналарини муаммоли таълим методларидан фойдаланган ҳолда ўрганиш билан боғлиқ тажриба-синов ишлари асносида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Муаммоли таълимга хос бўлган барча методлар, хусусан, муаммоли методдан адабий таълимнинг ҳар босқичида ўқувчиларнинг ёши ва интеллектуал имкониятларига мос равишда фойдаланиш бу жараёндаги самарадорлик гаровидир.

2. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, муаммоли ўқитиш кечими ўқувчиларни ўрганилаётган ўқув фанлари бўйича самарали билим, кўникма ва малака ҳосил қилишга йўллайди.

3. Ҳозирги даврда ўқув жараёни, хусусан, адабий таълим самарадорлигини таъминлашда муаммоли ўқитишни маълум дастур асосида ташкил этиш ва уни амалга оширишда тажриба-синов ишларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда уни амалга ошириш шарт-шароитларини такомиллаштириш йўналишларини белгилаб олиш зарур.

4. Тадқиқот жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишларида махсус мавзулар асосида ташкил этилган дарслар сўровномалар орқали таълим самарадорлиги танланган мезонлар орқали аниқланди. Бу жараён ҳам сифат, ҳам математик-статистик таҳлил этилиб, натижаларнинг ишончилиги асосида умумий хулосалар чиқарилди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Муаммоли таълим ўқувчиларни мустақил ва мантиқий фикрлашга, ижодий фаолиятга, шу билан бирга, билимларни онгли ўзлаштиришга йўналтириш омилидир.

2. Муаммоли ўқитиш технологиясидан узлуксиз таълимнинг барча босқичларида, хусусан, мактабгача таълим, бошланғич синфлар, ўрта ва юқори синфлар, шунингдек, олий таълим тизимида барча ўқув фанларини ўқитишда тарбияланувчи, ўқувчи, талабаларнинг ёши, интеллектуал имкониятларига асосланган ҳолда фойдаланиш мумкин.

3. Адабий таълим бўйича умумий ўрта таълим мактаблари 5-9 синфлар ўқувчиларига мўлжаллаб яратилган дастурлар ва «Адабиёт» дарсликларида муаммоли таълимга эътибор берилмаган.

4. Ўқитишнинг муаммоли турига давлат миқёсидаги педагогик хужжатларда ҳам эътибор қилинмаган. Сабаби муаммоли таълим технологиясининг илмий-методик асослари таълим, хусусан, адабий таълим методикаси илмида ҳам яратилмаган.

5. Адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналари билан ишлашда муаммоли таълимни самарали амалга ошириш учун тадқиқот, диалог, эвристик, баҳс-мунозара, дидактик таҳлил ва кичик гуруҳларда ишлаш каби методлар ўқувчиларни мустақил фикрлашга, фаолият мустақиллигига, ижодкорликка йўналтиради. Айни замонда, адабий таълимнинг бош мақсади – маънавий баркамол шахсларни шакллантиришда катта самарадорликни таъминлайди.

6. Умумтаълим мактаблари адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналари билан ишлашда муаммоли таълимни самарали амалга ошириш учун ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёши ва психологик хусусиятларини инобатга олиш бу жараёнда муваффақиятларга эришишга асос бўлади.

7. 5-9 синфлар адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди намуналари билан ишлашда муаммоли таълимни самарали амалга оширишда ўқитувчининг касбий компетентлиги, муаммоли таълим технологияси,

унга хос метод ва усулларнинг назарий асосларини яхши билиши муҳим аҳамият касб этади. Акс ҳолда муаммоли таълимдан фойдаланиш жараёни кутилган натижани бермаслиги мумкин.

8. Муаммоли таълимга хос бўлган барча методлар, хусусан, муаммоли методдан адабий таълимнинг ҳар босқичида ўқувчиларнинг ёши ва интеллектуал имкониятларига мос равишда фойдаланиш бу жараёнда самарадорлик гаровидир.

9. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, муаммоли ўқитиш кечими ўқувчиларни ўрганилаётган ўқув фанлари бўйича самарали билим, кўникма ва малака ҳосил қилишга йўллайди.

10. Ҳозирги даврда ўқув жараёни, хусусан, адабий таълим самарадорлигини таъминлашда муаммоли ўқитишни маълум дастур асосида ташкил этиш ва уни амалга оширишда тажриба-синов ишларининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда уни амалга ошириш шарт-шароитларини такомиллаштириш йўналишларини белгилаб олиш зарур.

11. Тадқиқот жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишларида махсус мавзулар асосида ташкил этилган дарслардан кейин сўровномалар орқали таълим самарадорлиги танланган мезонлар орқали аниқланди. Бу жараён ҳам сифат, ҳам математик-статистик таҳлил этилиб, натижаларнинг ишончлилиги асосида умумий хулосалар чиқарилди.

12. Таълим-тарбия сифати ва самарадорлиги жамият тараққиётининг асоси экан, адабиёт дарсларини ташкил этишда дарс самарадорлигини кафолатлайдиган муаммоли таълимни қўллаш ва ундан инновацион даражада фойдаланиш давр талабидир. Лекин таълим қай даражада янгиланмасин, улар миллий асосга эга бўлмаса, тегишли самара бериши мумкин эмас. Зеро, замонавий таълимда юқори самарага эришиш бевосита назарий ва амалий машғулотларни ўқувчи шахсини, унинг қизиқишлари, хоҳиш ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда чуқур ва мустаҳкам билим беришга, ўзлаштиришда юқори сифатни таъминлашга боғлиқ. Таълим самарадорлиги

эса дастлаб ўқувчиларнинг ўзлаштиришлари, қизиқишлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ.

ТАВСИЯЛАР

1. Ўқитувчилар учун муаммоли таълим технологиясининг психологик, педагогик жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятларига доир илмий-методик таъминотини яратиш.

2. Таълимни муаммоли ташкил этиш асосида ўқитишнинг самарадорлигини оширишга, уни такомиллаштиришга доир республика илмий-амалий семинар ва конференцияларни мунтазам ўтказиб бориш.

3. Ўқувчиларнинг ақлий ва ижодий фаолиятини ривожлантирадиган муаммоли ўқитиш тажрибаларидан фойдаланиб илмий тўғараклар, жамиятлар, турли доиралардаги беллашувлар, ўқувчиларнинг ижодий ишлари танловларини ўтказишни янада такомиллаштириш.

4. Муаммоли методнинг шакл ва усулларини такомиллаштириб бориб ўқувчиларда эркин, мустақил, танқидий-ижодий фикр юритишни, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш кўникмасини ҳосил қилиш билан ҳаётда ўзига хос йўлни танлай оладиган, замон талабларига жавоб берувчи, юксак маданият ва ахлоққа эга шахсни шакллантириш.

5. Муаммоли ўқитишда ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигини йўлга қўйиш асосида шахснинг индивидуал ва интеллектуал имкониятларини юзага чиқариш.

6. Республика миқёсида Муаммоли Таълим Маркази (МТМ)ни яратиш ва бутун таълим тизимида барча йўналишлар бўйича муаммоли ўқитиш ишларини ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 1992. – 46 б.
2. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисида Низом. www.lex.uz/acts/819241?ONDATE=20.06.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й. 14-сон, 230-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қарори. /Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2018 й. 20-сон, 217-модда.
5. Mirziyoyev Sh. M. Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Т.: O`zbekiston, 2017. – 484 б.
6. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 432 б.
7. Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 237 б.
8. Мирзиёев Ш. М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. 1-том. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 371 б.
9. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: ЎЗМЭ, 2000. – 248 б.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 173 б.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. /ЎЗР қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон, 70-модда.

12. Узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. – Т.: Янгийўлполиграфсервис, 2010. – 196 б.

13. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. Адабиёт. //Таълим тараққиёти. 1-махсус сон. – Т.: Шарқ, 1999. – 303 б.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

14. Абушкин Х.Х. Проблемное обучение – учителю. – Саранск: Мордовское книжное изд-во, 1996. – 174 с.

15. Айзерман Л. С. Современный урок литературы и проблемное преподавание. – Москва: Просвещение, 1969. – 222 с.

16. Азимов Э. Г., Щукин А. Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – Москва: ИКАР, 2009. – 448 с.

17. Бабанский О. Е. Проблемное обучение: обоснование и реализация. //Наука и школа. – 2000. – №1 – С. 19–25.

18. Богаевская О. Н. Проблемная организация формирования учебной деятельности младших школьников как условие реализации развивающей функции обучения. Дис. ... канд. пед наук. – Мурманск, 2002. – 187 с.

19. Баратов Ш. Янги педагогик технология татбиқининг психологик асослари. // Олий педагогик ўқув юртларининг ўқув жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишнинг илмий асослари: Респ. Илмий-методик конференциянинг материаллари. – Т.: Низомий номли ТДПУ, 2000. – 312 б.

20. Брушлинский А. В. Психология мышления и проблемное обучение. – Москва: Флинта, 1983. – 350 с.

21. Вилькеев Д. В. Познавательная деятельность учащихся при проблемном характере обучения основам наук в школе. – Казань: Изд-во КГУ, 1997. –168 с.
22. Волков П. Н. Проблемность на уроках истории. – Саранск: Изд-во Мордовского Республиканского ин-та повышения квалификации работников образования, 1997. – 56 с.
23. Выготский Л. С. Воображение и творчество в детском возрасте. – Москва: Просвещение, 1991. – 293 с.
24. Вяткин Л. Г. Методика проблемного обучения. – Саратов: Университет, 1971. – 137 с.
25. Гордеева О. В. Проблемная учебная лекция на уроках русского языка и литературы: Учеб.- метод. пособие. – Новокузнецк: Кузбас. гос. пед. академия, 2006. – 92 с.
26. Горина О. П. Проблемные задания как средство организации развивающего обучения математике в 5—6 классах. Дис. ... канд. пед. наук. – Москва, 2002. – 130 с.
27. Дайри Н. Г. Об уроке с проблемным изложением и логическим заданием. //Преподавание истории в школе. – 1995. – № 1. – С. 47–56.
28. Дьюи Д. Психология и педагогика мышления. – Москва: Совершенство, 1997. – 347 с.
29. Ибрагимов Р. Муаммоли дарс босқичлари. //Халқ таълими. – 1998. – 3-сон. –76–78-б.
30. Идиатулин В. С. Принцип проблемности в когнитивной технологии обучения. – Ижевск: ИжГСХА, 2002. – 91 с.
31. Ильницкая И. А. Проблемные ситуации и пути их создания на уроке. – Москва: Знание, 1995. – 80 с.
32. Ильницкая И. А., Остапенко Л. В. Развитие творческого потенциала личности дошкольника в процессе проблемного обучения. – Омск: ООИПКРО, 2001. – 54 с.
33. Йўлдошев Қ., Йўлдошева М. Бадиий таҳлил асослари. – Т.:

Камалак, 2016. – 464 б.

34. Ковалевская Е. В. Генезис и современное состояние проблемного обучения (общепедагогический анализ применительно к методике преподавания иностранных языков): Автореф. дис. ... д-ра. пед. наук. – Москва, 2000. – 36 с.

35. Колесник Л. И. Проблематизация учебного текста и заданий к нему (на материале обучения чтению на иностранном языке). Автореф дис. ... канд. пед. наук. – Москва, 2004. – 23 с.

36. Коржева М. И. Технология проблемного обучения на уроках русского языка и литературы как средство развития мыслительных способностей учащихся. http://podolsoh.ucoz.ru/teacher/Korgeva/tekhnologija_problemnogo_obuchenija_na_urokakh_rus.pdf

37. Кудрявцев В. Т. Внедрение принципа проблемности в обучении. – Москва: Высшая школа, 1998. –96 с.

38. Кудрявцев В. Т. Проблемное обучение: истоки, сущность, перспективы. –Москва: Знание, 1991. –79 с.

39. Лернер И. Я. Проблемное обучение. – Москва: Просвещение, 1994. – 267 с.

40. Лесохина Л. Н. О проблемности урока литературы. //Литература в школе. – 1995. – № 6. – С. 3–11.

41. Lohman M. C. & Finkelstein M. Создание групп в проблемном обучении для развития навыков решения проблем и самостоятельности. //Учебная наука (США, Пенсильвания). 2000. №28. – С. 291–300. <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pubmed/12269867>

42. Маранцман В.Г. Проблемный анализ романа М. Булгакова "Мастер и Маргарита" //Литература в школе. – 2002. – № 7. – С. 23–27.

43. Маранцман В. Г., Чирковская Т. В. Проблемное изучение литературного произведения в школе. Пособие для учителей. – М.: Просвещение, 1999 – 135 с.

44. Матюшкин А. М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. – Москва: Педагогика, 1992. – 168 с.
45. Матюшкин А. М. Теоретические вопросы проблемного обучения. // Педагогика. – 1991. – № 7. – С. 38–48.
46. Матюшкин А. М. Проблемность, диалог, понимание // Проблемность и диалог в современном образовании в эпоху глобализации: Материалы III Московской международной конференции «Образование в XXI веке – глазами детей и взрослых». – Москва: Лингвастарт, 2003. – С. 5–8.
47. Матюшкин А. М. Психология мышления. Мышление как разрешение проблемных ситуаций. – Москва: КДУ, 2009. – 190 с.
48. Махмутов М. И. Теория и практика проблемного обучения. – Казань: Татарское книжное издательство, 1992. – 552 с.
49. Махмутов М. И. Организация проблемного обучения. – Москва: Просвещение, 1997. – 240 с.
50. Мельникова Е. Л. Проблемный урок, или как открывать знания с учениками. Пособие для учителя. – Москва: АПК и ПрО, 2006. – 168 с.
51. Методы проблемного обучения. – <http://muromzevoschk.ucoz.ru/FGOC/metody.pdf>
52. Mc. M. Parland, Noble L.M. & Livingston G. Эффективность проблемного обучения по сравнению с традиционным обучением в бакалавриате психиатрии. // Образование (Англия, Лондон). 2004. №38. С. 859–867. [HUdoi:10.1023/A:1003927228005U](https://doi.org/10.1023/A:1003927228005U)
53. Мочалова Н. М. Методы проблемного обучения и границы их применения. – Казань: Университет, 1999. – 159 с.
54. Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфуров Д., Тўраев А. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. – Т.: Sano-standart, 2015. – 120 бет.
55. Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. Монография. – Т.: Фан, 2006. – 216 б.
56. Никонорова Л. М. Технология проблемно-модульного обучения

иностранным языку в высшей профессиональной школе. – Казань: Казанский гос. энергетический ун-т, 2004. – 95 с.

57. Ноэль Капон и Дина Кун. Что хорошего в проблемном обучении? //Познание и обучение. 2004. №1. – С. 61–79, <http://www.jstor.org/stable/323385>

58. Оконь В. Основы проблемного обучения. – Москва: Просвещение, 1998. –208 с.

59. Олимов Қ. Т., Узоқова Л. П. Муаммоли вазиятни бошқариш йўллари. //Фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини жадаллаштириш муаммолари: Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро, 2007. – 316–317-б.

60. Осипова О. И. Проблемные ситуации на уроках русской литературы в старших классах якутской школы. Дис. ... канд. пед. наук. – Санкт-Петербург, 2004. – 182 с.

61. Петрушин О. В. Методы проблемного обучения на уроках биологии. //Образование в современной школе. – 2003. – № 6. – С. 9–11.

62. Пидкасистый П. И. Самостоятельная деятельность учащихся. – Москва: Просвещение, 1972. – 184 с.

63. Пидкасистый П. И. Самостоятельная познавательная деятельность учеников в обучении. – Москва: Педагогика, 1980. – 240 с.

64. Позняк О. А. Проблемное обучение на уроках литературы. <https://infourok.ru/praktikoznachimaya-rabota-tema-problemnoe-obuchenie-na-urokah-literaturi-2387450.html>

65. Проблемное преподавание литературы в школе. Сборник статей / Сост. Г.А. Кисилёва. – Казань: Таткнигоиздат, 1971. – 152 с.

66. Проблемное обучение – вызов третьего тысячелетия. Материалы II Московской международной конференции «Образование в XXI веке – глазами детей и взрослых». – Москва: Лингвастарт, 2002. – 168 с.

67. Проблемное изучение литературы в школе. (Сборник статей). – Калининград: Книжное, 1979. –145 с.

68. Проблемное преподавание литературы в школе: пособие для учителей / Т. Ф. Курдюмова, Ч. С. Збарский, В. П. Пошнина и др./ Под ред. Т. Ф. Курдюмовой. – М.: Просвещение, 1985. – 192 с.
69. Прусова В. И. Использование методов и приёмов проблемного обучения на уроках русского языка и литературы. –http://www.dpo-smolensk.ru/biblioteka/inform_obespech/kaf-guman-cikl/3-1.pdf.
70. Пустошкина А.А., Филатова Е.А. Современные открытые уроки литературы 8–9-классы. – Ростов на Дону: Феникс, 2003. – 480 с.
71. Рудницкая Е. Е. Формирование проблемного мышления студентов. – Киров: Изд-во Вятского гос. гуманитарного ун-та, 2003. – 108 с.
72. Сафонова В. В. Проблемные задания на уроках английского языка в школе. Учеб. пособие. – Москва: Еврошкола, 2001. – 271с.
73. Сладкова Д. А. Проблемное преподавание литературы в старших классах средней школы. – Казань, Университет, 1997. – 60 с.
74. Степанова Т. М. Учить, не учительствуя. //Литература в школе. – 2001. – № 6. – С. 23–26.
75. Stepien W. J. Problem-based Learning: As Authentic as it Gets / Stepien, W.J.Gallagher, S.A // Educational Leadership. – № 50(7). – 1993. –р. 25–33. 27.
76. Ступина В. Н. Методика анализа художественного произведения. – Курган, ИПКПРО, 2005. – 246 с.
77. Сущность проблемного обучения. – [https://www.gumer.info/bibliotek Buks/Pedagog/konspekt/40.php](https://www.gumer.info/bibliotek/Buks/Pedagog/konspekt/40.php).
78. Tan O. S., Little P., Hee S. Y. & Conway J. Навыки мышления, креативность и проблемное обучение. //Проблемное обучение: образовательные инновации в разных дисциплинах (Сингапур: Центр проблемного обучения) 2017. №4. – С.233–245. <https://www.semanticscholar.org/paper/Problem-Based-Learning-Hung/864284970bebcd0d62bf0d31a26a1a67ba0e7883>
79. Тюпа В. И. Анализ художественного текста. – Москва: Академия, 2009. – 336 с.

80. Tiwari, A., Lai, P., So, M., & Yuen, K. Сравнение влияния проблемного обучения и лекций на развитие критического мышления студентов. //Медицинское образование (США, Луизиана). 2006. № 40. – С. 547–554. <http://dx.doi.org/10.1111/j.13652929.02481>

81. Тўраев А. Б. Муаммоли вазият методи орқали ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш. //Ўрта махсус касб-хунар таълими тизими учун педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифатини таъминлашнинг илмий-услубий асослари. /Респ. ил.-амал. конф. материаллари. –Т., 2006. – 176–177-б.

82. Узоқова Л. П. Касб-хунар коллежларида махсус фанларни муаммоли ўқитиш технологияси. //Иқтисодиёт йўналишидаги кичик мутахассисларни сифатли тайёрлаш ва уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш. /Республика илмий-амалий анжуман материаллари. – Бухоро, 2006. – 69–70.

83. Узоқова Л. П. Муаммоли ўқитишни ташкил этиш босқичлари. //Касб-хунар таълими. – 2007. – 3-сон. – 8–10-б.

84. Узоқова Л. П. Махсус фанларни муаммоли ўқитиш технологияси. – Т.: Фан, 2013. – 144 б.

85. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. –Т.: Фан, 2000. – 110 б.

86. Харчева Т. А. Проблемное обучение на уроках литературы в старших классах. – <https://multiurok.ru/files/probliemnoie-obucheniie-na-urokakh-litieratury-v-starshikh-klassakh.html>

87. Холбоева Г.А. Фольклор асарларни ўқитиш воситасида сифат ва самарадорликка эришиш омиллари. <http://library.ziyonet.uz/static/lib/reader-pdf/web/viewer.html?file=http://library.ziyonet.uz/uploads/books/476281/5b1519d28090f.pdf>

88. Хохлова Е. А. Учебная проблема в проблемном обучении (на материале иностранного языка): Автореф. дис. ...канд. пед. наук. – Москва, 2005. – 24 с.

89. Цейтлин М. А. О проблемном изучении романа Л. Толстого «Война и мир». //Литература в школе. – 1968. – 1. – С. 11–19.
90. Шевченко Н. В. Проблемно-игровые ситуации как средство развития творческих способностей школьников. Дис. ...канд. пед. наук. – Москва, 2000. – 157 с.
91. Шмидт, HG (1993). «Основы проблемного обучения: некоторые пояснительные примечания». Медицинское образование. 27 (5): 422–32. DOI: 10.1111 / j.1365-2923.1993.tb00296.x. PMID 8208146. S2CID 29515 Проблемное обучение - https://ru.qaz.wiki/wiki/Problem-based_learning;
92. Ўзбек тилининг изохли луғати. – Т.: ЎЗМЭ. www.ziyouz.com.kutubxona.
93. Neys D. C., Vinsent J. P. Оценка студентами проблемного обучения в аспирантуре. //Преподавание психологии (США, Индиана). 2004. №31 (2). – С. 124–126. – <https://www.researchgate.net/publication226454570> Designinggroupsin PBLtopromoteproblemsolvingskillandselfdirectednessInstructionalScience28291307.
94. Hmelo, C. E., & Lin, X. Разработка стратегий самостоятельного обучения в проблемном обучении. //Проблемное обучение: исследовательский взгляд на учебные взаимодействия (США, Нью-Джерси). 2000. – С. 227–250. <https://www.learntechlib.org/p/165380/>
95. Husanboyeva Q., Niyozmetova R. Adabiyot o`qitish metodikasi. – Т.: Innovatsiya-ziyo, 2020. –352 б.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

96. Абдувалитов Е. Б. Умумий ўрта таълим мактабларида қардош халқлар адабиётини қиёсий ўрганиш (таълим ўзбек, қозок, қирғиз, қорақалпоқ ва туркман тилларида олиб бориладиган мактабларнинг V–IX синфлари адабиёт дарслари мисолида). Пед... ф. докт. (DSc) дисс. – Т., 2020. – 245 б.

97. Ahmedov S. va boshq. Adabiyot. Umumiy o'rtta ta'lim maktablarining 5-sinfi uchun darslik. I qism. Uchinchi nashr. – T.: «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2015. . – 176 b.
98. Ahmedov S. va boshq. Adabiyot 6-sinf uchun darslik. – Toshkent: «Ma'naviyat», 2017. – 160 b.
99. Болтаева А. Т. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни бадиий асар қаҳрамонларини танқидий баҳолашга ўргатиш технологияси. Пед... ф. д. (PhD) дисс. – Т., 2020. – 157 б.
100. Жуманазарова Д. Синфдан ташқари ўқиш жараёнида ўқувчиларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантириш (“Алпомиш” ва “Зайдиной” достонлари мисолида). Пед. фан. номзоди... дисс. – Т., 2020.
101. Йўлдошев Қ. Янгича педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. доктори... диссертация. – Т., 1997.–306 б.
102. Yo'ldoshev Q. va boshq. Adabiyot. Umumiy o'rtta ta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. Qayta ishlangan 4-nashri – T.: «Sharq», 2017. – 160 b.
103. Yo'ldoshev Q. va boshq. Adabiyot. Umumiy o'rtta ta'lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik-majmua. Qayta ishlangan 4-nashri – T.: O`zbekiston NMIU, 2019. – 368 b.
104. Келдиёров Р. Адабиёт дарслари самарадорлигини оширишнинг илмий-методик асослари (Ўқитувчи касбий-маънавий фазилатлари асосида). Пед. фан. номзоди ...дисс. – Т.: 2001. –138 б.
105. Матчанов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш. Пед. фан. доктори ...дисс. автореф. – Т., 1998. –38 б.
106. Суюнов Ҳ. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни савол-топшириқлар устида ишлашга ўргатиш усуллари. Пед. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2005. –24 б.
107. Мирқосимова М. М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини

шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари. Пед. фан. доктори ...дисс. – Т., 1995. –253 б.

108. Olimov S. va boshq. Adabiyot. 8-sinf uchun darslik. – Toshkent: G`ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2019. –352 б.

109. Рахимова И. Р. Бошланғич синфлар ўқиш дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишнинг назарий-амалий хусусиятлари. Пед... ф. д. (PhD) дисс. – Т., 2020. – 175 б.

110. Туракулова О. А. Адабий таълим жараёнида академик лицей ўқувчиларида мутолаа маданиятини ривожлантириш технологияси. Пед... ф. д. (PhD) дисс. – Т., 2020. – 136 б.

111. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5–9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури. – Т.: РТМ, 2017.

112. Umumiy o`rta ta`limning milliy o`quv dasturi loyihasi. – Т.: RTM, 2020.

113. Шодмонова М. Б. Малака ошириш тизимида она тили ва адабиёт ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш. Пед... ф. д. (PhD) дисс. – Т., 2019. – 147 б.

114. Файзуллаева Г. Адабий таълим узвийлиги асосида ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш (V-IX синфлар мисолида). Пед... ф. д. (PhD) дисс. – Самарқанд., 2018. – 137 б.

115. Ҳазраткулов М. Р. Адабий таълимда иншонинг ўрни ва уни ташкил этишнинг илмий-методик асослари. Пед... ф. д. (PhD) дисс. – Самарқанд., 2017. – 151 б.

116. Ҳасанов Ш. А. Адабий таълим жараёнида талабаларда аналитик тафаккурни ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш (олий филологик таълим мисолида). Пед... ф. д. (PhD) дисс. – Наманган, 2020. – 150 б.

117. Ҳусанбоева Қ. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. Т., 2007. –240 б.